

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
ДОРИЛФУНУНИ**

Ш.С. Қўшоқов

**ДИАЛЕКТИКА ВА БИЛИШ
НАЗАРИЯСИ**

Ўқув қўлланма

САМАРҚАНД – 2007

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимиз жаҳон цивилизацияси тизимида ўзига муносиб ўринни эгаллаш борасида ўзини Фани ва маънавиятини кириб келаётган XXI аср талабига жавоб берадиган даражага кўтариш учун илғор илмий, ижтимоий – сиёсий, ҳуқуқий ва фалсафий ғоялар, кадриятлар билан бойитмоқда. Айни пайтда жамиятда содир бўлаётган туб ўзгаришлар маънавият жабҳаларида ўзларини хилма – хил ифодасини топмоқда. Бу эса ўз навбатида кишиларни руҳиятида, дунёқарашида чуқур из қолдирмоқда. Шуларга монанд ҳолга республикамизда шаклланаётган истиқлол маънавияти ва мафкурасининг назарий негизини ташкил қилган фалсафа ўзининг мазмуни ва сиймосини янгиламоқда. Бундай шароитда диалектик тафаккурнинг бой хазинасидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Олам, жамият ва маънавият соҳаларида рўй берадиган тараққиёт ва янгиланишларни ҳар томонлама, чуқур тушуниш учун инсоният самарали воситани – диалектик тафаккур усулини ишлаб чиққан. Ўқувчи ёшлар учун бу усулини ўзлаштириш йўлларида бири диалектика таълимоти, унинг тушунчалари ва тамойилларини ижодий ўрганиб олишдир.

Ўтган давр мобайнида республикамизда ката ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакатимиз мустақилликка эришди. Маънавий уёғонишни ва миллий ўзлигини англашнинг юксалишини ўз бошидан кечираётган ҳалқимиз демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишга бел боғлаб киришди. Табиийки бу улкан ўзгаришлар фалсафада, хусан диалектика таълимотида ҳам ўз аксини топиши лозим. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳамда жумҳуриятимиз олий ўқув юртларга тавсия этилган «Фалсафа» курси бўйича Янги дастурга мувофиқ Ушбу ўқув қўлланма диалектика ва билиш назариясини муаммолари, диалектиканинг асосий категориялари, ғоялари ва қонуниятлари ёритилган. Мавзуга оид айрим саволларни таҳлил қилишда мавжуд бўлган мунозарали муаммоларга тўхталиб ўтилди.

Фалсафа ва диалектиканинг муҳим қисмини гносеология муаммолари ташкил қилади. Диалектика ва гносеологиянинг ўзаро нисбати ва алоқадорлиги XX аср фалсафасида катта ўринни олган. Бу ерда масала билиш диалектикаси хусусида бораяпти. Мазкур қўлланмада билиш, унинг моҳияти, илмий билишнинг даражалари ва шакллари, методология муаммолари кенг ёритилган.

Қўлланма Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ равишда баён этилган.

ДИАЛЕКТИКА - УМУМИЙ АЛОҚАДОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТ

I. Диалектик тафаккур. Борлиқ ва бўлишга диалектик қарашнинг қарор топиши.

Борлиқ, субстанция, материя, макон ва вақт категорияларини кўриб чиқишдан шу нарсга аён бўладики, оламдаги барча нарсга ва ҳодисалар доимо ҳаракатда бўлиб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, эски сифатдан янги сифатга ўтиб турадилар. Борлиқда мавжуд бўлган предметларни тадқиқот қилиш, инсон, унинг амалий ва маънавий фаолияти хусусида мулоҳаза юритиш жараёнида диалектик тафаккур шаклланиб боради.

Хўш, диалектик тафаккурнинг ўзи нима? **Диалектик тафаккур** моддий ва маънавий борлиқни ички, зарур алоқадорликлари ва қонуниятларини, табиат, жамият ва маънавият соҳаларидаги тизимлар ва жараёнларни зиддиятли ҳаракати ва ривожланиши акс эттириб, шу асосда пайдо бўлаётган назарий ва амалий муаммоларни ижодий ҳал қилиш келажакда содир бўладиган воқеаларни башорат қила олиш имкониятини берадиган ақлий билиш усулидир. Бу усул орқали инсон воқеаликдаги нарсга ва ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг ривожланиши ва тараққиётини тушуниб олади ва тушунтиради, борлиқ ҳақида диалектик ғоялар ва тасаввурларни ишлаб чиқади.

Тарихан диалектик тафаккур назарий ва амалий фаолиятда намоён бўладиган ақлий билиш усули сифатида инсон ва жамиятнинг вужудга келиши билан пайдо бўлган. Унинг илк кўриниши Қадимги Шарқ маънавияти оалмида /Қадимги Миср ва Вавилон мифологияси ва бадиий ёзма ёдгорликларида, зардуштийлик динида, ведантада ва бошқалар/ вужудга келган.

Диалектик тафаккур, унинг ҳаракати ва натижаси диалектика таълимотида умумлаштирилади, мужассамланади. Нафақат диалектик тафаккур, балки диалектик таълимоти ҳам турли тарихий ва назарий типларга бўлинади. Диалектиканинг кўп хиллиги ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, қуйидагиларни инобатга олишимиз лозим:

1. Ҳар бир тарихий даврда диалектиканинг конкрет – тарихий типлари /антик стихияли диалектика, ўрта аср мусулмон Шарқи фани ва фалсафасидаги диалектик қарашлар, янги замон фалсафадаги диалектика ва бошқалар/ мавжуддир;

2. Диалектика таълимоти, диалектик тасаввурлар ва ғоялар мафкуравий мавқега, қайси дунёқарашга мойил бўлишига қараб идеалистик, ғайришуурий /иррационалисттик /, фалсафий – илоҳиётли кўринишда шаклланади.

3. Маълум тарихий даврнинг ўзида ижтимоий ҳаёт, маданият ва маънавиятнинг ранг – баранг, кўпқиррали бўлиши / шу жумладан, фикрлар, дунёқарашлар, илмий – назарий ва диний таълимотларни кўп хиллиги/ диалектик ғояларни плюралистик тарзда ва диний таълимотларни кўп хиллиги диалектик ғояларни плюралистик тарзда шаклланишини тақозо этади.

Биз энди диалектика таълимотининг шаклланиши масаласини унинг конкрет – тарихий типларини кўриб чиқишдан бошлаймиз.

Жуда қадим замонлардаёқ дунёни билиш, уни амалий ва назарий жиҳатдан ўзлаштириш кўламининг кенгайиб бориши билан бирга кишилар онгида оламдаги нарсга ва ҳодисаларнинг алоқадорлиги, пайдо бўлиши ва йўқолиб бориши, мангулик ва ўткинчилик тўғрисида турли хил тасаввурлар вужудга кела бошлаган. Кейинчалик бундай тасаввурлар фалсафий таълимотларда маълум дунёқараш тизимида солиниб ривожлантирилган.

Махсус диалектик билиш усули ишлаб чиқилмаган даврдаёқ назарий билиш соҳасига илк қадам ташлаётган файласуфлар олани бир бутун борлиқ деб тасаввур қилишган, предметларнинг ўзаро алоқадорлигини, ўзгаришини, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини англай бошлаганлар. Бу стихияли / яъни олдиндан назарий услуб яратиш мақсади қўйилмаган маъносида/ диалектик фикрлашнинг намоён бўлишидир. Қадимги

Хитой фалсафасига оид «Дао Дэ цзин» асарида: Шикаст / захмат/ - мукуммал, қинғир – тўғри, бўшлиғ – тўлдирилган бўлади, эски – янги билан алмашади; озгина интилиб кўпга эришасан; кўп нарсани олишга интилиш янгилишига олиб келади»¹ - деб айтилган. гераклитнинг фикрича, ернинг ўлими – сувнинг туғилиши, сувнинг ўлими – ҳавонинг туғилиши, ҳавонинг ўлими – оловнинг туғилиши ва аксинчадир.

Ўша даврда диалектик тарзда фикрловчи файласуфларнинг муҳолифлари ҳам бўлган. Улар оламни, ундаги нарсаларнинг ҳаракатини, ўзгарувчанлигини инкор қилишган. Элеатлик Пармениднинг фикрича, ҳақиқий борлиқ яғонадир, абадий, ҳаракатсиз ва бўлинмасдир. Унинг шогирди Зенон мантиқ қоидаларини далил қилиб ҳодисаларнинг зиддиятли бўлиши, **ўзгарувчанлиги ҳақидаги тасаввурларнинг** асоссиз эканлиги кўрсатишга уринди. «Ёй ўқи» деб номланган апорияда /грекча – апория – мушкул масала, ечими қийин бўлган ҳукм/ куйидаги фикр келтирилган. Агарда учуётган ёй ҳар дақиқада маълум жоёни эгаллайди / яъни сукунат сақлайди/ деб фараз қилсак, унда ҳаракат мумкин эмас. Чунки сукунатлар йиқиндисидан фақат сукунат ҳосил бўлади.

¹Древнекитайская философия в 2- х т.т. I.М. 1972. С. 121.

Қадимги мутафаккуирларнинг диалектик тасаввурлари янги, қайтарилмас жараёни англатадиган ғоягача, ривожланиш назариясига етказилмади. Уларнинг буюк айланиш ҳақидаги тасаввурларига кўра, оламга, ундаги нарса ва ҳодисаларга даврий, қайтарилиб турадиган шаклланиш, ташкил топиш ҳосдир.

Даврий ҳаракат ва ўзгариш ғоясига ўтиш вақтнинг юксалиш томон йўналганлигини, табиат ва жамиятда қайтарилмас ҳодисаларнинг юз беришини англашни талаб қилади. Хусусан, ўрта асрларда христиан ва ислом динлари доирасида фактнинг йўналиши, олдин бўлиб ўтган ва келажакда юз берадиган воқеаларнинг асимметрияси / номуносивблиги /, турли тарихий босқичларнинг мавжуд бўлиши ҳақидаги тасаввурлар ишлаб чиқилган. Илоҳиётчи Августин жамият тарихини гўдаклик, болалик, ўсмирлик, етуклик, қариялик ва охири ўлим билан тугайдиган босқичлардан иборат бўлган жараён деб тушунган.

Шу билан бирга, табиат ва жамиятдаги жараёнларнинг моҳиятини, йўналишини тушуниш масаласида илмий ва фалсафий тасаввурлар ҳам ишлаб чиқилган. Ибн Синонинг фикрича, худо ва табиат занжирбанд поғоналар орқали боғланган. Табиат худони бевосита таъсиридан узоқда бўлиб, у ўз қонуниятини билан ҳаракат қилади. Араб мутафаккири Ибн Ҳалдунни /XIV аср/ таъкидлашича «биз оламни кузатар эканмиз ундабарча ҳодисалар тартиботга, қонунга бўйсунганини, маълум сабаб туфайли содир бўлишини ўзаро боғланганлигини ва бир – бирига айланишини кўтаришимиз мумкин»¹. Мутафаккир жамиятнинг тараққиётида меҳнат тақсмоти илм – фан, ҳунармандчилик ва географик омиллар муҳим роль ўйнаганини аниқлади.

XV асрдан бошлаб Ғарбий Оврупода капиталистик муносабатлар шакллана бошлади. Ишлаб чиқариш ва инсоний муносабатларни тубдан ўзгартирган бу жараён фалсафа Фан ва техниканинг ривожланишга катта таъсир кўрсатди. Коперник оламнинг гелиоцентрик суратини ишлаб чиқиб коинотнинг марказий нуқтасини «кўчирди». Биолог Ламарк тирик табиатнинг эволюцион тараққиёти тўғрисидаги таълимотни яратди. Француз маърифатпарварлари Вольтер Руссо ва Кондорсе ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ғояни олға сурдилар.

Айни пайтда табиат ва жамиятда содир бўладиган турли ўзгаришлар механика ва физикада таърифланган динамик қонунларга бўйсунди деган тасаввурлар ҳам вужудга келган. Шу асосда янги замонда метафизикча фикрлаш усули шаклланган. Метафизик тарзда фикрлайдиган олимлар ва файласуфлар турли ўзгаришларни тан олсалар ҳам лекин олам коинот ва ердаги ҳаётнинг бир сифатдан иккинчи сифатга янги босқич ёки даражага ўтиши мумкинлигини тасаввур қила олмаганлар.

Дунёни диалектик тарзда билиш ғояси ва усулини яратишда Олмония файласуфларининг /Кант Фихте, Гегель/ хизматлари ката бўлди. Гегель объектив идеализм мавқеида туриб ривожланишнинг энг умимий қонуниятларини ифодалаб берди.

XIX асрда Гегель фалсафасига қарама – қарши бўлган диалектик ғояларнинг иррационалистик /ғайришуурий/ кўринишлари пайдо бўлди. Шопенгауер Киркегор ва уларнинг издошлари онгсизлик ўз – ўзини англаш мутлоқ ирода каби маънавий

ҳодисаларни бирламчи асос қилиб олиб дунёқараш жиҳатдан идеалистик мазмундан иборат диалектик тасаввурлар ишлаб чиқишган.

2.1. Диалектика тушунчаси. Диалектиканинг фалсафий таълимот ва тадқиқ қилиш сифатида шаклланиши тарихидан.

Диалектик тафаккур диалектик билиш усулини шаклланиши кўп асрлар давом этган жараёндир. Воқеаликни ўрганиш ва ўзлаштириш фаолиятини инсонни оламга бўлган муносабатини ўзгариш ва тараққиёт нуқтаи назардан кўриб чиқмоқчи бўлсак унда кишиларни ўйлантириб қўядиган саволлар пайдо бўлади. Масалан: олам ягона бир бутунми ёки бўлак – бўлак нарса ва ҳодисаларни мажмуими, дунёда ҳамма нарса ўзгарадими ёки унда ўзгармас, барқарор жиҳат /воқелик/ борми? Мангулик ва ўткинчиликнинг нисбати қандай? Барча ўзгаришлар қайтарилмас жараёними ёки улар ичида зарурий такрорланадиганлари ҳам борми? Содир бўлаётган ўзгаришларда бирон – бир йўналиш борми? «Олам», «Жамият», «нафосат», «яхши фазилат» каби умумий тушунчалар қандай ҳосил бўлади?

Қадим замондан бери олимлар ва файласуфлар бу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Бундай ҳаракатнинг аҳамияти шундан иборатки, мазкур саволларга у ёки бу тарзда берилиши жавоб кишининг дунёқарашини шакллантиради назарий ва амалий фаолиятни йўналишини белгилайди, диалектик фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

«Диалектика» атамаси грекча «диалегомаи» /суҳбатни олиб бориш, баҳслашиш/ сўздан келиб чиққан. Шу сўздан «диалектике техне» /баҳслашув санъати/ ибораси ҳосил қилиниб, уни Сукрот мунозара олиб бориш усули сифатида татбиқ қилди. Мутафаккир яшаган даврда антик демократия доирасида ижтимоий ҳаётда /таълим тарбия ижтимоий фаолият, давлатни бошқариш суд ишлари соҳарида/ диалог мунозара ва баҳснинг аҳамияти ошади. Сукрот баҳслашув санъатини тушунчалар ва ҳукмларни таҳлил қилишда якка тушунчалардан умумий тушунчалардан умумий тушунчаларга ўтишда муҳим роль ўйнашини англаб майевтика /грекча – доя санъати/ усулини ишлаб чиқди. Майевтикага биноан бирон бир фалсафий муаммо /масалан «олам», «ақл», «нафосат» каби тушунчаларни таҳлил қилиш/ юзасидан суҳбат бўлади, суҳбат давомида кетма – кет берилган саволлар орқали олинаётган жавобларнинг тўғри ёки нотўғрилиги аниқланади, ҳукмлардаги зиддиятлар очилади, кундалик ҳаётда ишлатиладиган сўзлар ва тасаввурларни саёз мазмунга эга бўлиши кўрсатилади. Натижада суҳбатдош томонлар мақбул фикрга келганлар, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб берадиган ҳақиқатни излаб топишига ҳаракат қилганлар.

Афлотун устози Сукротни диалектикага оид фикрларини тизимга солди. Мутафаккир, диалектика – бу олам, инсон ва билиш жараёнининг моҳичтини, борлиқнинг умумий томонлари ва туркумларини ҳаракат, сукунат, тафавут, айният. Борлиқ категориялари ёрдамида тушунтириб берадиган билим соҳасидир, деган фикрга келган.

Аристотел ўздан олдин ижод этган файласуфларни стихияли диалектик қарашларидан хабардор бўлган, борлиқдаги нарсаларни хоссалари ва моҳиятини, уларни инъикос тасаввурларни ўзгариб туришини эътироф этган. Лекин мутафаккир диалектика усулига Сукрот ва Афлотун берган тушунтиришдан фарқ қилувчи изоҳни берган. Унинг фикрича диалектика эҳтимолли ҳукмларни таҳлил қилиш соҳасида қўлланиладиган усулдир. Диалектик исботлашда эҳтимолли ҳукмлардан эҳтимолли хулоса келиб чиқади. Мантикий зарурият ҳолатида аподиктик /грекча – ишончли, шак – шубҳасизиз/ ҳукмлардан хулоса чиқаришда диалектика қўлланилмайди.

Ўрта аср маънавиятида «диалектика» атамаси турли мазмунга эга бўлган. Оврупода диалектика борлиқ ҳақидаги махсус таълимот, бир гуруҳ билим тармоқларини ўз ичига олган фан туркум, мантик, мунозара олиб бориш усули, ҳақиқатни ёлғондан фарқ қилиш санъати деган маъноларда ишлатилган.

Ўрта аср мусулмон Шарқи фалсафасида диалектика назария билимни ҳосил қилиш ва шакллантириш воситасида ишлатилган. Форобий диалектикани / арабча – синаи ал-жадалийн/ мантиқ жиҳатдан асосланган билимга, ҳақиқатчи – ки, қайсики у сабабиятни

аниклаш орқали, маълум бўлган белги ва хоссалар ҳақидаги билимларга таяниб номаълум нарса ва ҳодисалар ҳақида тўғри фикр ва хулосаларга келади.

Янги замон диалектикани назарий таҳлил ва тадқиқот усули сифатида ишлаб чиқиш немис классик фалсафасида амалга оширилди. Кантнинг фикрича диалектика бир бутун, мутлоқ билимга эришишни истаган инсонни онгида пайдо бўладиган асоссиз тасаввурларни, пуч ҳаёёлларни фош этиш воситасидир. Мутлақ билимга эга бўлишга интилан ақл ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятларга дуч келади. Анна шундай интилишни асоссиз эканлигини диалектика кўрсатиб бериши керак.

Диалектика таълимотининг кейинги тараққиёти Гегель номи билан боғланган. У ҳар қандай ўзгариш ва ривожланишнинг манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи зиддият деган фикрга келди.

Табиат, жамият ва маънавий олам соҳаларида намоён бўладиган алоқадорлик, ўзаро таъсир ва ўзгаришларнинг умумий манбаини очиб беришга ҳаракат қилиб, Гегель бир – бири билан боғланган категориялар тизими ва диалектик фикрлаш усулини ишлаб чиқди. Бу усулнинг асосий қондасига кўра ҳар қандай ўзгариш ёки ривожланишнинг манбаи бу предметларда қарама – қаршиликларни пайдо бўлиши, уларни зиддиятга айланиши ва зиддиятни инкор ва синтез орқали ҳал этишлишидир.

Гегель яратган диалектик тафаккур усули идеалистик характерга эга эди. Унинг фикрича ғоя / тушунча, ақл, маънавийлик/ борлик ва унда содир бўладиган ўзгаришларни келтириб бирламчи моҳиятидир. Оламдаги моддий предмет ва тизимлар ғояни, руҳиятни намоён бўлиш қобиғидир. Мутафаккир диалектик ҳаракатни тасвирламоқчи бўлганда воқеаликдан олинган фактларни, илм – фан ютуқларини ўзи ишлаб чиққан тушунчалар ва категориялар тизимига мослаштирган. Натижада кўп хулосалар сунъий мосламани эслатадиган тушунчалар қурилмаси шаклида изоҳланган.

Маркс ва Энгельс даврни янги ижтимоий, сиёсий ва маънавий талаб ва вазифаларидан келиб чиқиб, материалистик дунёқараш заминиди материалистик диалектика таълимотини яратдилар. Улар диалектика табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг энг умумий қонунларини ўрганувчи фандир деган хулосага келдилар.

Ф. Энгельс фалсафага «объектив диалектика» ва «субъектив диалектика» тушунчаларини киритди. Унинг фикрича объектив диалектика инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда табиат ва жамиятнинг ривожланишини билдиради. Субъектив диалектика объектив реалликнинг киши онгида, руҳиятида тафаккур ва билиш усуллари, ҳамда тушунчалар, тасаввурлар ва назариялар воситаси орқали мураккаб, зиддиятли тарзда инъикос этиш жараёнидан иборатдир. Фақат бу жараённинг «жойи» ва амал қилиш шакллари руҳиятда, яъни инсонни онгида содир бўлгани учун субъектив диалектика деб белгиланган. Материалистик билиш назарияси қондасига биноан субъектив диалектика объектив диалектикани акс эттиради.

Коммунистик нуқтаи назарда туриб Маркс ва Энгельс диалектик усул тамойилларига синфий ва мафкуравий маъно бердилар. Бу ҳол материалистик диалектикани тор синфий манфаатларга боғлаб қўйишга, назарий жиҳатдан ёпик фалсафий ва методологик тизимга айланиб қолишига, номарксистик диалектика таълимотларига нисбатан нигилистик / тўла инкор/ муносабатда бўлишга олиб келди.

3. XX асрдаги диалектика таълимотларининг асосий йўналишлари

XX асрда юз берган ижтимоий ва фан – техник инқилоблар, ижтимоий – иқтисодий ва маънавий тараққиёт турли сиёсий ва мафкуравий кучларни, қарашларни ҳаракатга келтирди. Бу албатта диалектикага оид ғояларга. Уларнинг тараққий қилиш характерга таъсир қилмай қолмайди. Бир – бирига ва альтернатив¹ муносабатда бўлган диалектиканинг турли кўринишлари / фариантлари / вужудга келди ва шаклланди. Энди шулар ҳақида қисқача маълумот келтирамиз.

И. Материалистик диалектика. Оврупо ва собиқ СССРда марксча материалистик диалектика марксча-ленинча мафкура доирасида ривожлантирилди.

Бу даврда диалектига тор синфий мақсадлардан келиб чиққан /масалан, социалистик инқилобни, кейинчалик социалистик қурилишни назарий жиҳатдан асослаш, битта партияга хизмат қилувчи фалсафани шакллантириш, бирдан – бир «тўғри» марксча – ленинча мафкурани ишлаб чиқиш ва шу каби /партиявий вазифаларни юклатишиб, уни коммунистик мафкурани бир қисмига айлантирадилар.

Шу билан бирга фалсафанинг фан, маънавият ва ижтимоий тараққиёт билан алоқада бўлганлиги, ўтмишда яратилган диалектика таълимотларини ўрганиш маълум ижобий натижаларни қўлга киритиш имкониятини берди. «ҳар қандай тазйиқларга қарамасдан, «марксизм - ленинизм» кишанлари ва панжараси ортидан ҳам маънавиятимиз куртаклари доимо барқ уриб турди»¹. хусусан: табиат диалектикаси; диалектика, мантиқ ва билиш назариясини бирлиги; диалектик тафаккур; ривожланиш таълимоти; диалектиканинг қонунлари ва категорияларига оид бўлган тасаввурлар ва ғоялар ишлаб чиқилди. Булардан ҳозирги пайтда ҳам ижтимоий ва маънавий тараққиёт йўлида пайдо бўлаётган долзарб муаммоларни ҳал қилишда ижобий равишда фойдаланиш мумкин.

2. Рус диний – идеалистик фалсафасида диалектика таълимоти. Бу оқимнинг намоёндалари борлиқ, инсон ва билиш муаммоларини таҳлил қилиш жараёнида ўзига хос диалектик ғояларни ишлаб чиқишган.

Вл.Соловьёвнинг **о з о д т е о с о ф и к д и а л е к т и к а с и**³. бу мутафаккир ишлаб чиққан таълимотга кўра бирламчи борлиқ ўзида барча белги ва хусусиятларни тўлиқлигини мужассамлантирадиган мавжудот /илоҳий, МЕН/ бўлиб, у ўзининг мазмунига олам орқали намоён қилади, унинг фаоллиги туфайли бир бутун Дуне вужудга келади. Мавжудот – бу яхлитлик ва кўпликни зиддиятли бирликда ўзида қамраб олган ижодий зотдир. Шу мавжудотни моҳиятини билишга қаратилган диалектик тафаккур тушунча шаклидаги умумий тамойилдан /қонун – қоидадан/ конкрет мазмунини ажратиб оладиган назарий қуролдир.

П.А.Флоренский **а н т и н о м и я с т и к д и а л е к т и к а с и**. бу таълимотга кўра фаросат ва ақл бир – бирига қарама – қарши бўлган руҳий ҳосила, руҳий фаолият кўринишидир. Қуйи руҳий қобилият сифатида фаросат зиддиятсиз бўлади, зиддиятни ўзида сақламайди. Ақл эса зиддият билан ҳаётдир.

¹«Муқобил» ва «альтернатива» атамалари ҳам ўхшаш, ҳам фарқ қилувчи маъноларга эгадирлар. Муқобил – қарши турувчи, зид демакдир. Альтернатива сўзни /французча – альтернативе, лотинча – альтер – иккитадан бири/ икки хил маъноси бор: 1. Бир – бирига зид ёки бир неча имкониятдан бирини танлаш зарурияти, ҳолати; 2. Шу имкониятлардан ҳар бири.

²Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси. Тошкент: Ўзбекистон 1993. 5- бет.

³Теософия /грекча теос – худо, софия – донишмандлик/ - ғайришуурий худобилиш маъносини англатиб, унда инсон бевосита ички тажриба орқали, мистик интуиция йўли билан худони пайқаш мумкинлиги ҳақидаги ҳақидаги фикр таъкидланади.

Худонинг учламчи бирлиги /Худо Ота, Худо Ўғил ва Илоҳий Руҳнинг бирлиги/ тўғрисидаги христианлик ақидаси Флоренскийни фикрича мантикнинг асосий қонунини – айният қонунини амал қилишини бекор қилади, зиддият тафаккурни бош тамойилли эканлигини тасдиқлайди. Бунда илоҳий учламчи бирликда мавжуд бўлган жонли зиддият антиномистик диалектикани манбаи ва асоси деган ғоя олға сурилади.

Н. Бердяевнинг **х у д о и н с о н и я т д и а л е к т и к а с и**. Файласуф илоҳиёт, борлиқ, ижод, инсон ва эркинлик муаммоларини таҳлил қилиб бир қатор диалектик тасаввурларни ишлаб чиқди. Унинг фикрича бирдан бир борлиқ – мутлақ эркинликка эга бўлган ва шу туфайли ижод қилиш қобилиятига эга бўлган субъектдир /шахс/, унинг мавжудлигидир. Одам бир бирига зид бўлган икки хислатдан – бир томондан, эркинлик, руҳ /худо/, шахс, намоён; иккинчи томондан – зарурият, дунё, ҳодиса, объектдан ташкил топган. Худо ва шахсни /«менни»/ ижодий фаолиятлари шу икки хислат ўртасидаги зиддиятни ҳал қилиб оламий тараққиётни юзага келтирадилар. Субъектнинг /«меннинг»/

эркин ижодини асоски маҳмуни ва йўналиши – худоинсоният диалектикасидир, яъни Худони инсонда, инсонни Худога туғилишидан иборат бўлган жараёндир.

3. Янги кантчилик диалектикаси. Бу йўналиш намоёндалари / Коген, Виндельбанд, Риккерт ва бошқалар/ Кантнинг фалсафасига таяниб XIX аср охири ва XX аср бошларидаги табиийёт ва ижтимоий – гуманитар фанларнинг тараққиётидан келиб чиққан назарий ва методологик муаммоларни кўриб чиқишган. Янги кантчиларнинг фикрларига кўра табиат ва маданият /руҳият, маънавият/ тўғрисидаги фанлар бир – бирига қарама – қарши бўлган предмет, мақсад ва тадқиқот қилиш усулларига эга. Табиийёт илми билиш объектини сабабияти ва қонунларини тушунтиради / Аини пайтда табиийёт қонунларини объектив характерга эга эканлиги инкор қилинади/, маданият тўғрисидаги фанлар эса тадқиқ қилинаётган предметнинг қайтарилмас, индивидуал ҳолатини ёритиб беради. Ҳозирги пайтда Янги кантчиларнинг назарий ва методологик изланишлари диалектика таълимотининг махсус муаммоларини ишлаб чиқиш эмас, балки диалектик тасаввур томон силжиш, ҳаракат деб баҳоланмоқда.

4. Герменевтика диалектикаси. Герменевтикада / Дильтей, Гадамер, Бэрт ва бошқалар/ фалсафа предмети – руҳият, маданият ва тилни моҳиятини кишини ички маънавий дунёсида намоён бўлишини махсус герменевтик усулни қўллаш орқали аниқлаш, тадқиқотчини онгида қайта жонлантириш, тиклаш муаммоси деб белгиланади. Борлиқ, руҳият ва тилни ўзаро муносабати муаммоларини таҳлил қилиш жараёнида Гадамер Хайдеггерни герменевтикаси билан гегельча тафаккурни, логос / ялпи умумий қонуният/ Билан нутқни, герменевтика Билан диалектикани Янги синтезини амалга ошириш зарур деган фикрни билдирди. Герменевтика намоёндалари тил ва маънони ўзаро алоқадорлиги, тил воситаси Билан маданий норма ва анъаналарни яратиш ва ривожлантириш, онгда оламни суратини ҳосил қилиш муаммоларини таҳлил қилишар экан бир қатор диалектик характерга эга бўлган тасаввурларни ишлаб чиқишган.

5. протестантизм фалсафаси доирасида 20-йилларда диалектик илоҳиёт йўналиши шаклланди. Бу йўналишнинг йирик намоёндаси К. Бартнинг фикрича диалектикани моҳияти инкор, танқидий инкордир. Шу Билан бирга у танқидий инкорга илоҳий маъно беради. Бу маъно шундан иборатки, худо ва одам ўтиб бўлмас ғов мавжуд бўлиб, у инсоннинг ҳаётини чеклиги ва ўлими Билан белгиланади. Гуноҳга ботган одамларни деб Христос ўз жонини қурбон қилар экан, у «танқидий инкорни» ижобий борлиққа айлантиради. XX аср зиддиятларидан келиб чиққан «Буюк инкор» худони бу дунёдан юз ўгирганидан далолат беради. Диалектик илоҳиёт таълимотига кўра «Буюк инкордан» ижобий борлиққа ўтиш учун худога қайтиш керак.

6. Экзистенциалистик диалектика. бу йўналишнинг намоёндалари / К. Ясперс, Ж.П.Сартр, А. Камю ва бошқалар/ диалектикани диққат марказида шахс ва жамият, «мен» ва ташқи муҳит, зарурият ва эркинлик, борлиқ ва йўқлик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги зиддиятлар муаммоси ётиш керак деб ҳисоблайдилар. Экзистенциалистик нуқтаи назарга кўра диалектик тафаккур борлиқни бавосита мантикий билиш орқали эмас, балки бевосита шахсиятли, жонли мушоҳада қилиш жараёнида намоён бўлади. Ақлий билишда субъект ва объект бир – бирига нисбатан қарама – қарши томонларга айланадилар. Оқибатда, ҳам борлиқ, ҳам инсон ўзларини экзистенцияларини / мавжудликларни/ йўқотиб «шахсиз», «жонли қиёфасини» йўқотган объектга айланади, тадқиқотчи жонли, шахсиятли мавжудлигк ўрнига объективлаштирилган мавҳум тушунча ва тамойиллар билан иш кўради.

7. Ғарб фалсафасининг франкфурт мактаби / Маркузе, Адорно ва бошқалар/ доирасида негатив диалектика таълимоти ишлаб чиқилган. Унда билиш ва ижтимоий борлиқ инкор қилиш фаолияти нуқтаи назарда туриб таҳлил қилинган, капиталистик цивилизация ва маданият яратган қадриятларни шу тузумга мослашмаган, ялпи ҳукмрон кучлар ва идоралар остида қолиб кетмаган «ўз ўзига танқидий муносабатда» бўлган руҳнинг ижодий портлаши орқали емириб ташлаб бутунлай янги қадриятларни яратиш зарурлиги ҳақидаги ғоя олға сурилган.

8. Мусулмон Шарқи фалсафасида диалектик тасаввурларни шаклланиши. Мусулмон Шарқи мамлакатларида диалектика таълимоти ўзига хос ижтимоий, мафкуравий ва маънавий шароитда ишлаб чиқилмоқда. Биринчидан, Осиё

мамлакатларида амалга оширилган чуқур ижтимоий – иқтисодий ислохатлар ва мафкуравий янгилашни таъсирида ислом маданияти ва маънавиятининг моҳияти, ҳозирги даврдаги роли, «Ғарб» ва «Шарқ» тафаккурларини ўзларига хос хислатлари, шарқ руҳияти нақадар диалектик характерга эга эканлиги масалалари юзасидан изланишлар, назарий баҳслар пайдо бўлди. Иккинчидан, мусулмон Шарқи фалсафаси ва фани диа лектик ғояларга бой бўлса ҳам, лекин бу ғоялар XX аср фалсафаси нуктаи назарда туриб ҳали дуруст тадқиқ қилинмаган фалсафий меросга назар ташлаган тадқиқотчилар тор мафкуравий мавқедан келиб чиқиб, кўпроқ, уни идеалистик, материалистик, ғайришуурий, илоҳиёт томонларини таҳлил қилишга эътибор беришган. Учинчидан, диалектика таълимоти муаммоларини муҳокама қилишда Ғарб фалсафаси сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Миср файласуфи Имом ал - Фаттоҳ 1968 йилда чоп қилинган «Гегельнинг диалектик методи» рисоласида Гегель диалектикасининг мазмуни ва хусусияти таҳлил қилинган. Файласуфлар Бадави ва Юсуф ал-Хажини ижодида экзистенциализм фалсафаси, ундаги диалектик тасаввурлар чуқур из қолдирган.

Инсоният цивилизациясининг тараққиёти, инсонпарварлик муаммоларини Раҳмон Бадави таҳлил қилар экан, «экзистенциалистик мантик» деб аталган диалектик ғояни ишлаб чиқди. У тараққиётнинг спиралсимон характери тўғрисидаги янги гегельчилик ва макрсистик тасаввурларни танқид қилди. Диалектика таълимотини марказида турган «зиддият» категориясини таҳлил қилиб, Бадави зиддият синтез орқали ҳал бўладиган ҳолат эмас, балки қарама – қарши томонлар таранг тортилган бирликдир деган фикрни билдирди.

Диалектика таълимотини муаммоларига эътибор берган файласуфлардан бири Сайф ад – Даулдир. Унинг фикрича табиат эмас, балки инсон, унинг фаолияти диалектик хислатга эгадир. Табиатда ўзгаришлар мавжуд, лекин зиддият йўқдир. Инсоният тараққиёти зиддиятларни вужудга келиши ва ҳал бўлиши орқали содир бўлади. Даулни таъкидлашича диалектика фақат инсонга хос бўлган жузий қонунларни таҳлил қилиб беради.

Шундай қилиб, XX аср фалсафасида / файласуфлар қайси дунёқараш ва мафкуравий мавқеини эгаллашларидан қатъий назар/ диалектика таълимотига каттадир, унда бу таълимотга оид тасаввурлар ва тамойиллар ҳозирги замон долзарб муаммоларига қаратилиб, тегишли назарий ва услубий ғоялар, хулосалар ишлаб чиқилмоқда.

4.Диалектика ва унинг муқобиллари

Борлиқ мураккаблиги ва ривожланганлиги жиҳатдан турли поғоналарда турувчи чексиз моддий ва маънавий тизимлардан, нарса ва ҳодисалардан ташкил топган. Уни инсон онгида инъикос этилиши шунчаки оддий, ойнамасимон акс эттириш тарзида содир бўлмайди. Бундан ташқари инсон бир бутун объектни бирданига, яхлит идрок қилиб моҳиятини били бола олмайди. Тадқиқ қилинаётган объект фикран қисмларга бўлинади, хоссалари алоҳида – алоҳида кўриб чиқилади, маълум қоида ва усуллар воситаси билан олинган билим умумлаштирилиб тушунча ёки назария ҳосил қилинади. Демак, нафақат борлиқ, балки уни ўрганишга қаратилган тадқиқот қилиш фаолияти ҳам турли ва босқичлардан иборат, кўп поғонали жараёндир.

Билиш жараёнининг самарали бўлиши кўлланилаётган тадқиқот усулларига, уларнинг хусусиятига боғлиқдир. Фалсафа ва Фан тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, диалектик тафаккур усули оламни билиш ва ўзлаштиришда бавосита ёки бевосита кенг кўлланиладиган назарий қурол ва услубдир. Бу услубнинг афзаллик томони шундаки, у предмет ва жараёнларни ўрганишда бир томонламаликдан, тор ва қотиб қолган тасаввурлар ва ғояларни ҳосил бўлишидан сақлаб қолиши мумкин.

Баъзи бир объектив сабабларга кўра, ҳақиқатга интилиш турли ғояларга, тўсиқларга учраб туради. Ижтимоий ҳаётда бўлганидек, билиш соҳасида ҳам бир – бирига муқобил муносабатда бўлган ёндашувлар, усуллар мавжуддир. Шулар жумласига диалектикага қарама –қарши бўлган софистика, эклектика, догматизм ва метафизика киради.

С о ф и с т и к а / грекча софизм – уйдирма, айёрлик / онгли равишдв мантиқнинг қонун ва қоидаларини бузиш, сохта далилларни ишлатиш асосида сиртдан, шаклан тўғри

бўлиб кўринган мулоҳаза юритиш усулидир. Софистик тарзда фикрловчи кишилар воқеаликни инъикос этувчи тушунча ва ҳукмнинг мазмуни нисбийлигини, билиш жараёнини мураккаблигини, сўзларни эса кўп маънога эга эканлигини назарда тутиб, ҳамда жузий манфаатларни кўзлаб тушунчаларни алмаштиришга, ҳийла – найранг йўли билан тўғридек кўринган, аслида нотўғри бўлган хулосаларни чиқаришга ҳаракат қиладилар. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, баъзи бир адабиётларда софистика метафизикани бир кўриниши деб белгиланган¹. фикримизча бундай дейиш англашилмовчиликдир. Метафизик усул софистикадан фарқ қилади. Метафизикча ёндашувда нарса ва ҳодисалар сифат жиҳатдан ўзгармас, тараққиёт эса кўпайиш ёки камайиш деб тушунилади., ривожланиш жараёнини зиддиятли томонлари инобатга олинмайди. Лекин метафизик тарзда фикрловчи файласуфлар, олимлар, агарда Бирон - бир тор шахсий ёки гуруҳга оид мақсадда келиб чиққан манфаатга интилиш бўлмаса, софистик усулни кўллашмайди.

Э к л е к т и к а – турли, кўпинча қарама – қарши нуқтаи назар, ижтимоий – фалсафий қарашлар, сиёсий тамойилларни бир – бири билан аралаш – куралаш қориштириб назарий, ғоявий «мошкичирини» ҳосил қилиш усулидир. Масалан, парапсихологик асарларда, оккультизмга / лат. оккултус – сирли, пинҳон; ғайритабиий кучлар билан мулоқотда бўлиш мумкинлигини эътироф этадиган таълимот/ оид мулоҳазаларда инсон онгини моҳияти ва хусусияти фалсафий, диний, физикавий/ энергетик/ тасаввурлар орқали изоҳланади, тафаккур – психоэнергетик куч, астрал/ лат. астралис – юлдузли; самовий юлдузлар билан ғайритабиий тарзда боғланиш маъносида/ моҳиятга эга деб таърифланади². манна шу тарзда онгнинг моҳиятини изоҳлаш муаммога эклектик ёндашувдан дарак беради.

Диалектикага нисбатан муқобил тафаккур усуллари – метафизика ва догматизмдир. Айрим асарларда бу икала усул айнан бир нарса деб кўрсатилган³. ҳақиқатан ҳам улар ўртасида ўхшашлик бор, баъзи ҳолларда бир хил намоён бўлади, бири иккинчисига айланиб кетади. Шундай бўлса ҳам, ўйлаймизки улар айнан эмас.

М е т а ф и з и к а /грекча: мета та физика – физикадан кейин келадиган/¹ диалектикага зид бўлган тафаккур усулидир. Метафизикча тарзда фикрловчи кишилар одатда нарса ва ҳодисаларга /маълум даражада/ хос бўлган барақарорликка, мувозанат ҳолатига асосланадилар. Назарий билиш соҳасида метафизикча фикрлаш таҳлил қилинаётган предметдаги барқарорликни, айниятликни, хосса ва сифатнинг турқунлигини бўрттириб юборади. Кенг маънода **м е т а ф и з и к а** – воқеаликни билиш жараёнида намоён бўладиган бир ёқламаликни, предметларни барқарор ва бир – биридан мустақил деб тушунишни, ўзгариш ва ривожланишнинг манбаи ички ва ташқи боғланишлар, зиддиятлар эканлигини, қарама – қарши томонларнинг бир – бирига ўтиши мумкинлигини инобатга олмайдиган тафаккур усулини англатади.

Маълум чегарада, изланишни тор доирасида метафизикча фикрлаш бирон – бир аҳамиятга эга бўлган назарий ва амалий натижани қўлга киритиш имкониятини бериш мумкин. Бундай чегара ёки доира оддий, барқарор хоссаларни ўрганиш миқёси билан белгиланади. Лекин вақт ўтиши билан ички ва ташқи ўзгаришлар, таъсирлар оқибатида нарса ва ҳодисаларнинг меъёри, чегараси бузилади, янги хосса, сифат вужудга келади. Шуни ҳисобга олмасдан предметни барқарор томонларини ўрганишдан ҳосил бўлган ва мазмуни ўзгармаган тушунчалардан янги ҳолат ёки хоссани тадқиқот қилиш учун фойдаланиш масалага метафизикча ёндашувни келтириб чиқаради. Метафизик ёндашув / фикрлаш/ учун «ёки - ёки», тўғри – эгри, оқ – қора, яхши – ёмон каби томонларни кескин ажратиб қараш характерлидир. Бундан фарқлироқ диалектик тафаккур нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиб, кескин ўтиб бўлмас чегараларни, ўзгармас хислатларни мавжудлигини тан олмайди, унинг учун ҳар қандай предмет ёки ҳолат ўткинчи, пайдо бўлади ва емирилади, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтади.

Метафизикча фикрлаш кўриб чиқиладиган предметга нисбатан бир томонлама, тор назарни шакллантиришга олиб келади. Лекин ҳар қандай масалага метафизикча ёндашув

¹ Философский энциклопедический словарь. М., 1983. С. 628.

² Қаранг: Клизовский А.Й. Основы миропонимания новой эпохи. Таллин, 1991. С. 15.

³ Қаранг: Введение в философию. Часть 2. М., 1989. С. 105.

беистисно догматизмга олиб келавермайди. Агарда бирон – бир ижтимоий, маънавий ва мафкуравий муаммо юзасидан «ёки» - «ёки» тарзда фикрлаш онга сингиб, эътиқод шаклини олса, бу эътиқод кишининг эскирган ижтимоий ҳолат ва дунёқарашни сақлашга қаратилган фаолиятини белгилаб берса, унда метафизикача фикрлаш ҳақиқатан ҳам догматизмга айланади.

Д о г м а т и з м /грекча догма – рад килиб бўлмайдиган, шубҳага ўрин қолдирмайдиган, ўзгармас мазмунга эга бўлган таълимот, ақида / - ақидапарастлик бўлиб, у фан ва амалиётнинг янги маълумотларини, ўрин ва конкрет шароитларни ҳисобга олмасдан, мазмунан «қотиб» қолган, эскирган тушунчалар ва қоидаларга таяниб ҳодисаларга баҳо бериш, тасаввурга эга бўлиш ва шу асосда у ёки бу фаолиятни амалга ошириш усулидир. Догматизмни вужудга келтирадиган сабаб ва шарт – шароитлар объектив ва субъектив характерга эга. Унинг объектив, ижтимоий заминда мавжуд аҳволнинг турғунлигини сақлашга қаратилган шахсий ва группавий мафаатлар, шу манфаатлар, шу манфаатларни озиқлантириб турувчи иқтисодий ҳолат ва ҳаёт тарзи ётади. Яна бита объектив сабаб шундан иборатки, фан – техника ва ижтимоий тараққиёт шароитида воқеаликдаги ўзгаришлар кишилар томонидан шу ўзгаришларни англаб олишларига қараганда тезроқ содир бўлади. Инсон воқеаликка нисбатан /фикрлаш инерцияси, ўзгармас қолипга солинган тушунчалар ва ақидалар билан иш кўриш шаклида/ рухий кўникиш ва ўзига хос маънавий иммунитет ҳосил қилган, унинг тафаккури догматик характерга эга бўла бошлайди.

Догматизмнинг субъектив асосини у ёки бу шахснинг авторитетига /лат. ауторитас- эътибор, куч, обрў /кўр – кўрона ишониш, мафкуравий ва назарий тасаввурларнинг мазмуни ўзгармаган ҳолда кишининг дунёқарашини тизимида чуқур ўрнашиб қолиши, эскирган қоида ва тамойилларни ҳимоя қилиш, уларнинг аҳамиятини бўрттириш, янгиликдан ҳадиксираш, назариянинг амалиётдан ажралиб қолиши ташкил қилади.

Догматик тарзда фикрлашнинг роли ва таъсири айниқса бир ижтимоий тизимдан иккинчисига ўтиш, кескин ўзгаришлар даврида яққол намоён бўлади. Бу ҳол айрим ижтимоий гуруҳларда мавжуд бўлган иқтисодий, маънавий ва мафкуравий мавқеларнинг қўлдан кетишидан, онга сингиб кетган, лекин ўзгарган шароитни, аҳволни тўғри инъикос этмай қолган тасаввурларни янги мазмундаги тушунчалар билан алмаштиришга ожизлик қилишдан келиб чиқади. Ҳозирги шароитда эса «кишиларнинг тафаккурини, қотиб қолган тушунчаларини ўзгартириш айниқса муҳимдир»¹.

Шундай қилиб, диалектика бир томонламаликни, тор нуқтаи назарни, ақидапарастлик ва жузъий /группавий/ манфаатпарастликни ифодаси бўлган софистикани, эклектикани, метафизикани ва догматизмни танқид қилар экан, айти пайтда уни ўзи ўзидаги кўп қиррали тадқиқот қилиш ва умумлаштириш жиҳатларини такомиллаштириб боради, ҳар қандай ўткир муаммога нисбатан очиқ бўлган назарий ва услубий тизим шаклида ривожланади, руҳият ва маънавиятини квинтэссенцияси /моҳияти, асосий мағзи/ сифатида тараққий қилади. Буни диалектиканинг умумий алоқадорлик ҳақидаги тушунча ва тамойилларини таҳлил қилиш мисолида кўриб чиқиш мумкин.

II – БОБ. ДИАЛЕКТИКА УМУМИЙ АЛОҚАДОРЛИК КОНЦЕПЦИЯСИ СИФАТИДА

1.Муносабат, алоқадорлик, боғланиш ва ўзаро таъсир тушунчалари

Диалектика таълимотини муҳим вазифаларидан бири инсонни олам билан боғлаб турадиган, предметларнинг ҳаракатлари ва ўзгаришларида намоён бўладиган алоқадорликлар ва қонуниятлар тўғрисида умумий тасаввурларни, тушунчаларни шакллантиришдир.

Борлиқни диалектик тарзда ўрганишни муҳим назарий натижаларидан бир – моддий ва маънавий предметлар оламида яқка, жузъий ва умумий алоқа ва боғланишлар билан бирга энг умумий, универсал /ҳар томонлама, беистисно барча нарса ва ҳодисаларга хос

бўлган / алоқадорликлар мавжудлиги ҳақидаги хулоса бўлди. Ялпи, универсал алоқадорлик муносабат, алоқа, боғланиш, таъсир ва акс таъсир орқали ўзини намоён этади. Шу билан бирга муносабат ҳар қандай алоқа, боғланиш, таъсир ва ўзаро таъсирга хос бўлган муҳим томон ёки жиҳатдир.

Барча нарса ва ҳодисалар бир – бирлари билан доимо ўзаро муносабатда ва алоқада бўладилар. **Муносабат** – ўзаро алоқадорликнинг зарурий лаҳза нарсаларнинг бир – биридан шартланганлигидан, ўзаро қарамаликдан, боғланишдан келиб чиқади. Предметнинг хоссаси, белгилари унинг бошқа предметга ёки теваарак муҳитга бўлган муносабати мавжуд бўлади. Борликда муносабат турли хил шакл, даража ва амалга ошиш усулларига эгадир. Айтайлик, муносабатлар ичида ижтимоий муносабатлар алоҳида хусусиятга эгадир. Ҳар бир инсон ўзи яратган предметлар, ташкилотлар, ғоялар ва индивидлар билан ижтимоий, маданий, маънавий мафкуравий ва бошқа хилдаги муносабатни ўрнатди, шу муносабат доирасида фаолият кўрсатади.

Муносабатнинг конкрет кўриниши, намоён бўлиш шакли алоқа ва унинг хусусияти билан белгиланади. **Алоқа** предметларнинг бир – бири билан узвий боғланишини, ўзаро тақазо этишини билдирадиган борлиқнинг туб хоссасидир. Билиш ва амалиёт шунини кўрсатадики, у ёки бу ҳодисани тушуниш учун унинг бошқа ҳодисалар билан боғланишини тадқиқот қилиш керак. Алоқанинг борлиқни туб, универсал хоссаси эканлиги алоқадорлик категориясида ифодаланади.

Алоқадорлик - барча тизим ва тузилмаларни, нарса ва ҳодисаларни бир -0 бири билан боғловчи, ички ва ташқи хоссаларни юзага келтирадиган, уларга барқарорлик ялпи, универсал ва атрибутив /моҳиятли, ажралмас/ хислатдир. Алоқадорликнинг мавжудлигини асосида нарса ва ҳодисаларни бир – бирига боғлиқлиги ётади. Билиш жараёнида бир ҳодисани тушуниш учун уни бошқа ҳодисалар билан боғланганлигини кўриб чиқадилар. Масалан, механикада пастга тушуётган жисмни шарқдан ғарбга қараб оғиши ҳодисани Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши билан шу жисм ўртасида боғланиш борлиги билан тушунтирадилар.

Алоқадорлик икки томонлама боғланиш шаклида намоён бўлса, унда ўзаро боғланиш юзага келади. Ер сатҳини структураси ва иқлим ўртасида мавжуд бўлган боғланиш шунга мисол бўлади.

Ўзаро боғланишининг қарама – қарши томони холисликдир. **Холислик** ажратилганликни, яқкаликни кўриниши бўлиб, у предметларнинг нисбий мустақиллигини ифодалайди, уларнинг мавжуд бўлиш меъёрини, чегарасини билдиради. Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида холислик ва боғланиш ўз ўринларини алмаштирадилар, яъни, холислик ҳолати йўқолиб боғланиш, алоқа вужудга келади ва аксинча, боғланиш бирон – бир янги хосса ёки ҳолатни пайдо қилиб, холисликни келтириб чиқариши мумкин.

Оламда мутлақ холис /якка, бошқа ҳодиса билан боғланмаган/ предмет йўқдир. Шундай экан оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик ялпи ўзаро боғланишни ҳосил қилади. Ялпи ўзаро боғланиш чексиз, кўп хил алоқалар орқали намоён бўлади. Булардан асосий ва асосий бўлмаган, бевосита ва бавосита, ички ва ташқи, функционал ва генетик алоқадорлик ва боғланишларни кўрсатиш мумкин.

Асосий алоқадорлик ва боғланиш предметнинг мавжудлигини белгилайдиган қонуний ва зарур хислатни, томонни билдиради. Масалан, кислородни бир атоми билан водородни якка ўртасидаги боғланиш сув молекуласини вужудга келтирадиган алоқадорликдир. Атом даражасига келсак ундаги ядро ва электронлар ўртасидаги боғланиш ички алоқадорликни ташкил қилади. Шу даражага нисбатан атомни бошқа атом билан боғланганлиги ташқи алоқадорликни ҳосил қилади.

Нарса ва ҳодисаларнинг барқарорлиги ва тараққиётини белгилайдиган боғланишлар функционал ва генетик /туғилиш, шаклланиш/ алоқадорликдир. Функционал боғланишлар ўз – ўзини ташкиллаштирадиган, ўз – ўзини тиклайдиган бир бутун предметларга /тизимларга, объектларга/ хосдир. Буларга ҳужайра, мавжудот, биосфера тизимлар киради. Айтайлик, ҳужайрадаги нейтронлар бир – бири билан боғланган ҳолдагина ўзлигини биологик функцияларини амалга оширадилар. Тирик табиатда мавжуд бўлган ирсият, мутация ва табиий танланиш ўртасидаги боғланиш мавжудотларнинг эволюциясини келтириб чиқарадиган генетик алоқадорликдир.

Предметларнинг тизими ва бир – бутунлигини сақлашга қаратилган қисмлар ва функциялар ўртасидаги боғланиш структуравий алоқадорликни ташкил қилади. Кимёвий бирикмалардаги молекулалар, танадаги аъзолар ўртасида мавжуд бўлган боғланиш структуравий алоқадорлик турига киради.

Предметда олидин мавжуд бўлмаган хосса ёки ҳолатни келтириб чиқарадиган боғланиш детерминистик /сабабий/ алоқадорликни ташкил қилади. Сабабий боғланиш ва алоқадорларни тадқиқот қилиш жараёнида олимлар текшириладиган объектнинг ҳаракатини, ҳолатини билгилайдиган қонунларни кашф этилади.

Муносабат ва боғланишни бавосита юзага келиши алоқадорлик туфайли ҳосил бўлса, уларни бевосита содир бўлиши ўзаро таъсирда намоён бўлади.

Ў з а р о т аъ с и р ҳаракат ва ўзгаришни умумий амалга ошиш усули бўлиб, у нарса ва ҳодисаларнинг бир – бирларига масса, энергия ва структуравий алмашиш йўли билан таъсир кўрсатишни билдиради. Оламдаги қайси бир предметни олмасак, у ўзини элементлари ўртасидаги ўзаро таъсир туфайли мавжуд бўлади ва ўзлигини сақлайди.

Ўзаро таъсир ва боғланиш ўртасида ўхшашлик бор. Буларни ҳар иккаласи алоқадорликни туридир, намоён бўлиш усулидир. Шу билан бирга улар ўртасида фарқ ҳам бор. Таъкидлаганимиздек, ҳар қандай ўзаро таъсир боғланишни вужудга келтирадиган жараёндир. Лекин буни аксини /яъни ҳар қандай боғланиш, алоқадорлик ўзаро таъсирни билдиради маъносида/ айтиб бўлмайди. Ҳақиқатни ўам, ўзаро таъсирсиз намоён бўладиган бевосита алоқадорликлар мавжуддир. Масалан, фалсафа ва ижтимоий ишлаб чиқариш даражаси /таракқиёти/ ўртасида алоқа бор, лекин улар ўртасида бевосита ўзаро таъсир мавжуд эмас. Бўлмасам XIX асрни бошида Олмония эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш жиҳатдан анча ривожланган Англия таракқийпарвар фалсафага эга бўлиши керак эди.

Борлиқда мавжуд бўлган алоқадорлик, сабабий боғланиш ва ўзаро таъсирни ўрганиш сабабият ҳақидаги фалсафий ғояни, яъни, детерминизмни /лат. детерминаре – белгиламоқ, сабаб бўлмоқ/ шаклланишига олиб келди. Детерминизмнинг асосий тамойилини барча нарса ва ҳодисалар бир – бири билан сабабий боғланган декан қоида ташкил қилади. Бу қоидага кўра олам бетартиб сочилган нарсалар мажмуи эмас, балки тартиблашган, тизимлашган ва ўзаро боғланган объектлардан ташкил топган дунёдир. Детерминизмга нисбатан муқобил йўналишни индетерминизм ташкил қилади. Бу таълимотда сабабий боғланишнинг объектив характери, илмий билиш соҳасида сабабий тушунтиришнинг қадр – қиммати, табиат ва жамиятда сабабий боғланишни намоён этувчи қонунларни мавжудлиги инкор қилинади. Баҳоланки билиш шва инсон амалиёти тарихи шуни кўрсатадики, сабабий боғланишларни ўрганиш нарса ва ҳодисаларни илмий нуқтаи назарда тушунтиришга, табиат ва жамиятда амал қиладиган объектив қонунларни таҳлил этиш асосида илмий башорат қилишга ёрдам беради.

Сабабий боғланишларни, ялпи алоқадорликни яна ҳам чуқурроқ тушуниш учун диалектика категорияларига мурожат қилишга тўғри келади.

2. Диалектика категориялари.

Диалектик тафаккурнинг муҳим функцияларидан бири инсонни олам билан боғлаб турадиган, ҳаракат ва ўзгаришларда намоён бўладиган алоқадорликлар ва қонуниятлар ҳақида умумий тасаввурларни, тушунчаларни ҳосил қилишдир. Умумий алоқадорликни, уни акс эттирувчи тушунчалар, категориялар тизимини яратиш қадим замонлардаёқ фалсафани диққат марказида турган.

Фалсафада **к а т е г о р и я л а р** /грекча – кўрсатма, гувоҳ, тур/ борлиқ ва уни билиш жараёнига оид энг умумий томонларни, муносабатларни ва алоқадорликни акс эттирувчи тушунчалар деб белгиналанди. Категориялар орқали инсон ўз тажрибасини умумлаштирган, дунёқарашини шакллантирган.

Инъикос этиладиган алоқадорлик ва боғланишларни, борлиқнинг универсал хислатлари ва қонуниятларини миқёси ва мазмунини назарга олиб фалсафий категорияларни уч туркумга бўлиш мумкин:

1. Борлиқ тўғрисидаги таълимот категориялари /борлиқ, олам, субстанция, материя, ҳаракат, макон ва вақт, чеклик ва чексизлик ва бошқалар/.
2. Билиш назариясига оид категориялар /билиш, инъикос, ҳақиқат, адекватлик, образ, тафаккур ва бошқалар/.
3. Диалектика категориялари /яккалик ва умумийлик, ходиса ва моҳият ва ҳоказо/.

Ижтимоий ҳаётнинг, фан ва фалсафанинг тараққиёти билан бирга категориялар ҳам ривожланиб борадилар. Улар асосан икки йўл билан ривожланади: 1/ ўтмишда шаклланган ва ҳозирги пайтда ишлатилаётган категориялар мазмунининг бойиб бориши; 2/ янги категорияларнинг вужудга келиши ва шаклланиши. Фалсафада кенг қўлланилаётган Янги категориялар қаторига система /тизим/, элемент – структура, гармония, тараққиёт ва таназзул категориияларини киритиш мумкин.

Категорияларни вужудга келиши ва шаклланиши, уларнинг мазмуни ва сонини бойиб бориши моддий ва маънавий ишлаб чиқариш даражаси, инсоннинг оламга бўлган муносабатининг кўп қирралиги, фан ва маданиятнинг ривожланиши билан белгиланади.

Фалсафий категориялар тизимида ўзига хос ўринни эгаллаган **диалектика категориялари** борлиқда мавжуд бўлган барча объект ва предметларда, нарс ва ходисаларда намоён бўладиган алоқадорликларни, ўзаро боғланишларни, энг умумий атрибутив хислатлар ва қонуниятларни акс эттирадиган универсал /яъни ҳар томонлама қамраб оладиган/ тушунчалардан иборатдир.

Диалектика категорияларининг хусусиятларидан бири – ўзаро узвий боғланган, бири иккинчисига айланиб кетадиган хислатларни, бири иккинчисини келтириб чиқарадиган томонларни, хоссаларни ифодалагани учун уларнинг жуфт ёки учлама ҳолатда ишлатилишидир /айният – тафовут, қисм – бутун, система – структура – элемент ва бошқалар/.

Категорияларни таҳлил қилишга ўтар эканмиз, қуйидаги тартибга амал қиламиз. Олдин борлиқдаги нарс ва ходисаларнинг энг умумий мавжуд бўлиш хоссаларини, томонларини акс эттирадиган категорияларини кўриб чиқамиз. Кейин шу категорияга мазмунан яқин турган. Объектларни тартибланганлигини, мураккаброқ универсал қонуниятларини ифодаладиган категориялар таҳлил қилинади. Ва, ниҳоят, предметларнинг келио чиқишини, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини белгилайдиган боғланишларни инъикос қиладиган категориялар изоҳланади.

3. Яккалик ва умумийлик.

Борлиқ битмас – туганмас моддий ва маънавий предметлардан, тизимлардан, ходисалардан иборатдир. Пайдо бўлаётган, мавжуд ва йўқолиб бораётган предметлар фақат уларни ўзларига хос бўлган белгиларга, хислатларга, хоссаларга эга бўладилар. Конкрет бирон – бир предметга хос бўлган томон, белги «яккалик» тушунчаси билан ифодаланади. **Я к к а л и к** – бу ягона сифат ва миқдорий муайянликка эга бўлган, макон ва вақтда чегараланган, фақат ўзига хос белгилари мавжуд бўлган, объектларни ифодаладиган категориядир.

Ҳар қандай нарсанинг мавжуд бўлишини тақозо этадиган шартлардан бири унинг ўзига хос, ягона хосса ёки хислатга эга бўлишидир. Бу хислат қайтарилмас белги, яшаш даври, маълум фазо ва вақтда тутган ўрни орқали намоён бўлади. Айтайлик, бир хил номга, /ёки турга/ эга бўлган элементар заррачалар бир – биридан фарқ қилмайдилар. Лекин бунда ҳар бир дақиқада у ёки бу заррача фақат маълум фазода мавжуд бўлишини, бошқа – бошқа атомлар таркибига киркши мумкинлигини, вуиртуал ҳолат, заряд, айланиш лаҳзасига эга бўлишини кўзда тутиш керак.

Яккалик нарс, предмет эмас, балки нарсага хос хислатдир. Чегараланган фазо ва вақтда мавжуд бўлган ҳар бир нарсани, объектни **а л о ҳ и д а** категорияси билан ифодалаш мумкин. Ҳар қандай алоҳида мавжуд бўлган нарс яккалик /ягоналик/ томонига, белгисига эгадир.

Лекин борлиқ яккалик хислатига эга бўлган ва алоҳида мавжуд бўлган нарсаларнинг, предметларнинг шунчаки йиҳиндиси эмас. Бундан ташқари, мутлақо яккалашган нарсалар ўртасида бирон – бир муносабат, алоқадорлик ўрнатилмайди. Предметлар ўзаро таъсирида, ҳаракатда бўлинлар экан, демак уларда яккаликни билдирадиган хоссалар билан бирга ўхшашлик белгилари ҳам бор. Шундай ўхшаш белгилар предметларнинг умумий томонини, яъни умумийликни билдиради. Ўхшаш томонлар эса бир хил, айнан, баробар белги ва хислатларнинг борлигидан дарак беради.

У м у м и й л и к - бу нарса ва ҳодисалардаги қисм, элементлар ва томонларнинг ўхшашлигина, айнанлигини, тахрослашини ифода этадиган категориядир.

Умумийликнинг ўзи турли ҳажм ва даражага эга бўлиши мумкин. Хусусан, элементар заррача, атом, молекула, жисм, планета, коинот каби объектларда маълум миқдор ва сифат муайянлигига асослаган умумийлик ҳар хил миқёс ва даражада ўзини намоён қилади/.

Яккалик предметлардаги қайтарилмас, индивидуал, ягона томонини, умумийлик эса бир хилликни, ўхшашликни, такрорланишни белгилайди. Бу маънода яккалик ва умумийлик предметларнинг ўзларига хос бўлиши қарама – қарши, бир – бирига зид бўлган томонларни, хоссаларни билиб берадилар. Бу зид томонларнинг бир – бирларига бўлган муносабатлари қандай? Умумийлик яккалик хислатига эга бўлган нарсаларнинг ички элементларини /ёки бошқа – бошқа нарсаларнинг қисмларини/ ўхшашлик, айнанлик томонини ифода этса, яккалик ўхшаш, бир хил хислатга эга бўлган бир туркумдаги предметларнинг ҳар бирининг ўзига хослигини, ягоналигини, такрорланмайдиган белгилари борлигини билдиради. Демак, яккалик ва умумийлик бизнинг бир – бирини истисно этувчи хислатдир. Шу билан бирга, таъкидлаш жоъизки, ҳар бир предмет, айни вақтда ҳам яккалик, ҳам умумийлик томонларига эга.

Яккалик ва умумийлик бир – бири билан диалектик тарзда /зиддиятли ва узвий равишда/ боғланган. Улар бир – бирларига ўтишлари мумкин, яъни бирининг «койини» иккинчиси эгаллаши маъносида эмас, балки яккалик аста – секин умумийлик: даражасига кўтарилиши мумкин, умумийлик эса предметлардаги ўхшаш, айнан томонларнинг йўқола бориши билан яккаликка айланиб қолиши мумкин. Масалан, тирик мавжудотларда бир вақтлар мавжуд бўлган умумий тана аъзоси ўзгарган шароитда тегишли функцияларни бажармай қўйиб йўқолиб кетиши мумкин. Лекин, шундан кейин ҳам, айрим ҳолларда қўққисдан бу аъзо /орган/ бирон – бир зотда атавизм кўринишида пайдо бўлиши мумкин. Энди аклни хатни кўрайлик. Мавжудот физик, кимёвий ёки радиация жараёнларидан таъсирланиб ўзида ирсий мутация /ўзгариш/ ҳосил қилади. Бу ўзгариш наслдан – наслга ўтиш жараёнида алоҳида бир зотнинг белгисидан популяциянинг /бир туркумдаги зотларнинг/ умумий белгисига айланиши мумкин. Жамиятда ҳам бир ижтимоий тузум тизимидан иккинчисига ўтиш содир бўлганда яккалик умумийликни, умумийлик эса яккалик даражасига кўтарилади. Хусусан СССРни парчаланиб кетиши ва уни ўрнида ўхшаш ижтимоий – иқтисодий хислатларга эга бўлган давлатларни пайдо бўлиши. МХДни вужудга келиши шундан далолат беради.


Бир хил туркумга кирган предметлар гуруҳи хусусийлик аломатига эга бўлади. Яккалик хислатига эга бўлган алоҳида предметлар гуруҳ ёки тизимга бирлашсалар, унда шу гуруҳга хос бўлган белги пайдо бўлади. Ана шу белги хусусийликни ташкил қилади.

Х у с у с и й л и к – нисбий мустақилликка эга бўлган гуруҳга, бирликка хос бўлган белгидир. Айтайлик атом ўзида яккалик ва умумийлик хислатини сақлайди. Атоммаги хусусийлик хислати эса унинг таркибига кирган қисмлар /элементар заррачалар/ ва ўзидан юқорироқ турган объект билан таққосланганда намоён бўлади. Хусусийлик яккалик ва умумийликни боғловчи бўғин сифатида мавжуддир.

Зикр этилган фикрни шартли тасвирини қўйидагича ифодалаш мумкин
1 тасвир.



Мазкур тасвирни яна ҳам конкретлаштирамиз:
2 тасвир.



Фалсафа тарихида яккалик ва умумийликнинг ўзаро муносабати масаласига доир бир – бирига муҳолиф таълимотлар вужудга келган. Ўрта асрда шаклланиб, Европа фалсафасида то ҳозиргача таъсирини сақланганноминализм таълимотига кўра, умумийлик реал мавжуд бўлган хислат эмас, у фақат ўхшаш белгиларни ифодаладиган сўз, термин, холос. Воқеликда эса конкрет айрим нарсалар бор. Реализм деб аталган таълимотда, аксинча, умумийлик тушунча, ғоя сифатида бирламчи бўлиб, мустақил мавжуд бўлади деган қоида олға сурилади. Бундан, тушунча, ғоя умумийлик сифатида яккаликни, конкрет нарсани яратади деган ҳулоса келиб чиқади. Масалага диалектик тафаккур нуқтаи назарда ёндошсак, бу ҳар иккала таълимот яккалик ва умумийлик нисбатини бир томонлама таҳлил қилаётганини кўришимиз мумкин.

Яккалик ва умумийликнинг нисбатини диалектик тарзда тушуниш методологик /услубий/ ва амалий аҳамиятга эгадир. Бунда яккалик хислатига эга бўлган белги ёки нарсани асоссиз равишда умумийликка кўтармаслик, айрим хосса ва жараёни умумий қонуниятга айлантириб юбормаслик ва, аксинча, бир бутун объект, кўп томонлама мураккаб тизимларга хос бўлган умумий хосса ёки томонни алоҳида предметни якка хислати деб белгиламасликни имкониятини беради.

4. Ҳодиса ва моҳият.

Фалсафа ва махсус фанларда олиб борилаётган тадқиқотларнинг биринчи даражали вазифаси ўрганилаётган предметнинг моҳиятини очиб беришдир. Бу бежиз эмас, албатта. Инсон фаолиятининг самарадорлигини белгилайдиган омиллардан бири объектларнинг, нарсa ва ҳодисаларнинг моҳиятини, қонуниятларини, зарурий алоқадорликларини чуқур билиб олиш, шу билимдан амалиётда фойдаланишдир.

Шуниси эътиборлики, «яккалик - умумийлик» ва «ҳодиса - моҳият» категориялари ўртасида маълум ўхшашлик, боғланиш бор. Ҳар икала жуфт категориялар предмет ва жараёнларнинг ягоналик ва умумийлик, ташқи ва ички, такрорланиш ва бетакрор, барқарорлик ва ўзгарувчанлик томонларини ифода этади.

Ҳодиса у ёки бу предметга оид бўлган ҳаракат, таъсир қилиш, ўзгариш хислатидир. Бир предмет бошқа предметга нисбатан ўзини ҳодиса орқали намоён қилади. Умумий, мавҳум ҳодиса бўлмайди. Лекин конкрет, якка ҳодисани умумий томони, белгиси бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳодисанинг асосида мавжуд ҳолатнинг ўзгариши ётади. Мутлак сунатда бўлган предметда ҳеч қандай ҳодиса рўй бермайди.

Инсон воқелик Билан муносабатда бўлар экан, у даставвал ҳодисаларга дуч келади. Ҳодисаларни идрок қилиш пайтида аниқлик даражаси турлича бўлган тасаввурларни ҳосил қилади.

Ҳодиса тўғрисида юқорида келтирилган дастлабки изоҳдан сўнг, унинг категориал таърифини беришга ҳаракат қилиш мумкин. **Ҳ о д и с а** – алоҳида олинган нарсанинг якка ўзгарувчан ҳолатини, унда маълум фазо ва вақт интервалида /оралиғида/ содир бўладиган жузъий жараёни билдиради. Якка олинган ҳодиса предметнинг бир бутун хусусиятини белгиламайди. Сувнинг иссиқлик даражасини 6 дан 7 градусга кўтарилиш ҳодисаси суюқлик ҳолатининг умумий хислатини, бошқача қилиб айтганда, гидродинамика қонуниятини билдирмайди. Лекин ҳодисалар такрорланса, доимий ўзаро таъсир натижасида барқарор муносабат ўрнатилса, унда якка ҳодисада мавжуд бўлмаган хислат – қонуният, моҳият пайдо бўлади.

М о ҳ и я т – предметнинг ички, барқарор хусусиятини, бир бутунлигини, хосса ва томонларининг муайянлигини билдиради. Ўз табиати билан моҳият предметнинг томонлари, хоссалари ва элементлари ўртасидаги барқарор алоқадорлик ва ўзаро таъсир орқали намоён бўладиган хислатдир. Ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини ишлаб чиқариш, мулкчилик муносабатлари, меҳнат тақсимооти, манфаатлар, маънавий тамойиллар каби ҳодисалар, томонлар ва структураларнинг доимий, зарурий алоқадорлиги, ўзаро таъсир намоён этади. Бундан келиб чиқадики, моҳият ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигини, таъсирини барқарор, зарурий, қонуний томонини билдиради. Ҳодиса эса моҳиятнинг ўзгарувчан, юзага чиқарадиган, хилма – хилликни киришмайдиган ташқи «қобиғидир». Моҳият ҳодиса орқали ҳаракатга келади, ўзини намоён қилади ва ривожланади. Инқилоблар, ислохотлар, иқтисодий юксалиш, Фан – техника тараққиёти каби ижтимоий ҳодисалар туфайли жамиятнинг хусусияти, ривожланиш қонуниятлари, ҳуллас, моҳияти ўзгаради. Ўзбекистонни истиқлолга эришиши ҳам моҳият, ҳам ҳодиса жиҳатдан янги ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ва қонуниятларни амал қилиши орқали содир бўлмоқда.

Ҳодиса моҳиятга нисбатан бойроқдир. У нафақат моҳиятнинг томонларини, балки ички ва ташқи таъсирларни, иккинчи даражали, тасодифий, ўткинчи жараёнларни ҳам билдиради.

Ҳодиса ва моҳиятнинг диалектикаси шундан иборатки, улар ҳам зид, қарама – қарши томонларга /ҳодиса – ўзгарувчан кўп хил, якка, ўткинчи; моҳият – барақарор, умумий, доимий, бир бутунликка/ эга бўладилар, ҳам узвий боғлангандир, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди.

Турли дунёқараш ва назарий мавқеда турувчи файласуфлар ҳодиса ва моҳиятни хусусияти ва нисбатини муқобил равишда талқин қиладилар. Материалистлар моҳият ва ҳодисани моддий ва маънавий соҳаларда намоён бўладиган ташқи ва ички, ўзгарувчан ва барқарор хислатларни, алоқадорлик ва боғланишини билдиради деб тушунтирадилар. Идеализм намоёндалари моҳиятни қандайдир ижод қилиш яратиш қобилиятига эга бўлган

ўзига хо сбир борлиқ /оламий рух, маънавий куч ва ҳоказо/, ҳодиса эса шу борлиқнинг фаоллигини ҳиссий кўриниши деб тушунтирадилар.

Метафизик тафаккур ҳодиса ва моҳият ўртасидаги мураккаб, зиддиятли алоқа борлигини инобатга олмайди. Бу нуқтаи назарга кўра моҳият ва ҳодиса мазмун жиҳатдан қарама – қарши ҳислатга эга бўлгани учун улар ўзаро боғланмаган, воқеаликдаги бирон – бир томон, жараён ёки моҳиятли, ёки ҳодиса кўринишида намоён бўлади. Ғарб фалсафасини айрим йўналишларида ҳам шунга ўхшаш фикр таъкидланмоқда. Неопозитивизм ва танқидий рапионализм фалсафасида моҳият масаласи илмий билиш тили муаммосидир /«моҳият» деган ҳислат борми, фактни, ҳодисани моҳият деб аташ мумкинми ёки йўқми маъносида/, аслида фақат идрок қилиш мумкин бўлган ҳодисалар мавжуд деган ғоя билдирилмоқда.

5. Қисм ва бутун

Бир неча асрлар давомида оламнинг тузулиши ва бирлиги, предмет ва ҳодисалардаги тартиб, кетма – кетлик, яхлитлик ва туркумланиш кишиларни қизиқтириб келган. Олимлар ва мутафаккирлар предметларнинг хилма – хиллиги ва бирлиги ўртасидаги алоқадорлик устида ўйланишар экан, бир қатор саволларни ташлашди: бутунликнинг моҳияти нимадан иборат? нима бирламчи: бутунликми ёки қисмми? Бутун предметлар бўлинганда, унинг сифати ҳам бўлинадими? Оламнинг кўп хиллиги билан бирлигининг нисбати қандай?

Идеализм намоёндалари /Афлотун, Лейбниц ва бошқалар /бутун қисмларнинг йиғиндисидан иборат эмас, у аслида маънавий фаолиятнинг натижасида пайдо бўлган ҳислат деган фикрга келишган. Ўтмиш материализми /Демокрит, Ф.Бекон, Гольбах/ ўз даврларида табиийёт фанларига таяниб бутунни механистик маънода, яъни, нарсаларнинг йиғиндисидан келиб чиқадиган хосса деб белгиланган.

Материалистик диалектикада бутунлик принципи /қоидаси/ ишлаб чиқилди. Бу принципга кўра, бутун қисмлар йиғиндисидан иборат бўлмасдан, уларнинг боғланиши, ўзаро таъсиридан келиб чиққан янги хосса ёки томонни ўзида намоён қилади. Айни пайтда қисмлар нисбий мустақилка эга. Қисмлар яхлит бутунликни билдирадиган хоссалардан фарқ қилувчи ўз хусусиятларига эга бўлиши мумкин.

Энди юқорида келтирилган фалсафий муаммони ҳозирги талқинига ўтамиз. Бунда предметларнинг ва яхлитлиги асосида нима ётишини, тартибланиш билан ривожланиш ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш учун бутунги кунда янги мазмун билан бойиб бораётган қисм ва бутун категорияларига мурожаат қиламиз.

Қисм ва бутун категориялари борлиқнинг борлиқнинг барча соҳаларининг тартибланганлигини, қуйидан юқори томон даражаланганлигини, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишда янги хоссанинг пайдо бўлиш хусусиятини ифодалайди.

Қисмни кўпинча бирикмакни ташкил қилган предметнинг бўлаги деб тушунадилар. Бундай тасаввур бутун предметнинг ташқарисида мавжуд бўлиши мумкин бўлган қисм ҳақидаги фикрга олиб келади. Лекин, илмий билиш ва амалиёт шуни кўрсатадики, бирикмани ҳосил қилган бутунлик қисмларда мавжуд бўлмаган хоссага эга, қисм эса бутунликдан ташқарида ўзининг хусусиятини /бутунликдан, умумийликдан олган белгисини/ йўқотади. Организмдан ажралиб қолган аъзо, жамиятдан айрилиб, ҳайвонлар орасида ўсган гўдак, таълимотдан /назариядан/ яккаланган тушунча моддий ва маънавий «бўлақлар» ҳолатига келсалар ҳам, қисмга хос ҳислатларини йўқотадилар. Хўш, қисм нима?

Қисм ўзининг функцияси ва таъсири билан бир бутунликни тақозо этувчи хоссани вужудга келтирадиган алоҳида предмет ёки ҳодисадир. Сув молекуласининг бутунлигини қисмлар сифатида мавжуд бўлган водород ва кислород атомларнинг ўзаро таъсири келтириб чиқаради.

Қисм учун бутунлик доирасида ўзининг мустақиллигини, сифатини сақлаш, бошқа қисм билан нисбатан озод алоқада бўлиш характерлидир. Шу билан бирга, бутуннинг ўзгариши, тараққиёти билан бирга қисм ҳам ривожланади. Хусусан, мустақил Ўзбекистон республикасини бир бутун ижтимоий уюшма, бирлик сифатида тараққий қилиш

иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳалар ва структураларнинг ривожланишини тақозо этмоқда. Ўз навбатида ўтказилаётган ислохатлар таъсирида бу структураларнинг тараққий қилиши республика истиқлоли пойдеворини мустаҳкамламоқда.

Б у т у н категорияси қисмлар ўртасидаги алоқа ва муҳит билан ўзаро таъсир қилиш натижасида юзага келган, лекин якка қисмда учрамайдиган янги хоссага эга бўлган предметни ифодалайди. Бутуннинг муҳим хислати шуки, у қисмга қараганда барқарор бўлади. Бу қисмлар ўртасида ўрнатилган мунтазам алоқадан келиб чиқади. Бутунлик бундай хислати, яъни қисмларни ривожланишига тўсқинлик қиладиган барқарорлик, бурғунлик тараққиёт эмас, балки таназзулга олиб келиши мумкин. Тоталитар тузумнинг иқтимодий, сиёсий ва мафкуравий бутунлигини ўзида мужассамлантирган СССРни тақдири бунга мисол бўлиши мумкин.

Борликда мавжуд бўлган предметлар ва тизимларнинг ўзгариши. Янгиланиши бўтунлик хоссасини, бутунликнинг турларини тараққиётида намоён бўлади. Бутунликнинг қандай турлари мавжуд?

Маълум жиҳатдан ўзгармас қисмларнинг бирикишидан ҳосил бўлган предмет **у ю ш т и р и л г а н** бутунликни ташкил қилади. Уюштирилган бутунлик жонсиз нарсаларга /муз кристаллида бутунлик физик хосса ва қонуниятларни амал қилиниши орқали «уюштирилади»/, сунъий яратилган предметларга /машиналар, қурилмалар/ хосдир.

Бутунликнинг энг мураккаб тури **ў з – ў з и н и т а ш к и л қ и л а д и г а н т и к л а й д и г а н** тизимларда мавжуддир. Уларнинг қисмлари ўртасидаги ўзаро таъсир шундай ташкил қилинганки, у ўз – ўзини ривожлантириш қобилиятига эга бўлган бутунликни вужудга келтиради. Бу ҳилдаги бутунлик таркибида қисм автоном /мустақил/ режимда ҳаракат қилади, ўз функцияларини бажаради. Бутунликнинг бу турига жонли табиатдаги тизимлар, ижтимоий уюшмалар /жамоа, оила, сиёсий ташкилотлар ва бошқалар/ киради.

6. Мазмун ва шакл.

Оламдаги предметлар ва тизимларнинг тартибланганлигини нарсаларнинг тузилиши ва хоссалари ўртасидаги алоқадорликни акс эттирувчи фалсафий тушунчалар қаторига мазмун ва шакл категорияларни алоҳида ўринни эгаллайдилар.

Фан ва фалсафа тараққиётининг илк босқичида шакл предметларнинг ички ва ташқи хусусиятларини бирлаштирувчи, бетартиб ҳолатда мавжуд бўлган элементларга тарбит бағишлайдиган хислат, қоида деб изоҳланган. Мазмун деганда шаклнинг «материали» бўлмиш материя кўзда тутилган. Аристотелни фикрича, нарсанинг моҳиятини белгиловчи ҳаракат, фаоллик хос бўлган хислатдир. Материя пассив характерга эга. Фаол шакл материяни ўзига бўйсундириб, предметнинг тузилишини, ҳолатини ва мақсадга қараб интилишини белгилайди.

Янги даврда Ф.Бэкон ва бошқа материалистлар материяни шаклдан устун турувчи атрибут /хислат, муҳим томон/ деб тушунишган. Айни пайтда улар материя билан шаклнинг ўзаро боғлиқлигини таъкидлаб ўтаишган.

Шакл ва материянинг ўзаро муносабатини аниқроқ белгилаш учун Гегель «мазмун» тушунчасини категория даражасига кўтариб, уни чуқур таҳлилини берди. Унинг фикрича, мазмун ва шакл нарсалардаги бир – бири билан тафовут, лекин ўзаро узвий алоқада бўлган, бири иккинчисига айланиб турадиган қарама – қарши томонларни билдиради.

Мазмун ва шакл категорияларини таҳлил қилиш оламдаги предметларнинг моҳиятли томонларини, уларнинг барқарор ва ўзгарувчан хусусиятларининг ўзаро нисбатини чуқуроқ англаш имкониятини беради.

М а з м у н – бу объектнинг хусусиятини белгилаб берувчи элементлар, хоссалар, ички жараёнлар, улар ўртасидаги алоқалар мажмуидир. Яна ҳам қисқача қилиб айтганда, мазмун объектнинг таркибига кирувчи барча қисмлар ва жараёнларнинг йиғиндисидир. Масалан, ўқитиш фаолиятининг мазмунига ўқитувчи – ўқитиш воситалари – ўқитувчи тизими, унда содир бўладиган таълим бериш ва ўрганиш жараёнлари киради.

Ш а к л – мазмуннинг элементларини боғлаш усулидир. Юқорида келтирилган мисолдан фойдалансак, унда шакл ўқитувчи, ўқиш ва ўқитиш воситалари, ўқитувчи каби қисмларнинг боғланиши, таълим бериш жараёнининг муайян тартибини билдиради. Шунга қўра, ўқитиш ва ўқиш фаолиятининг шакли – маъруза ўқиш, семинар давра суҳбати, ёзма иш, тест синовидан ўтиш, лаборатория машғулоти кўринишида намоён бўлади.

Шакл предметнинг мазмуни ташкиллаштиради, тартибластиради. Демак, шакл бу шунчаки ташқи қиёфа, кўриниш эмас экан. Шу билан бирга, мазмун фақат шакл орқали ўзини намоён қилади. Гегель айтганидек, шакл мазмунланган, мазмун шаклланган бўлади. Бу мазмун ва шакл ўртасидаги бирликни, узвий боғланишни билдиради.

Лекин мазмун ва шакл ўртасида тафовут ҳам мавжуддир. Мазмун нисбатан ўзгарувчан ва етакчи томондир. Мазмунни юзага келтирган предметлар, жараёнлар ва муносабатлар ички ва ташқи таъсир натижасида ўзгарадилар. Оқибатда мазмун ўзининг олдин мос келган шаклига мувофиқ келмай қолади. Бундай номувофиқликнинг сабаби шаклнинг мазмунга нисбатан турғунлик, консерватив характерга эга бўлишидир. Предмет шаклланган кейин унинг тузилишида, бошқа предметга бўлган муносабатида барқарорлик вужудга келади, мустаҳкмланади. Тўғри, бу пайтда мазмун ва шакл ўртасида мутаносиблик, мувофиқлик бўлиши мумкин, яъни предмет ўз табиатини муаянлигини сақлайди, ривожланиш имкониятига эга бўлади. Кейинчалик эса, барқарорлашган предмет турғунлик ҳолатини сақлаб, турли хил ҳодисаларга бир хил «жавоб» бериш дақиқасидан бошлаб унинг шакли мазмунидан орқада қолади. Нарса ва ҳодисаларнинг мазмунининг ўзгариши, ривожланиши билан ҳам янгиланиши керак. Республикамизда ижтимоий ҳаётнинг янги мазмунини ташкил қилган чинакам мустақил демократик давлат қуриш жараёни – адолатли жамиятни бунёд этиш, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш, миллий ва анъанавий удумларни ривожлантиришга қаратилган янги қурилмалар ва шаклларни барпо қилишга йўналтирилган.

Шаклнинг муҳим хусусияти унинг нисбий мустақиллика эга бўлишидир. Бу шаклнинг мазмунга мувофиқ келиши, ундан орқада қолишида, ҳамда бир хил мазмуннинг турли шаклларда юзага келишида кўринади. Санъатда кубизм, абстракционизмга мансуб оқимлар /образни тасвирлашда мазмунга қаганда шаклни биринчи ўринга қўядиган йўналиш/, фанда – геоморфология, кристаллография, структурали тилшинослик, формаллаштириш усули шулар жумласига киради.

Мазмун ва шаклнинг ўзаро алоқадорлигини ва уларнинг нисбий мустақиллигини ҳисобга олмаслик натижасида мазмунга нисбатан шаклнинг ролини ҳаддан ташқари бўрттириб юбориш ёки ўзгарган маъмунга мос келадиган янги шаклнинг заруриятлигини англамаслик каби метафизик тафаккурга хос камчилик, бир томонлама фикрлаш тизими юзага келади.

7. Элемент, структура ва система.

Борлиқдаги объектларнинг алоқадорлиги ва тартибланганлиги ҳақидаги тасаввурларни яна ҳам чуқурлаштирадиган тушунчалар система /тизим/, структура ва элемент категорияларидир. Бу категорияларни таҳлил қилиш воқеалиқдаги нарс ва ҳодисаларнинг тартибланганлиги масаласига доир умумий, лекин маълум даражада мавжуд тасаввурларни берадиган «қисм» ва «бутун» ва «шакл» категорияларига қараганда яна ҳам бой маънога эга бўлган, предметларнинг изчиллигини беради.

Турли объект ва предметларнинг тартибланганлиги тўғрисидаги тасаввурларни конкретлаштирадиган категорияларни умумлаштириб таҳлил қилиши элемент ва структура категорияларини кўриб чиқишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Қадимги мутафаккирлар элементни / лат. « элементум » - унсур, бирламчи модда/ борлиқнинг энг сода бирламчи асоси деб тушунганлар. Илмий ва фалсафий билишнинг кейинги тараққиёти давомида « элемент» тушунчаси «қисм», «бутун», «система», «содда», «мураккаб» категориялари билан боғланган ҳолда таҳлил қилинадиган бўлди.

Ҳозирги пайтда илмий системали (тизимли) ёндашув тамойилларига таяниб элемент категориясини қуйидагича таърифлаш мумкин: **э л е м е н т** – объект ёки предметнинг

тузилишини, курилмасини сақлаб турадиган, ҳар қандай тизимни бирламчи асосини ташкил қиладиган бўлакдир. Фазода мустақил ҳаракат қилган протон физик заррачаларидан биридир, лекин у элемент ҳисобланмайди. Шу билан бирга ядровий бўлак сифатида атом таркибига кирган протон атомнинг элементиға айланади.

Элементнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, унинг конкрет хоссаси, ўзининг ички мураккаблиги, ҳаракати, қандай қонуниятға бўйсунити система ва структурани хислатиға таъсир кўрсатади. Системаға нисбатан элементнинг роли яна шунда билинадики, элементнинг ҳаракат қилиш эркинлиги, ўзгариш қобилияти қанчалик ката бўлса, ҳолатини янгилайтиш миқёси кенг бўлса, система шунчалик бой, бажарадиган функцияси сермазмун бўлади.

Элемент билан системани ўзаро муносабати юзасидан мулоҳаза юритар эканмиз, шундай савол ҳам туғилади. Элемент билан системанинг ўзгарувчанлигини, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатға ўта олиш қобилиятини манбаи қаерда? Бу, масалан, ташқи муҳитнинг системаға / предметға, бирикмаға, моддий ва маънавий ҳосилаға/ кўрсатган таъсиридир. Ички омилни назарда тутсак, унда системанинг ҳам барқарорлигини, ҳам ўзгарувчанлигини белгилайдиган томон – элементлар ўртасидаги алоқадир. Бундай алоқа элементдан юқори поғонада турган ҳосилани – структурани вужудға келтиради. Яъни, элементларнинг алоқаси ва ўзаро таъсири доимий ва маълум шаклға эға бўлган тақдирда системаға хос бўлган хислатға, структураға дуч келамиз.

Система шунчаки элементларнинг мажмуи эмасдир. Айни пайтда, элементлардан ажралган, ҳоли бўлган система ҳам йўқдир. Системани система қиладиган хусусият элементларнинг алоқаси ва ўзаро таъсиридир. Элементларнинг ўзаро таъсиридан структура келиб чиқади.

Ст р у к т у р а - элементларнинг алоқаси ва ўзаро таъсиридан келиб чиққан тузилиш бўлиб, у системанинг бир бутунлигини, унинг ўз – ўзига нисбатан айнанлигини, турли хил ички ва ташқи ўзгаришлар давомида асосий хосса ва функцияларининг сақланишини таъминлайди. Жамият тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳокимият функциясини бажарувчи структуравий уюшмалар, ташкилотлар маълум сиёсий дастурға, ҳуқуқий нормаларға ва иқтисодий имкониятларға асосланиб ижтимоий тизимнинг бир бутунлигини, тартибланганлигини таъминлайди.

Бир жиҳатдан структура консерватив / лат. консервативус – қўриқлайдиган/, яъни, эски ҳолатни сақловчи хислатға эға. Агар бу хислат ўзгармаса, унда моддий ва маънавий тизимлар тараққий қилиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Хусусан, собиқ СССРда шаклланган маъмурий – буйруқбозлик усулиға асосланган, ҳамда, ҳарбий – саноат комплексининг тор манфаатларини кўзлаган иқтисодий структура ва тизимларни ўз вақтида янгиланмаганлиги, заифлашиши, уларни замонавий иқтисодий ва технологик талаблардан орқада қолиши тоталитар тузумни инқирозға олиб келган омиллардан бири бўлди.

Шу билан бирға, ички ва ташқи муҳитнинг таъсири остида содир бўлган ўзгаришларға жавобан системанинг элементлари ҳам ўзгариши мумкин, улар ўртасида янги хилдаги алоқалар, муносабатлар вужудға келади. Бу эға ўз навбатида структуранинг ўзгаришиға, системани тараққиётининг бир босқичидан иккинчи босқичиға ўтишиға олиб келади.

Структурани бир бутунлик даражасиға кўтарадиган хислат системадир. Ҳар қандай структураға эға бўлган предметнинг барқарорлигини, мустақиллигини таъминлайдиган элементларнинг уюшмаси системали тарзда намоён бўлади. Система деб нимани тушуниш мумкин?

С и с т е м а /тизим/ - бу алоқа ва ўзаро таъсир қилиш жараёнида структуравий тузилишни, кўп босқичли бўйсиниш ва боғланиш хислатини келтириб чиқарувчи элементлар уюшмасидир. Система туфайли пайдо бўлаётган ёки инсон томонидан бунёд қилинаётган субъект тартибланади, қуйи босқичдан юқори боқичға ўтиш учун шароит яратилади, мавжуд ёки вужудға келаётган янги хосса сақланади

Предметни система деб олиб қараш унинг айрим хоссаларини, сифатини белгиловчи ички тузилишини ички тузилишини, элементларнинг уюшмасини, хусусиятларини, ташқи

муҳит ёки юқорироқ поғонада турувчи тизимга бўлган муносабатини аниқлаш имкониятини беради.

Система ҳақўидаги тасаввур дастлаб инсон билимининг томони ва хусусиятини белгилашда ишлатилди. Афлотун, Лейбниц, Кант ва Гегель билишнинг системали белгиларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдилар. О. Конт ва К. Маркс жамиятни ўрганишда системали тадқиқот усулини қўллашди.

XX аср бошларида А.А. Богданов, В. И, Вернадский ўз олдларига сифат жиҳатидан турли хил объектларнинг умумий системали томонларини ўрганиш вазифасини қўйдилар. 40 - йиллар австриялик биолог Л. Бергаланфи системанинг умумий назариясини ишлаб чиқишга қаратилган дастурни таклиф қилди. Ҳозирги пайтда ўзаро боғланган объектларнинг тартибли алоқадорлигини, экологик муҳитни, турли хил бошқариш жараёнларнинг моҳиятини, инсон – технология – компьютер тизимини тадқиқот қилишга қаратилган «система» тушунчаси ва системали ёндошувларидан илмий билиш ва амалиёт соҳаларида кенг фойдаланмоқдалар.

Системали объектлар тури. объектларни система тарзида олиб қараш ва ўрганиш системанинг маълум таснифини ишлаб чиқишни тақазо этади. Бунда системага хос белгилар у ёки бу предметли қандай шаклда, усул намоён бўлиш эътиборга олинади. Айтайлик, тошлар тўдаси ташкиллашмаган бўлакларнинг йиғиндисидан ҳосил бўлади, лекин унда системага хос белгилар мавжуд эмас.

Системали объектларнинг турлари кўп хил бўлади. Объектларнинг умумий хусусиятини, сифатини назарда тутиб, системаларнинг моддий ва маънавий /руҳий/ турлари бўлиш мумкин. биринчисига ноорганик, биологик ва ижтимоий – иқтисодий тизимлар киради. Маънавий системалар инсон руҳий фаолиятининг натижаси бўлиб, илмий, фалсафий, ахлоқий, мафкуравий ва бошқа хилдаги ғоялар, ақидалар ва тасаввурлар тизимида ўз ифодасини топади.

Структура ва элементларнинг ўзаро алоқалари хусусиятига қараб статик ва динамик системаларни ажратиш мумкин. Статик системалар / минерал, қурилган иншоотлар ва бошқалар/ ўз ҳолатларини, структураларини: маълум чегарада ўзгартирмай сақлайдилар. Динамик система ташқи муҳит билан ўзаро таъсир жараёнида ўз ҳолати ва структурасини ўзгартириб туради. Бундай системалар қаторига геологик қатламлар, биосфера, ишлаб турган машиналар киради.

Ўз ҳаракатининг тартибини белгилашига, муҳит таъсирига берган жавобига қараб **реактив** /лат. ре... қарши; акцио – таъсир, яъни, акс таъсир/, **адаптив** /лат. адаптаре – мослашш/, **мақсадга интилувчи** фаол системаларнинг туркуми мавжуддир. Реактив системанинг ҳолати /масалан, газ билан тўлдирилган шар/ асосан муҳитнинг таъсири билан белгиланади. Адаптив системалар / организм, биосфера, компьютер билан таъминландан роботлар/ ташқи муҳит таъсири ва ички тартибга солувчи тузилмалар орқали теварак – атрофга мослашадилар, ўзларининг ҳолатини ўзгартириш қобилиятига эгадирлар.

Муҳит билан таъсир ва акс таъсир этиш жараёнида ўз – ўзини бошқарувчи, ўз ҳаракатини маълум алгоритм ёки дастур асосида ўзи ташкил қилувчи объектлар энг мураккаб системалар қаторига киради. Бунда системаларнинг ҳатти – ҳаракати мақсад мувофиқ /мақсад алгоритм ва дастурда белгиланган/ равишда амалга ошадиган мослашиш ва ўрганиш асосида содир бўлади. Ўз – ўзини бошқарувчи системаларда ҳаракатни, фаолликни бошқариш ва ташкил қилиш, ахборотни қабуллаш ва қайта ишлов берадиган марказ мавжуддир. Ўз – ўзини бошқарувчи ва ташкил қилувчи системалар асосан жонли табиат ва жамиятда учрайди. Ҳозирги вақт турли ижтимоий структуралар, иқтисодий, экологик, технологик комплекслар билан ишлаш зарурияти адаптив ва ўз – ўзини бошқарувчи системаларнинг моҳиятини, амал қилиш функцияларини чуқур ўрганишни тақазо этмоқда.


8. Сабаб ва оқибат.

Инсон ҳамма вақт атрофдаги муҳитни ўрганиш ва ўзлаштириш мақсадида сабабий боғланишларни билиб олишга интиланган. Фалсафа ва фаннинг дастлабки қадамлари

воқеликка, оламга қаратилган «нима учун» деган саволни беришдан бошланган. Бу саволга жавоб бериш жараёнида умумий алоқадорлик ҳақидаги тасаввурни конкретлаштирувчи ўзаро алоқа, ўзаро таъсир ва сабабий боғланиш тушунчалари ишлаб чиқилди. Шу тушунчалар асосида сабабият концепцияси шаклланди.

Предметларнинг ўзаро универсал боғланиши фалсафада сабабият, сабабият тамойили тушунчалари билан ифодаланади. Сабабият бири иккинчисини келтириб чиқаришда намоён бўладиган икки томонни – сабаб ва оқибатни ўз ичига олади. Шартли тасвирида буни куйидагича ифодалаш мумкин.

I тасвир




С а б а б – бу ўз таъсири, фаолияти билан бошқа ҳодисани вужудга келтирадиган ҳодисадир. Икки томондан иборат бўлган ҳар қандай алоқа ва боғланиш сабаб ролини ўйнайдиган биринчи томонни /таъсирини, турткини, фаолликни/ бўлишини тақозо этади. Бирламчи таъсир ёки фаолликни натижаси оқибатдир. **О қ и б а т** – сабаб сифатида намоён бўладиган таъсирни, фаолликни иккиламчи томони, натижасидир.

Сабабият занжирида таъсир сабабдан оқибатга қараб йўналганбўлади. Вақт жиҳатидан сабаб олдин юзага келади. Оқибат орқага қараб қайтмайди.

Сабабни қандай, қайси йўл билан оқибатни юзага келтириши маълум даражада шароитга боғлиқ. **Ш а р о и т** – бу таъсир кўрсатадиган сабабий ҳодисанинг ички ва ташқи муҳитидир. Яъни шароит сабаб билан муносабатда бўлган ички ва ташқи омилларни йиғиндисидан ташкил топади. «Шароит» тушунчасини эътиборни томони шуни, турли шароитда бир хил сабаб турли оқибатни юзага келтиради. Масалан, касал қўзғатувчи муайян патологик ҳолат /грипп/ организмларда турли шароитга дуч келиб, кишиларда оқибати кўп хил кўринишга эга бўлган турли касалликни вужудга келтиради. Шароит, сабаб ва оқибат ўртасидаги боғланишни қуйидагича тасвирлаш мумкин.

II тасвир



Сабаб ўзини ўраб тўрган шароит билан таъсирда бўлиши оқибатнинг ўзига хос хусусиятни белгилайди. Маълум ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнлар сабаб сифатида Ўзбекистонни мустақилликка эришишга олиб келди. Айни пайтда, республикани истиклол йўлида эришган ютуқлари ва ўз олдида қўйилган режалари оқибат сифатида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у жамиятимизда мавжуд бўлган шарт – шароитларга асосланган. Бу шарт – шароит «аҳолининг миллий – тарихий турку шва тафаккур тарзидан, ҳалқ анъаналари ва урф одатларидан келиб чиқади»¹. Бунда албатта ҳосил бўлган оқибатни ўзини шароитга акс таъсир кўрсатишни ҳам ҳисобга олиш зарур.

¹ Каримов И.А. ЎЗБЕКИСТОНнинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 11 – бет.


III тасвир



Сабабдан оқибатга ўтишда шароит туғдирган, аммо сабаб таркибига кирмаган айрим ҳодисалар энга хос туртки ролини ўйнайдилар. Мураккаб, номувозанатли ҳолатда учраб турадиган бундай ҳодисалар «баҳона» деб аталади. Одатда, баҳона деб биз кишиларнинг субъектив хоҳишидан келиб чиққан иккинчи даражали интилишни, ҳатти – ҳаракатни тушунамиз. Фалсафада сабабий боғланишни таҳлил қилиш учун ишлатиладиган баҳона тушунчаси объектив мазмунга эга бўлиб, сабабни юзага чиқарадиган ва туртки вазифасини бажарадиган ҳодисани ифодалайди. Хусусан, геостратегик шароитнинг таркибий қисми сифатида Ўзбекистоннинг иклими, халқнинг тарихий – маънавий қадриятлари, турмуш тарзида мужассамланган анъаналар ислоҳатларни амалга ошириш йўллари ва ёндашувлари тизимида сабаб ва оқибатга таъсир кўрсатувчи баҳоналар ролини ўйнайдилар.

Сабабият занжирида баҳонанинг ўрнини қўйидагича тасвирлаш мумкин.

IV тасвир



Сабабни юзага келтирадиган барча шарт – шароитлар ва омиллар мажмуи **с а б а б и й а с о с н и** ташкил қилади. Сабабий асоснинг таркибига шароит, сабаб, баҳона, ҳаракатлантирувчи омил киради.

Оламдаги системаларнинг ривожланишини юқори поғоналарида /жонли табиат, жамият/ маълум жиҳатдан ўзининг сабабини ўзи белгиловчи тизимлар ва структуралар вужудга келади. Уларнинг /ҳайвонлар тўдаси, ижтимоий уюшмалар ва ҳоказо/ ҳатти – ҳаракати, фақат ташқи муҳитнинг таъсири эмас, балки ички ҳолати, эҳтиёжи билан ҳам белгиланади. Демак, универсал алоқадорликнинг бир кўриниши бўлган сабабий боғланиш шароитга, системаларнинг хусусиятга қараб – тўғаради, турли шаклларда намоён бўлади.

Сабаб ва оқибат категорияларини таҳлил қилиб ўрганиш муҳим методологик аҳамиятга эгадир, чунки у нарс ва ҳодисаларнинг ҳаракатини, қонуниятларини назарий ва амалий нуқтаи назардан чуқур ва атрофлича тушунишга, фаолиятни тегишли режасини тузишга ёрдам беради.

Фалсафа сабабий боғланишнинг шаклан ва мазмунан хилма – хиллигини асослаб бериб, сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқадорлик фақат бир томонлама, зарурий эмас, балки кўп томонлама, бавоситали, эҳтимолли, тасодифий характерда бўлишини ҳисобга олади.

Сабабий боғланишни ҳар томонлама ўрганиш эҳтиёжи универсал алоқадорликни акс эттирувчи бир қатор бошқа тушунчаларни – зарурият ва тасодифият, имконият ва воқелик, қонуният категорияларини кўриб чиқишни тақазо этади.

9. Зарурият ва тасодифият.

Универсал алоқадорлик ва боғланишнинг занжирида сабаб ва оқибат доимо ўрни алмашиб туради. Етарли шароит ва омилларни ўз ичига оланган сабабий асосан бир-бирига қарама – қарши, кўп қирради, ички ва ташқи шароитларни, оммавий жараёнларни ўз ичига олган тақдирда зарурий бўлмаган, тасодиф оқибатлар ҳам содир бўлади. Бундан ташқари, оқибатнинг содир бўлишига туртки берувчи баҳона тасодифия пайдо бўлиши мумкин. Шундай экан борлиқда тасодифни тутган ўрни, меъёри қандай?

Шуни таъкидлаш лозимки, предметларнинг тараққиётини, ўзгариш ва ривожланиш йўналишини тасодиф эмас, балки қонуний, зарурий боғланишлар ва алоқадорликлар белгилайди. Лекин бу қонуний ўзгаришлар соф, мутлақ зарурият ҳолда, бир чизиқ бўйлаб содир бўлмасдан, зарурий қонуниятлар ва тасодифий ҳодисалар бир – бирларига таъсир қилиб, тасодифий жараёнлар ўзаро тўқнашиб, ўртача мойиллик эҳтимолли ҳолати бўлган йўналиш усулида юзага келади. Бу фикрни батафсилроқ кўриб чиқиш учун зарурият ва тасодифият категорияларига муносабат қиламиз.

Зарурият ва тасодифият нисбатдош категориялар бўлиб, ҳодисаларнинг ўзаро боғланганлигини белгиланиш ёки рўйбога чиқиш даражани жихатини, миқёсини ифодалайди. Заруриятнинг ўзи нима?

З а р у р и я т – бу илгари ҳолати билан белгиланган алоқадорликнинг шакли бўлиб, бунда воқеа – сабабнинг содир бўлиши қонуний равишда ҳодиса – оқибатни юзага келтиради. Масалан, сувга маълум масса ва ҳажмга эга бўлган предмет ташланганда зарурий равишда Архимед қонуни амал қилади. Кўриниб турибдики, зарурий бўлган билан содир бўлаётган ҳодиса ёки қонуниятда ноаниқлик /эҳтимоллик/, танлаш ҳолати мавжуд эмас.

Тасодифият заруриятга нисбатан қарама- қарши хислатга эгадир. **Т а с о д и ф и я т** – бу сабаб ва оқибат ўртасидаги шундай боғланишни билдирадики, унда сабабий асосдан танлаш имконияти, альтернатив ҳолат бўлгани учун ҳодисанинг ё бўх или келиб чиқиши мумкин.

Зарурий ёки тасодифий ҳодисанинг келиб чиқиши сабабий асоснинг хусусияти билан белгиланади. Предметнинг сувга ташланиши сабабий асосни ташкил қилади. Бу асосдан заруриятлик билан Архимед қонунининг амал қилиши келиб чиқади. Бу асосда юз берадиган ҳодиса ёки қонунни ҳар томонга тартадиган кучлар, интилишлар йўқдир. Энди бошқа мисолни оламиз. Ерда туриб икки томонида рамзий белгиси бўлган тангани паракнинг айланишига ўхшатиб юқорига отиш мумкин. Танганинг ерга қайтиб тушишига нисбатан юқорига отиш жараёни сабабий асос бўлади. Лекин, бу асос танганинг қайси томони билан ерга тушиши мумкинлигини зарурий равишда белгилаб бермайди. Чунки сабабий асос номуайян, бир – бирига нисбатан мустақил бўлган кўпгина сабаб ҳодисаларни ўз ичига олади.

Тасодифиятни заминда баробар имконияти /альтернативаси/ бор ҳодисаларнинг биронтаси амалга ошиши ётади. Унинг мавжуд бўлиши сабабият тамойилиги зид келмайди. Гап илгариги материалистлар ўйлаганларидек, тасодифий ҳодисанинг /ёки тасодифий бўлиб кўринган ҳодисанинг/ асл сабабини билиш билмаслик эмас, балки тасодифий оқибатларни келтириб чиқарадиган сабабий асосда танлаш имкониятини, альтернатив йўналишни бирлигидадир.

Зарурият ва тоасодифиятнинг бир – бирига қарама – қарши томонлар сифатида зид эканлигини бўртириб юбориш, улар ўртасидаги боғланишни англамаслик метафизик тасаввурга олиб боради. Юқорида келтирилган танганинг юқорига отиш мисолида зарурият ва тасодифиятнинг бир – бирига таъсирини, бири иккинчисига айланишини аниқлаш мумкинми? Мумкин. Танга ташлангандан кейин унинг ҳаракати динамик қонунларга бўйсунуши, ҳаракат энергиясига эга бўлиши ва бошқа айрим параметрлар зарурий ҳолатга эга бўлади. Айрим пайтда бу зарурий хислатларга тасодифий элементлар ҳам қўшилади. Қандай қийматга эга бўлган, қаерда турган тангани, ким томонидан ташланиши, қанча энергия билан ҳаракатнинг бошланиши, танганинг ўз ўқи атрофида неча марта айланиб ерга тушуши – буларнинг ҳаммаси тасодифий томонлардир. Ҳаракатга келтирилган тангани ҳар бир ҳолатида зарурият ва тасодифият ўрин алмаштириб туради, бири иккинчисига айланади.

Табиатда тасодифий ва зарурий ҳодисалар бевосита рӯй берса, жамиятда улар объектив ва субъектив омиллар таъсирида инсон фаолиятини хислати сифатида вужудга келади. Яъни инсон фаолияти ва унинг натижаси зарурий ва тасодифий кўринишга эгадир. Объектив равишда содир бўладиган зарурий ва тасодифий ҳодисаларни /зарурий – ишлаб яқариш, маориф ва маданият тизимларини иш фаолияти; тасодифият - иқтисодиёт, сиёсат ва бошқа соҳаларда альтернатив имкониятга эга бўлган ҳодисаларнинг биронтасини амалга ошиши/ намоён бўлишига манфаатлар, маданий ва маънавий анъаналар, удумлар, ижтимоий мақсад ва режалар ката таъсир кўрсатади. Оқибатда, жамиятда мавжуд бўлган зарурият ва тасодифият мураккаб, билвосита, кўп поғонали боғланиш ва алоқадорлик кўринишига эга бўлади.

Айрим мутафаккирлар /Демокрит, Спиноза, Гольбах/ нарсаларнинг табиатида ҳеч қандай тасодифийлик йўқ, уларнинг барча хислатлари заруриятга кўра мавжуд бўлади деб ҳисоблашаган. Тасодифни инкор қилиш сабабсиз ҳодиса бўлмайди, тасодиф бўлиб кўринган воқеа аниқланмаган ҳодисадир, деган фикр ётади. Бу ерда бир – бири билан алоқада бўлмаган томонлар: тасодиф ва билиб олинмаган сабаб айнанлаштирилган.

Оммавий тасодифий ҳодисаларни ўрганиш статистик қонуниятларнинг очилишига олиб келди. Бу қонуниятларнинг хусусияти шундан иборатки, Бирон бир кўплик ёки уюшманинг статистик бошланғич ҳолоатидан кейинги ҳолати аниқ ва муайян қиймат билан эмас, балки эҳтимоллик, номуайян натижа билан келиб чиқади.

Статистик қонуниятларни таҳлил қилиб берадиган фан тармоқларидан бири эҳтимоллик назариясидир. Бу назариянинг муҳим ҳулосаларидан бири шуки, катта сонли тасодифий воқеаларни ҳаракати айрим воқеа, ҳодисага боғлиқ бўлмаган натижани беради. Кўп миқдорли элементларга эга бўлган уюшмаларда /молекуляр газ, биологик популяция, ижтимоий жамоалар/ тасодифий ҳодисалар ва жараёнлар бир – бирига таъсир кўрсатиб қайтарувчан, барқарор ва демак, зарурий ҳолатни, ҳаракатни вужудга келтирадилар. Бу эса тасодифий ҳодисаларни заруриятга айланишидан дарак беради.

Зарурият ва тасодифиятнинг моҳиятини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш теварак – атрофни, биз иш кўрадиган объект ва предметларни ҳолати ва ҳаракатини чуқур тушунишда муҳим назарий ва методологик аҳамиятга эгадир. Ҳақиқатан ҳам табиат, жамият ва билиш, шунга мувофиқ маънавий ва амалий фаолиятнинг йўналишини белгилаш имкониятини беради.

10. Имконият ва воқелик.

Имконият ва воқеалик борлиқда мавжуд бўлган предмет ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтишининг шарт – шароитини, кетма – кетлигини билдиради. Бу категорияларнинг шаклланиши манбааларидан бири – предметларнинг вужудга келиши, бор бўлиши ва йўқолиб кетиши ўртасидаги умумий боғланиш тушуниш учун қилинган ҳаракатдир.

Қадим замондан йўқдан бор бўлмайди, деган фалсафий нақл бизгача етиб келган. Оламдаги нарса ва ҳодисаларни имконият ва воқелик нуқтаи назардан олиб қараш табиат, жамият ва инсон фаолияти соҳасида мумкин ёки мумкин бўлмаган, шарт – шароити бор ёки йўқ жараёнларни, ҳолатларни, мойилликларни аниқлаштириб беради.

И м к о н и я т категорияси ҳар қандай предмет ва ҳодисани олдин моёиллик, куртак ҳолатида мавжуд бўлишини ифодалайди. Имконият рўёбга чиқишининг икки йўли бор: 1/ мойиллик, куртак ҳолатидаги жараённинг воқеликка айланиши учун етарли шарт – шароит бўлиши; 2/ имкониятни ўзини табиат ва жамиятда мавжуд объектив шарт – шароитларга, қонуниятларга зид келмаслиги. Бу шартларни кўзда тутиш ижтимоий ўзгаришларни жорий қилганда, мўъжизавий ёки сунъий сакраш мақомида зарурий босқичдан ҳатлаб ўтишга ҳаракат қилмасдан, изчилликни, кетма – кетликни сақлаб, шарт – шароитнинг мавжудлигини ҳисобга олиб, бир поғонадан иккинчи поғонага ўтиш кераклигини англашга ёрдам беради. Буларни ҳисобга олмаслик кўп вақт давом этган «мангу ҳаркат қиладиган» двигателни /перепетук мобилени/ ясашга ёки « коммунизмнинг моддий – техника базасини яратишга» қаратилган уринишларга олиб келади. Бу жиҳатдан ҳар бир мустақилликка эришган мамлакатнинг истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилашда

мавжуд имкониятлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш ката аҳамиятга эгадир. «Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий мустақилигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалига эга. Ер бағрининг ғоят қимматли минерал – хом ашёларга бойлиги чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишни таъминлайдиган тармоқларни ривожлантириш имконини бермоқда»¹.

Шарт – шароитнинг мавжудлигини, объектив қонун ва қонуниятларга бўлган муносабатни назарда тутиб абстракт / мавҳум ёки формал/ ва реал имкониятни фарқ қиладилар. **А б с т р а к т** имконият зарур шарт – шароити мавжуд бўлмаган мойилликдир. **Р е а л** имконият маълум тенденцияси, мойиллиги бўлган ҳолатнинг воқеликка айланиши учун шарт – шароитнинг борлигини билдиради.

В о қ е а л и к категорияси бирон – бир имконияти бор жараён ёки предметнинг рўёбга чиқишини, мавжуд бўлган борлиқни ифода этади. Таъриф воқелик категориясининг тор ва кенг маъноларини ўзида мужассамлантирган. Тор маънода воқелик предметнинг куртак ҳолатидан маълум вақт ичида бор, мавжуд нарсага айланишини англатади. Кенг маънода эса воқеалик мавжуд бўлган борлиқни, ундаги туғилаётган, ўсаётган ва емирилаётган барча нарсаларнинг мажмуини билдиради.

Воқелик албатта рўёбга чиққан имкониятдир. Айни пайтда воқелик кўп хил йўналиши, сифат ва қонуниятларни ўз ичига олгани учун ўзининг «қорнида» турли – туман янги имкониятларни вужудга келтиради. Хусусан, собиқ СССР ҳудудида тоталитар тузумни барбод бўлиши янги воқелик сифатида ижтимоий тараққиётнинг янги, олдин кўзда тутилмаган имкониятларни вужудга келтирди.

Имкониятнинг воқеликка айланиши, воқеликнинг эса янги имкониятларни юзага келтириши оддий мезаник ўрин алмаштириш ҳаракатидан тортиб то мураккаб системали тараққиёт жараёнларни ўз ичига олади. Лекин имконият ва воқелик ўртасидаги диалектик боғланиш борлиқнинг ҳамма соҳаларида бир тарзда намоён бўлмайди. Айтайлик, ижтимоий ҳаётда имкониятнинг воқеликка айланишида субъектив омил /манфааилар, мақсад, режалар, башорат қилиш ва ҳоказо/ ката роль ўйнайди, бу жараёнга инсоний кўлам ва ўлчов беради.

Шундай қилиб, имконият ва воқелик категорияларини мазмунини билиб олиш теварак атрофга диалектик қараш, доимо ўзгариш ва янгиланиш нуқтаи назарда туриб муносабатда бўлиш, объектларнинг ўзгариши ва янгиланиш нуқтаи назарда туриб муносабатда бўлиш, объектларнинг ривожланиши қайси босқичда турганликларини тушуниш, ҳар бир нарсада ўткинчи ва домий шарт – шароит ва қонунларнинг ўзаро нисбатини англаш масалалари бўйича илмий ва фалсафий тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

• •
•

Диалектика категорияларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, борлиқ бир – бири билан ўзаро муносабатда бўлган чечисиз системалар, предметлар ва ҳодисалардан иборат бўлиб, уларнинг моҳияти, мавжудлиги ва бир ҳолатдан / босқичдан, сифатдан/ бошқасига ўтишдан турли ҳил алоқадорлик, ўзаро таъсир ва қонуний боғланишлар орқали содир бўлади. Ўз моҳияти жиҳатидан диалектика категориялари борлиқдаги барча объект, предмет ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ўзгариши ва ўзаро алоқадорлигини қонуний, яъни, доимий, зарур ва умумий томонларини акс этадилар. Борлиқ диалектикасининг бу жиҳатларини ўрганиш оламнинг кўп босқичли ва ранг – баранг тасвирини бериш асосида илмий ва фалсафий дунёқарашни, били шва амалиёт натжаларини умумлаштириш, инсон фаляитини хусусияти ва йўналишига маълум тазрда баҳо бериш имкониятини беради.

III – БОБ

¹ К а р и м о в И.А. ЎЗБЕКИСТОНнинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. 14 – бет.

ДИАЛЕКТИКА – РИВОЖЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТ. РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

1. Ривожланишнинг диалектик концепцияси

Мазкур қўлланманинг биринчи бобида таъкидлаганимиздек XVIII асрни иккинчи ярмидан бошлаб ривожланиш ғояси фалсафа ва махсус фанларга, ижтимоий онгга кенг миқёсда кириб борган, ривожланиш тўғрисида турли тасаввурлар вужудга кела бошлаган¹. Махсус фанлар ва фалсафа ривожланишни, унинг моҳияти ва намоён бўлишини, қўйилган назарий мақсадга қараб, турлича тушунтирар экан, айтиш пайтда улар бу масалани таҳлил қилишда бир – бирларига таъсир кўрсатадилар.

Табиат ва жамиятда содир бўладиган ривожланиш жараёнларини махсус фанлар томонидан ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамитга эгадир. Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш ва тараққиёт қонунларини тадқиқ қилиш, уларнинг моҳияти ва хусусиятини англаш инсон ҳаёти, фаолияти учун зарур бўлган олдиндан кўра билиш шва башорат қилишнинг миқёси ва аниқлик даражасини оширади.

Махсус фанлар ривожланиш жараёнининг жузъий кўринишини, текширилаётган объектларнинг ўзларига хос тараққиёт йўлини ўрганадилар. Тўғри, содир бўлаётган фанлар интеграцияси ва ўзаро таъсир шароитида бирон – бир фан соҳасида ишлаб чиқилган ҳаракат ва ривожланиш ҳақидаги жузъий назарияни бошқа тармоғига тарқатиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу эса маълум ижобий натижаларни қўлга киритиш имкониятини беради. Синергетика фанида ишлаб чиқилган /ўзгариш ва ривожланишнинг бир лаҳзаси бўлган қайтарилмас, тартибсизликдан тартибга келтириш жараёнини тасвирлаш учун ишлатиладиган/ бир қатор тушунчалар ва ғоялар бутун ва системали объектларнинг ҳаракати, фаолияти ва хусусиятини ўрганишга татбиқ қилинмоқда. Кибернетикага оид тасаввурлар ижтимоий – гуманитар фанларда қўлланилмоқда².

Лекин бир фан тармоғида ишлаб чиқилган тушунча ва ғояни илмий билишнинг бошқа тармоғига тарқатиш ҳар доим муваффақият келтирмайди. XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган социал – дарвинизм таълимотида ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи – бу яшаш учун кураш ва табиий танлаш деб қаралган. Аммо Дарвиннинг эволюцион таълимотига оид тушунчаларни биологиядан жамиятшуносликка тарқатиш бирон – бир самарали назарий ва амалий натижани бермади. Бунинг сабабларидан бири борлиқ ва тафаккурнинг турли соҳаларида тараққиёт ва ривожланиш жараёнлари ўзига хос хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олмаслиқдир. Шу муносабат билан баъзи бир саволлар туғилади. Ривожланиш жараёнининг умумий томонлари, хислатлари мавжудми? Махсус фан доирасида яратилган ривожланиш ва тараққиёт тўғрисидаги жузъий тасаввурлардан ривожланишнинг умумий назариясини келтириб чиқариш мумкинми? Диалектика таълимоти бу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилар

¹ Фалсафага доир адабиётларда «ривожланиш» ва «тараққиёт» атамалари айнан мазмунда ишлатилади / қаранг: Н е ъ м а т о в И.Б. Диалектика тараққиёт концепцияси // Философия курсидан маърузалар. II қисм. Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1992. 48 -61 бетлар; Я х ш и л и к о в Ж.Я. ,А б д у р а с у л о в С.А. Иқтисодий, социал,сиёсий тараққиёт – инсон маънавий ривожланишнинг асоси // маънавийданий ва инсон омили. Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1992. 4-23 бетлар; И м о м а л и е в а Р. А. фанлар ривожланишида ўзаро алоқадорлик имкониятлари // Ҳозирги замон фанида имконият муаммолари. Тошкент: Фан, 1993. 49-50 бетлар ва бошқалар. Мазкур тушунчаларга бу хилдаги ёндашувга тарихий ва ғосеологик асос бор албатта. Биринчидан, кўп йиллар давомида Ўзбекистонда чоп этилган фалсафий асарлардан тараққиёт ва ривожланиш тушунчалари бир хил маънода талқин қилинди. Фалсафага оид луғатларда тараққиёт тушунчаси «ривожланиш», «ривож», «ривожлантириш» атамалари орқали изоҳланган / Философия луғати. Тошкент: Ўзбекистон, 1976. 460 – 470 бетлар./ иккинчидан, бундай ҳолат кудалик ҳаётда ва ўзбек адабий тилида / қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва: «Рус тили» нашриёти, 1981. I том. 624 – бет;II том. 125 – бет/ шу икки атамани бир хил маънода ишлатилишини танқидий таҳлилсиз фалсафий билим соҳасига ўтказилишини оқибатидир. Шу билан бирга, «тараққиёт» ва «ривожланиш» тушунчалари ўртасида фарқ борлиги ҳақидаги фикр ҳам таъкидланмоқда / қаранг: философская энциклопедия. Т. 4. М., 1967.С.453, 379; Қ ў ш о қ о в Ш. С. Диалектика ва унинг альтернативалари. Ривожланиш концепцияси. Ўқув қўлланма. Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 85 -92 бетлар.

² Г а ф у р о в А.А. программно – управлание и адаптированные системы в обществе – Ташкент: НПО Кибернетика АН РУз, 1991.

экан, ҳар қандай ривожланиш жараёнига хос бўлган умумий белги, хислат ва томонни мавжудлигини, ривожланиш келтириб чиқарувчи сабабни, ички манбаини борлигини, унинг қайтарилмаслиги, макон ва вақтда маълум йўналишга эга эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, диалектика ривожланишнинг умумий таълимотини махсус фанларга таянган ҳолда, уларнинг қўлга киритган ютуқлари асосида ишлаб чиқади.

Айрим олимлар махсус фан доираида ишлаб чиқилган тушунчаларга таяниб, ривожланишнинг умумий концепциясини жузъий табиатшунослик тасаввурлари ва принциплари асосида яратиш мумкин деган фикрга келмоқдалар. Бу фикрни маълум даражада тасдиқлайдиган фактлар ҳам бор, албатта. Айтайлик, кибернетика, системали, тадқиқот, синергетика каби бир қатор фанларда шаклланган тушунчалар ва ғоялар ёрдамида турли системаларнинг ривожланиш хусусиятлари ҳақида янги тасаввурлар ҳосил қилинди. Шу билан бирга, бирон – бир фан тармоғида ишлаб чиқилган тушунчаларга ниҳоятда кенг маъно бериш орқали фалсафий характердаги универсал концепцияларни яратиш мумкинлигини гумон туғдиради.

Русиялик олим Н.Н. Моисеевнинг рисоласида турли моддий системаларнинг ривожланиш механизмини механизмини дарвинизмга тегишли ва ягона тил деб белгиланган «ўзгарувчанлик», «ирсият» ва «танлаш» атамалари орқали тасвирлаш, материя эволюциясини тушунтирадиган умумий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш масаласи қўйилган¹. Афсуски, рисолада таклиф қилинган ғоя аниқлиги ва изчиллиги билан ажралиб турмайди. Унда ноорганик ва органик тизимларда содир бўладиган ривожланиш ва тараққиёт жараёнлари, бу жараёнлар ўртасидаги мувофиқлик ва ўхшаш тахминий аналогия /қиёс қилиш/ даражасида изоҳланган. Н.Н.Моисеевнинг фикрича, ирсият материянинг ўз хусусиятини сақлаш, ўтмишдан келажакка қараб ўзгара олиш қобилиятини билдиради. Бундай изоҳ шундай кенг мазмунда берилганки, ирсият ходисасининг ўзига хос белгилари /спиралсимон структура, генетик информация, кодлаштириш ва бошқалар/ умуман назардан кочирилган. Материяга хос бўлган умумий /сақланиш/ ва жузъий /ирсият/ хислатлар айнан қилиб қўйилган.

Жонли табиат ва жамиятнинг ривожланиш сабабаларини ва йўллари тасвирлаш ўтар экан, Н.Н.Моисеев «ўзгарувчанлик», «ирсият» ва «танланиш» тушунчаларига деярли мурожаат қилмайди. Бу бежиз эмас, албатта. Биринчидан, бу тушунчалар ижтимоий тараққиётнинг моҳиятини очиб бера олмайдилар. Иккинчидан, биологияда бу тушунчалар жонли табиат тараққиётининг /ривожланишнинг/ бевосита механизмини англамасдан, эволюциянинг омилларини ифодалайдилар. Таниқли биолог И.И.Шмальгаузен ирсият ва ўзгарувчанлик жонли табиат эволюциясининг ҳаракатлантирувчи кучи, сабаби эмас, балки шарт – шароити, омилдир деб ҳисоблаган. Фикримизча, Н.Моисеев биологик тушунчалар асосида ривожланишнинг универсал концепциясини яратиш масаласини қониқарли ечимини таклиф қила олмади.

Табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг универсал, энг умумий хислатларини таҳлил қилиб берадиган умумий концепцияни бирон – бир махсус фан тушунчалари ва услубияти асосида яратиш ниҳоятда машкул ишдир. Бу иш билан бевосита диалектика шуғулланиб келган. Диалектика борлиқ ва тафаккурнинг универсал қонуниятлари ва хислатларини таҳлил ғилар экан, айти пайтда у ҳар қандай ривожланиш ва тараққиётнинг энг умумий томонларини, белгиларини аниқлашга ривожланишнинг моҳиятини, унинг борлиқда тутган ўрни ва миқёси, материя, ҳаракат, ўзгариш, алоқадорлик, тараққиёт ва таназзул билан ўзаро муносабатини тадқиқот қилишга ҳаракат қилади. Кўриниб турибдики, ривожланиш муаммосининг махсус фанлар берадиган ечим доирасидан ташқарига чиқиб кетадиган томонлари, қирралари мавжуддир. Бунда, албатта диалектика амалиётга, фан – техника ютуқларига таянади. Бусиз ривожланиш концепцияси жонсиз схемага айланиб қолади.

Метафизик тарзда фикрловчи кишилар ривожланишнинг манбаини кўпайиш ёки камайишда, ташқи турткида кўрадилар. Бундай ёндашувда ривожланиш бир текис содир бўладиган эволюция /лат. эволютио – кенгайиб бориш/ билан айнанлаштирилади. Ривожланишни тўғри чизик шаклида амалга ошадиган юксалиш жараёни деган тасаввурни

¹ Моисеев Н. Н. Человек и ноосфера. М., 1990.

тан олмаган айрим файласуфлар метафизик тафаккур ва марксистик диалектикага нисбатан мукобил бўлган эмергентли /лат. эмержо – пайдо бўлиш, вужудга келиш/ эволюция ғоясини ишлаб чиқишди /С.Александр, К.Л.Морган ва бошқалар/. Бу ғоя Бергсон, Уайтхед, Тейяр де Шарден ишлаб чиққан ижодий эволюция, омега нуктасига интилаётган ноосфера эволюцияси каби таълимотларга яқин туради. Бунда ривожланиш сакраш йўли билан олий сифатни вужудга келиш жараёни деб белгиланади. «Олий сифат» ва эмергентни манбаи қандайдир маънавий куч деб ҳисобланади.

Диалектика таълимотида ривожланиш манбаи ҳаракатда, зиддиятларнинг вужудга келиши ва ҳал қилинишида деб изоҳланади. Хозирги постноклассик фанлар натижаси шундан далолат берадики оламда нафақат зиддиятлар балки кооператив (жамоавий), коэволюцион жараёнлар тараққиётда катта роль ўйнайдилар..

Шундай қилиб, диалектик ёндашувга кўра ривожланиш ва тараққиётнинг заминида нима ётишини аниқлаш, уларни юзага келтирувчи омиллар ва сабабларни ўрганиш ривожланиш тўғрисида ҳар томонлама бой, сермазмун диалектик тасаввурни ҳосил қилишнинг муҳим шартларидан биридир.

2. Ривожланиш тушунчаси, унинг ҳаракати ва ўзгариш тушунчалари билан ўзаро нисбати

Фалсафа, диалектика таълимоти илмий билиш ва амалиётга таяниб ривожланишнинг моҳиятини, характерли белгиларини, хусусиятини таҳлил қилади, шу асосда «ривожланиш» категориясини ишлаб чиқади.

Ҳар қандай ривожланиш жараёни ўзгаришдан бошланади. Ўзгаришлар турлича бўлади: миқдорий, мазмунли, структуравий, жой ёки ҳолатнинг алмашинуви ва ҳоказолар. Лекин, ҳар қандай ўзгариш ривожланишни билдирмайди. Об – ҳавонинг иссиқликқўлик даражасини ўзгариши атмосферани ривожланишига олиб келмайди. Ривожланиш ўзгариш ва ҳаракатнинг мураккаб, кўп томонлама ва албатта янги хосса сифатга олиб келадиган туридир.

Борлиқдаги ялпи ҳаракат ва ўзгариш ривожланишни пайдо қиладиган заминдир. Шу билан бирга ривожланиш ҳаракат ва ўзгаришнинг¹ маълум мураккаблашиб кетган босқичида, яъни босқичида, яъни ички ва ташқи таъсир, боғланиш, сабаб ва оқибат каби хислатлар ва жиҳатлар занжирида Янги нарсани пайдо бўлиши, ижодий яратилиш натижасида юзага келадиган жараёндир.

Бизни қизиқтираётган саволни яна ҳам конкретлаштирамиз. Қандай ўзгаришлар ривожланишни келтириб чиқаради? Агарда ўзгариш жараёнида объектнинг миқдори ва сифати, шакли ва мазмуни, структураси ва функцияси, ички ва ташқи хоссалари, хислатлари ўртасидаги тафовут ва номутаносиблик зиддиятга айланиб, унинг ҳал қилиниши янги хосса, сифат ва алоқадорликни келтириб чиқарса, ривожланиш ҳодисаси юзага келади.

Ривожланишга олиб келадиган ўзгариш бир бутун, ўзининг ҳолатини, ҳаракатини ўзи мустақил белгилайдиган, ички хоссалари, алоқалари хилма – хил ва бой бўлган объектларга хосдир. Шундай объектлар сифатида, масалан, галактикани, планетани, молекуляр бирикмаларни, популяцияни, ижтимоий уюшмаларни кўрсатиш мумкин.

Ривожланиш бир – бирига нисбатан зид бўлган икки томонлама / лекин кўп боғланиш ва қонуниятларни ўз ичига олади/ жараёнлардан ҳосил бўлади: шароит ва таъсирга жавоб бермай қўйган хосса ёки функцияни йўқолиб бориши; унинг янги хосса ва сифатни вужудга келиши. Шу фикрга асосланиб ривожланишни қуйидаги таърифини бериш мумкин: **р и в о ж л а н и ш – бу маълум объект ёки объектлар уюшмасида олдинги сифатдан таркиби, мураккаблиги, ҳаракат даражаси жиҳатидан туб фарк**

¹ Ўзгариш тушунчаси ҳаракат тушунчасига қараганда кенгроқ маънога эга. Ҳаракат моддий хислатга эга бўлган жараёндир. Ҳар қандай ҳаракат ўзгаришдир. Лекин ҳар қандай ўзгаришни ҳаракат деб бўлмайди. Онгда содир бўладиган ўзгариш ҳаракат эмас, чунки у моддийлик хислатига эга эмас. Қачонки маънавий /идеал/ ўзгариш символлар ва белгилар орқали тил ва тафаккурнинг бирлиги доирасида моддий информацион алоқа каналида намоён бўлганда ҳаракатга айланади.

қиладиган янги сифатнинг вужудга келиш, шу орқали янги предметни, нарсани пайдо бўлиш жараёнидир. Натрий билан хлор молекулаларининг ўзаро таъсири янги сифатга эга кимёвий бирикмани – натрий хлорни ҳосил қилади. Вояга етаётган бола атрофдаги кишилар билан мулоқотда бўлар экан, ўйин, таълим – трабия ва меҳнат жараёнида пайдо бўлаётган психологик, интеллектуал муаммоларни, зиддиятларни ҳал қилар экан, у ўзида ўзига нисбатан янги ижтимоий ва маънавий хислатларни /шахсиятли сифатни/ шакллантиради ва демак, ривожлантиради.

Ички ва ташқи ҳолатга номувофиқ бўлиб қолган хоссалар билан ўзгараётган элементлар ўртасида юз берадиган таъсир инкор, истисно этиш муносабатини келтириб чиқаради. Вужудга келган зиддиятнинг ҳал қилиниши ривожланиш жараёнининг жонли ҳисобланади.

Айрим адабиётларда ривожланиш моддий ва идеал объектларнинг қайтарилмас ва йўналтирилган ҳаракатерга қонуний сифат ўзгариши деб тушунтирилади. Агар бу изоҳни қабул қилсак, унда ёғочни /ёки дарахтни/ ёниб кулга айланишини ривожланиш деб белгилашга тўғри келади. Чунки бу ҳодисада қайтарилган /термодинамикани иккинчи қонунига мувофиқ негэнтропиядан интропияга ўтиш ҳолати/ ва сифат ўзгариш мавжуддир. Ҳосил бўлган кулни ёғочга нисбатан янги ҳодиса деса бўлади. Фикримизча, ривожланишни ноаниқ қилиб таърифлаш анна шундай гносеологик вазиятга келиши мумкин. Келтирилган ривожланиш тушунчасининг таърифини асосий камчилиги шундан иборатки, унда ривожланишни белгилайдиган бош хусусият кўрсатилмаган. Бу ҳам бўлса, бир сифатдан иккинчи сифатга, эски сифатдан янгига ўтишда пайдо бўлган янги хосса ёки предмет ўзининг таркиби, тизими ва мураккаблиги билан олдинги предметдан, сифатдан кескин фарқ қилади. Яъни, ривожланиш жиҳатидан юқорида даражада турган объект қуйи поғонада турган предметдан ҳаракати ва структурасининг мураккаблиги, мазмунан бойлиги, шаклан кўп хиллиги билан ажралиб туради.

Ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини батафсилроқ аниқлаш учун унинг қуйидаги хислатларини белгилаб чиқиш мумкин.

1. Ривожланиш учун фазо ва вақт жиҳатдан маълум йўналишнинг мавжуд бўлиши характерлидир.
2. Ривожланиш жараёни учун бетакрор ёки олдин мавжуд бўлмаган хосса, белги ва сифатни пайдо бўлиши хосдир. Такрор жараёнлар мавжуд тизим ва структураларни сақланишини, барқарорлигини тақазо этадилар. Объектдаги хоссаларнинг янгиланиши такрорланишнинг бузилишини, қайтарилмас белгиларнинг пайдо бўлишини англатади.
3. Ривожланиш турли хил ўзгаришларнинг умумий натижаси бўлар экан, ўзи тараққиёт, таназзул, айланиб келиш / бошқа поғона ва шароитда қайтарилиш/, такрорланиш, ўзаро истисно этиш каби жараёнларнинг мураккаб синтезидан келиб чиқади. Шунга кўра, ривожланишнинг конкрет кўринишлари ва типлари турлича бўлади.
4. Ривожланиш тасодифий ҳодиса бўлмасдан, балки зарурий, қонуний характерга эгадир. Тасодифий ҳодисалар ривожланишни келтириб чиқармайди. Лекин бундан тасодифнинг ривожланишга ҳеч қандай алоқаси йўқ экан деган хулоса чиқариш нотўғри бўлади. Ривожланиш жараёни зарурият ва тасодифият диалектикасини, яъни зиддиятли муносабатда бўлишини, бири иккинчисига айланишини ўз ичига олади.

Ривожланиш жараёнининг юзага келиши маълум шарт – шароитга, ўзгараётган объектларининг хоссалари ва сифатларини хусусиятига боғлиқ бўлади. Булар эса табиат, жамият ва тафаккур соҳаларида турли кўринишга эгадир. Демак, ривожланиш учун умумий белгилар, хислатлар билан бирга жузъий ҳолатлар, кўринишлар ҳам хосдир. Ривожланиш борлиқнинг қайси соҳасида содир бўлишига қараб шаклан фарқланади, мазмунан ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шунинг учун ривожланиш жараёнининг яғони схемаси ёки структураси бўлмайди.

3. Ривожланиш, тараққиёт ва таназзул.

Айтиб ўтганимиздек, кўп ҳолларда «ривожланиш» ва «тараққиёт» атамаларини айнан маънода ишлатадилар. Тўғри, иқтисодий ҳаёт, илм – фан ва бошқа соҳаларда юз бераётган ўзгаришларни баҳолашда ҳар икала атамдан синоним тарзда фойдаланиш /айниқса публицистик мақоларда/ ката хатога олиб келмайди. Лекин табиатда, жамиятда ва инсон билишда содир бўлаётган ўзгариш йўллари, қуйи босқичдан юқори босқичга ўтиш сабаблари ва қонуниятларини таҳлил қилишда «ривожланиш» ва «тараққиёт» тушунчаларининг ўзига хос мазмунига эга бўлимларини эътиборга олиш лозим.

Шу нарсани эслатиш жоизки, собиқ СССРда 1967 йилда чоп этилган «Фалсафа қомуси» ни 4-нчи жилдида «тараққиёт» ва «ривожланиш» тушунчаларига таҳлил берилганда, улар ўртасидаги фарқ ҳисобга олинган. Берилган таҳлилга кўра ривожланиш ҳаракатнинг олий типи /тури, хили/, бир сифатдан иккинчи сифатга, эскидан янгига ўтишни билдиради. Тараққиёт эса ривожланишнинг шундай бир типини, йўналиши, қайсики у учун қуйидан юқорига, кам такомиллашган тизимдан кўпроқ такомиллашган тизимга ўтиш характерлидир¹. Лекин бу фикр кейинчалик ўзини давомини топмади, атрофлича ишлаб чиқилмади. Бу ҳолда айрим назарий ноаниқликларни, реал воқеликнинг тўғри инъикосини бермайдиган ғояларни келтириб чиқарди. Шундай ғояларнинг бирига кўра, илмий – техник тараққиёт Фан ва техниканинг ривожланишини билдириб, бу жараён капитализм шароитида гўёки, инсонпарварлик кадриятларини емиришга олиб берадиган таназзулни келтириб чиқаради, социалистик жамиятда шахсни ҳар томонлама гармоник ривожланишга олиб келади². Собиқ СССРдан мерос қолган оғир экологик шароит, ижтимоий – иқтисодий инқирозлар, Орол денгизининг қуриши бундай ғоянинг асоссиз эканлигини кўрсатади.

Ҳўш, тараққиёт билан ривожланиш ўртасида қандай фарқ бор?

Тараққиёт асосан фазо ва вақтнинг маълум оралигида мавжуд бўлган ва аynи пайтда ўзгараётган бир – бутун объектнинг юксалишида, унинг хоссалари ва функцияларининг кенгайишида, элементлари ва тузилишини такомиллаштиришга қаратилган жараёнларнинг жадаллашиб боришида намоён бўлади. Ривожланиш эса ўз моҳияти билан янги объектни ҳосил бўлишини, **б ў л д и н м а в ж у д бў л м а г а н**, сифат жиҳатдан тубдан фарқ қиладиган хосса, структура ва функцияга эга бўла бошлаётган предметнинг пайдо бўлиш жараёнини билдиради. Ривожланиш натижасида вужудга келган янги объект, унинг сифати кейинчалик тараққиёт босқичига киради. Энди ривожланиш юксалиш, кенгайиш, жадаллашиш орқали, тараққиёт шаклида юз беради. Демак, тараққиёт ривожланишнинг жузъий кўринишидир. Манна шуни ҳисобга олиб, ривожланиш ва тараққиётни бир – биридан ажратадиган айрим фарқларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. «Ривожланиш» тушунчаси «тараққиёт» тушунчасига қаранг сўзга кенгрок маънога эга. Ривожланиш кўп тизимли ва кўп босқичли ҳодиса сифатида тараққиётга хос бўлган юксалиш, кенгайд, жадаллашиш каъби жараёнлар билан бирга, қайтарилиш, бир сифатдан иккинчи сифатга сақраб ўтиш, орқага қайтиш /ривожланишнинг бир лаҳзаси маъносига/, бир нечта яўлдан бяттасини танлаш ва бошқа ўзгаришларни ўз ичига олади.

2. Тараққиёт ўсиш, юксалиш ва кўпайиш орқали намоён бўладиган ҳаракатнинг даражасини, мавжуд бўлган объектнинг аста – секин ёки тез такомиллашиб боришини, унда содир бўлаётган, ўзгаришларнинг йўналишини билдиради. Бошқача қилиб айтганда тараққиёт ривожланишнинг маълум томонини – ҳаракатда бўлган объектнинг миқдорий ўзгаришини, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш суръатни, такомиллашиш даражасини кўрсатади.

3. Тараққиёт ва ривожланиш ўртасида маълум асимметрия /номутаносиблик/ мавжуддир. Ҳар қандай тараққиёт ривожланишга олиб келавермайди. Бирон – бир объектнинг қисмларини тараққий қилиши уни ўзи таназзулга тушишини тўхтата олмаслиги мумкин. Собиқ СССРда маълум соҳаларда юз берган тараққиётга /пўлат, минерал ўғит, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан

¹ Қаранг: Философская энциклопедия. Т.4. М., 1967. С. 443, 373.

² Философский энциклопедический словарь. М., 1958. С. 451.

дунёда биринчи ўринни оғалдаш, капитал курилишни аратилишига/ қарамасдан жамият чуқур ижтимоий – иқтисодий инкирозга тушиб қолди.

Ривожланиш билан тараққиёт ўртасидаги фарқ мутлақ эмас, балки нисбийдир, улар ўртасида ўтиб бўлмас чегара йўқдир. Мавҳум, умуман ривожланиш билан боғлиқ бўлмаган тараққиёт мавжуд эмас. Конкрет объектнинг юксалиши, кенгайиши ва мураккаблашишида намоён бўладиган тараққиёт ривожланишнинг маълум томонини ёки ривожланишга олиб борадиган жараённинг жузъий кўринишини билдиради.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон республикаси ғоят мураккаб вазифани – ривожланиш ва тараққиёт жараёнларини биргаликда қушиб олиб беришни ўз зиммасига юклади. И.А.Каримов таъкидлаганидек «собик, иттифокдаги республикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, **к е н г м и қ ё с д а г и и с л о х а т л а р н и** амалга ошириш» /тараққиётни – Қ.Ш./, жамиятни **т у б д а н ў з г а р т и р и ш в а я н г и л а н и ш** /ривожланиш – Қ.Ш./, йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди»¹. Бунда, албатта, мустақилликка эришган республика ривожланиш ва тараққиёт – албатта, мустақилликка эришган республика ривожланиш ва тараққиётнинг қайси моделини танлади ката аҳамиятга эгадир. Узоқ йўлни бошида турган республикамиз куйидаги яхлит ва умумлаштирилиқ таърифланган моделини қабул қилиб олмоқда: «Барқарор бозор иқтисодиёти очик ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳукуки давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиш керак»².

Тараққиёт ўз – ўзича, соф ҳолда содир бўлмайди. У ўзининг қарама – қаршиси бўлган таназзул билан боғланган бўлиб, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ривожланиш жараёнининг нотекис, мураккаб ва зиддиятли шаклида юз беришни белгилайди.

Таназзулни юзага келтирадиган омил ва сабаб – бу юксалишга олиб бораётган ҳаракатлантирувчи кучнинг сусайиши, уқишга нисбатан парчаланишнинг устун келиши, структура ва функциянинг соддалашиб кетиши., ўзгарган шароитга мос келмай қолиш, инкирозга, тушкунликка учраш каби жараёнлардир. Қарама – қарши кучларнинг, интилишларнинг ўзаро таъсири ва кураши янги сифатларнигина эмас, балки у ёки бу системанинг соддаланишига, емирилишига, тушкунликка учрашига олиб келиши мумкин. Инсон фан – техниканинг қудрати ёрдамида табиатга аёвсиз таъсир кўрсатиш натижасида экологик инкироз вужудга келди. Диссимилияциянинг ассимиляцияга нисбатан устун келиши организмнинг емирилишига олиб келади. Манна шундай фактлардан хулоса чиқариб таназзул тушунчасини куйидаги таърифини бериш мумкин: **т а н а з з у л** – бу юқори поғонада қуйи поғонага, мураккабликдан соддаликка ўтишни, самарали функцияларнинг озайиши, юксалишга йўл қўймайдиган ихтисосланиш ва мосланишни, турғунлик ҳолатига келиши билдирадиган ўзгаришдир.

Мазмуни ва моҳияти жиҳатидан таназзул тараққиётга нисбатан қарама – қарши йўналишни белгилайдиган жараёндир. Тараққиёт ва таназзул бир – бирининг ўрнини кетма – кет алмаштириб туришни ифода этган фавон, бир йўналишли чизиқни ҳосил қилмайдилар. Бир ҳодиса таназзулга учрагандан кейин /масалан, биологик турнинг конкрет экологик шароитга қаттиқ мослашиб, эволюция қилиш имкониятдан маҳрум бўлиши/, у кейинги лаҳзада ривожланиб кетмайди. Айни пайтда бирон – бир ҳодиса ёки тизимнинг таназзулга учрашиши бошқасининг тараққиёти учун шарт – шароит яратиши мумкин. Рим империяси. У асрга бориб чуқур таназзулга учради, лекин, шу билан бирга, бу жараён империя томонидан забт этилган халқларнинг жамоа – уруғчилик тузумидан бердализи тузумига ўтиш учун объектив шарт – шароитни вужудга келтирди.

Кўп сифатли, мураккаб тизимлардан ташкил топган оламда тараққиёт ва таназзул параллель ва бир - бирини кесиб ўтадиган қарама – қарши жараён сифатида намоён бўлади. Бир соҳада тараққиётнинг содир бўлиши бошқа соҳада таназзулга олиб келди. Жонсиз табиатда, айтайлик, бир жойда минералларнинг емирилиши, тупроқнинг эрозияси /нураши/ содир бўлса, бошқа жойда мураккаб структурага эга бўлган геологик қатламлар вужудга келади. Жонли табиатда структура ва функцияси соддалашган, ҳаёт тарзи бошқа биологик турларнинг мавжудлиги ҳисобига ҳаёт кечирадиган паразит организмларнинг вужудга

¹ Каримов И.А. ЎЗБЕКИСТОНнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.:Ўзбекистон., 1992. 3 – бет.

² Каримов И.А. ЎЗБЕКИСТОНнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.:Ўзбекистон., 1992. 8 – бет.

келиши таназзул ҳодиса деб белгиланади. Лекин биосфера миқёсида бу ҳодиса турли хил организмларнинг ўзаро муносабатини мураккаблаштирадиган, тараққиёт характериға эға бўлган эволюцион жараёни юзаға келтиради. Лекин, кўп сифатли, ўз – ўзича ҳаракат қиладиган ва ривожланадиган тизимларда ўзгаришлар айна вақтда ҳам таназзулни, ҳам тараққиётни келтириб чиқарадилар.

Ўрта марказлаштирилган, тоталитар – буйруқбозлик асосда «социалистик иқтисол» ни барпо қилиш нимаға олиб келди? Маълум вақтгача тараққиёт ва таназзул бир – бири билан «қўл ушлашиб» келишди, ижобий ва салбий ўзгаришлар, натижалар тўпланиб борди. 70 – 80 йилларда ижтимоий таназзул ўткирлашиб инкирозға айлана бошлади.

XX асрда етакчи ғарб мамлакатларида ҳам бир қанча иқтисодий, сиёсий, энергетик инкирозлар бўлиб ўтди. Ўз вақтида зарур чоралар кўриб, ислохатлар жорий қилиб, улар инкироз ҳолатидан чиқишди.

Ўткинчи даврни бошидан ўтказилаётган жамиятда **р и в о ж л а н и ш, т а р а қ қ и ё т в а т а н а з з у л** жараёнлари бир вақтни ўзида содир бўлади, бир – бирларига чуқур таъсир қиладилар. Ривожланиш ва тараққиёт янги тизимға ўтаётган жамиятда бир вақтни ўзида юксалиш, такомиллашиш ва туб ўзгаришда /сифат жиҳатдан янгиланишда/ намоён бўлади. Айна пайтда шаклланаётган ижтимоий – иқтисодий тизим учун ривожланиш жараёнининг /яъни, эски тартибот барҳам берилиб янги ижтимоий, иқтисодий ва ҳоказо соҳа ва структураларни бунёдға келтиришнинг/ устуворлиги хосдир. Тараққиёт деганда вужудға келаётган янги соҳа ва структураларни юксалтириш, мавқеларини кенгайтириш, шаклланиш суръатни жалаллаштириш кўзда тутилади. Таназзул эскирган, умрини тугатган ижтимоий – иқтисодий структураларни, мафкуравий яндазаларни оширилишида намоён бўлади.

Тараққиётни содир бўлиши ёки бўлмаганлигини маълум мезондан фойдаланиш орқали аниқланади. Мана шу нарса ҳисобға олинган ҳолда фан ва фалсафада тараққиёт мезони муаммосига ката эътибор берилади.

Кўп ҳолларда мезоннинг асосида таққослат воситаси сифатида хизмат қиладиган бирон – бир белги, хислат ётади. Мезон учун хизмат қиладиган белги ўзига хос кўрсаткич ролни ўйнаб, у орқали ўрганилаётган ёки таққосланаётган объектларнинг таркибини, мураккаблик миқёсини, тараққиётнинг даражасини аниқлаш мумкин.

Сифат, шакл ва мазмун томонидан объектлар бир – биридан фарқ қилар эканлар, уларнинг тараққиётини белгилайдиган мезон ҳам хилма – хил бўлади. Хусусан, тараққиёт мезонлари умумий ва жузъий характерға эға бўлиши мумкин. Айрим файласуфларнинг таъкидлашларича, тараққиётнинг энг умумий мезони – бир бутун, мустақил ҳаракат қиладиган, фаолият кўрсатадиган объектларға /тизимларға/ хос бўлган структурали ва функционал мураккаблашишдир. Мана шу мезондан таққослаш воситаси сифатида фойдаланиб, табиёт ва жамиятдаги тизимларнинг қуйи босқичдан юқори босқичға ўтишини, тараққиёт даражасини аниқлаш мумкин.

Ноорганик объектлар тараққиётнинг мезони уларнинг структуравий мураккабланиш ўлчовини билдиради. Биологик тараққиёт мезони тирик системаларнинг /ҳужайра, организм, популяция, биогеоценоз/ структураси билан функциясининг қисмланиши ва бирикиш даражаси, тузилиши ва ҳолатларини ўзгартириш миқёси, муҳитға нисбатан мустақилликларининг ортиб бориши каби белгилардан иборат бўлади.

Ижтимоий тараққиётнинг мезонлари яна ҳам мураккаб ва кўпроқ кўрсаткичға эгадир. Булар – ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий муносабатларни юксалиб бориши, такомиллашиши, шу жараёнлар билан боғланган ҳолда инсонни турли хил ижтимоий, иқтисодий ва маънавий етишмовчиликдан, чекланишдан озод бўлишини, шахс эркинлиги ва камол топиши учун зарур ҳамда етарли воситалар билан таъминланишини, ижтимоий муносабатларни инсонпарвар кадриятлар билан нақадар орғарилганлигини ифодаладиган белгилар мажмуидан иборатдир.

Маълумки, яқин вақтларгача ижтимоий тараққиёт мезонига асосан иқтисодий мазмун берилар эди. Юксалиш жараёни деб миқдор ўзгаришларни тушунганлар. Кўрсаткич сифатидан ишлатилган миқдорий бирликлар – тонналар, доналар, метрлар ижтимоий тараққиёт мезонни киралаштириб қўйган эди, инсон, унинг турмуш тарзи, ҳаёти ва бахти –

саодати умумлаштирилган ва ўртача қилиб олинган статистик маълумотлар орқасига қолиб кетди.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳақиқий мезони моддий ва маъанвий неъматларни, кадриятларни жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун хизмат қилиш имкониятини борлиги, инсон эркинлиги ортиб бориши билан ўлчанади. Тараққиёт мезонни шу тарзда тушуниш унга инсонпарварлик йўналиш ва мазмун беради, инсон цивилизациясининг гармоник ривожланиш йўлини белгилашга ёрдам беради.

* * * * *

Ривожланиш ҳоясининг асосий мазмуни, уни ифода этувчи тушунчалар ва категорияларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ривожланиш моддий ва маъанвий оламнинг атрибутив, универсал хоссаларидан бири, нарса ва ҳодисаларнинг мукамалликка, камолотга етиш усулидир. Камолотга олиб борадиган ҳаракат ва ўзгаришлар ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун диалектика таълимотида ривожланиш, тараққиёт ва таназзул тушунчалари таҳлил қилиниб, уларнинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, бир – биоларидан фарқи кўриб чиқилди. Шу билан бирга ривожланиш концепцияси янгиликни вужудга келиши, камолотга эришиш жараёнлари ҳақида маълум тарзда умумий тасаввур беради ҳолос. Ривожланиш ва тараққиётни манбалари, амалга ошиш усуллари ва йўллари ҳақида диалектика таълимотининг ривожланиш қонуниятлари ғояси чуқурак тасаввурни беради.

IV – БОБ

ДИАЛЕКТИКА РИВОЖЛАНИШНИНГ УНИВЕРСАЛ ҚОНУНИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Қонун ва қонуният тушунчалари

Фалсафа ва фаннинг муҳим вазифаларидан бири табиат, жамият ва тафаккурнинг ҳаракати ва ривожланиш қонун ва қонуниятларини очиб таҳлил қилиб беришдир. Объектларнинг ҳаракати ва ўзгариши маълум қонун ва қонуниятларга бўйсундан ҳолда амалга ошади. Қонун нима?

Қ о н у н – бу предмет ҳодисалар ўртасидаги ички, зарурий, такрорланадиган алоқа ва боғланишдир. Табиат, жамият ва инсон фаолиятида бундай алоқа ва боғланишларни мавжуд бўлиши уларга барқарорлик, тартибот бағишлайди. Агарда қонуний алоқа ва боғланишлар бўлмаса олам заррачаларнинг броун ҳаракатига ўхшаш бетартиб ва тасодифан рўй берадиган ҳодисалар мажмуидан иборат бўлар эди.

Табиат ва жамиятда амал қиладиган қонунлар объектив характерга эга, бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд. Табиатда қонунлар стихияли равишда намоён бўлса, жамиятда улар инсон ва ижтимоий уюшмаларнинг манфаатлари, мақсадлари ва режаларини амалга оширишга қаратилган фаолият орқали содир бўлади.

Кўп сифатли ва кўп тизимли объектларда қонунлар билан бирга қонуниятлар амал қиладди. Қонун қонуниятдан нима билан фарқ қиладди? Энг аввал шуни таъкидлаш жоизки, улар ўртасидаги фарқ маълум жиҳатдан нисбийдир. Ҳар иккаласи ҳам объектлардаги барқарор, муҳим, зарурий алоқа ва боғланишларни белгилайдилар.

Қонун қонуниятга қараганда жузъий /тор, чегараланган/ характерга эга. У асосан икки томон, куч ва объектлар ўртасида юз берадиган доимий алоқа ва ўзаро таъсир сифатида амал қиладди. Табиийётда ўрганаладиган Бойл – Мариотт, Кулон қонунлари, социологияда тадқиқот қилинадиган ишлаб чиқариш кучларива ишлаб чиқариш муносабатларининг алоқадорлиги қонуни шу хилдаги қонун туркумига киради. Қонуният эса анча кенг соҳани, кўп тоионлама, кўп босқичли алоқадорлик ва боғланишни, ўзаро муносабатни қамраб олади. Шу билан бирга, қонуният жузъий қонунлар амал қилишнинг умумий натижасини билдириши мумкин. Масалан, иқтисодиёт фани ўрганадиган ишлаб

чиқариш Билан истеъмомнинг ўзаро алоқадорлиги қонуниятлари бир қанча жузъий иқтисодий қонунларнинг амал қилишидан ҳосил бўлади.

Диалектиканинг тадқиқот предмети бўлмиш, ривожланишни келтириб чиқарадиган умумий алоқадорлик ва боғланиш қонун эмас. Балки қонуният характериға эгадир. Хусусан, қонун деб аталган миқдор ва сифат ўзгаришларини диалектикаси табиат ва жамият амал қиладиган ўнлаб ва ундан ортиқ динамик, статистик, функционал қонун ва қонуниятларини, зарурий ва тасодифий ҳодисаларнинг ўзаро таъсири, қарама – қарши йўналишга эга бўлган мойиллик ва реал жараёнларни алоқа ва боғланишлари орқали намоён бўлади. Бундай кўп қирали миқдор ва сифат жиҳатдан турли ҳолат, босқич ва йўналишларни ўз ичига олган, ҳамда, динамик ва статистик қонуниятлар асосида содир бўладиган комплекс /кўп ва ҳар томонлама/ алоқадорлик ва боғланишни қонун деб белгилаш тўғри бўлмаса керак. Шундай фикрни «қарама – қаршилиқлар бирлиги ва қураши» ва «инкорни инкор»га / инкор ва синтез диалектикасига/ нисбатан ҳам айтиш мумкин. Фикримизча диалектика ўрганадиган муаммолардан бири иқдор ва сифат ўзгаришларини ўзаро алоқадорлиги, зиддиятларни вужудга келиши ва ҳал бўлиши, инкор, синтез ва қайтарилиш ўртасидаги боғланиш қонуниятларини таҳлил қилишдир.

Диалектика ўрганадиган қонуниятларни табиат, жамият ва инсон фаолияти соҳаларида амал қилишини ҳисобга олиб, уларни ҳисобга олиб, уларни ривожланишнинг энг умумий ёки универсал қонуниятлари деб белгилаш мумкин. Булар: 1/ миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро алоқадорлиги қонуниятлари; 2/ зиддиятларнинг вужудга келиши ва ҳал бўлиши қонуниятлари; 3/ инкор, синтез ва қайтарилишни ўзаро алоқадорлиги қонуниятидир. Шу қонуниятларнинг структураси, элементлари ва амал қилиш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

2. Миқдор ва сифат ўзгаришлари диалектикаси

2.1. Хосса, сифат, миқдор ва меъёр категориялари.

Борлиқда мавжуд бўлган моддий ва маънавий предметлар, тизимлар ва ҳодисалар мувозанат мақлаб турадилар ёки ўзаро таъсир жараёнида ҳолатларини ўзгартирадилар. Ўзгаришлар турлича бўлади: жой алмашиш, кўпайиш, структуравий силжиш, кенгайиш, юксалиш, янгиланиш ва ҳоказолар. Бундай ўзгаришларни кузатиш асосида кишилар нарсаларнинг миқдори ва сифати ўртасида боғланиш борлигини англаганлар.

Нарса ва ҳодисаларни билиш уларнинг белги ва хусусиятларини аниқлашдан бошланади. Дарахт баргининг зангори бўлиш хусусияти бир қатор биохимик ва физиологик жараёнларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Ўз навбатида предметларнинг ички ва ташқи хусусиятлари хоссалар орқали намоён бўлади. Ҳар бир предметнинг алоҳида, яқка объект ҳолатида мавжуд бўлиши белгилайдиган хусусиятлар мажмуи, тизимидир.

Хосса барқарор ва ўзгарувчан, умумий ва жузъий, уюлмаган ва структуравий бўлиши мумкин. Ҳар бир кишига хос бўлган темперамент /мижоз/, ҳиссиёти, меҳнат қилиш қобилияти барқарор, умумий хоссадир. Лекин, жисмоний тузилиш, бирон – бир касбга нисбатан лаёқатга эга бўлиш эса инсонда мавжуд бўлган ўзгарувчан хоссалар қаторига қиради.

Хоссаларнинг ўзгариши билан объектда ўзгариш содир бўладими? Бўлади. Металл қиздирилса, унинг иссиқлик даражаси кўтарилади, икки физик ҳолати ўзгаради. Объектнинг сифати-чи?

Тажиба шуни кўрсатадики, хоссаларнинг ўзгариши ҳар доим сифатини ўзгаришига олиб келмайди. Хосса объектнинг яқка, айрим белгисини ёки хусусиятини билдиради. Темирнинг торайувчанлиги хосса ўзгариши мумкин, лекин бу металл сифатининг ўзгаришига олиб келмайди. Хоссалар билан бирга объектда хоссалар ўртасида ўзаро таъсир, структура, муҳит билан муносабат ва бошқа ҳислатлар мавжуддир. Унда сифат нимани билдиради? Сифат шунчаки хоссалар йиғиндиси эмас.

Масаланинг мураккаб томони шундаки, сифат хоссаларнинг йиғиндиси бўлмаса ҳам, лекин у ўзини хоссаларнинг йиғиндиси бўлмаса ҳам, лекин у ўзини хоссалар орқали

намоён қилади. Бу ерда фақат хосса ёки хоссалар йиғиндиси билан сифатни айнан эмаслигини кўзда тутиш керак. **С и ф а т – бу объектнинг барча элементлари ва хоссалари ва хоссалари ўртасидаги ўзаро таъсир, ундаги ички боғланишлардан, бошқа объект, ташқи муҳит билан бўлган барқарор алоқалардан ҳосил бўлган бир бутунлигини, тизимли яхлитликни, муайянликни билдиради.** Сифат объектнинг бир бутунлигини, барқарор муайянлигини, моҳиятли томонини билдирса, хосса унинг ўзгарувчан, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб турадиган хислатини намоён қилади.

Ўзининг сифати билан бир объект /предмет/ бошқа объектдан тубдан фарқ қилади. Шу билан бирга, объектнинг сифат муайянлиги доирасида айрим хоссалари йўқолиб, янги хоссалар вужудга келиши мумкин. Эски ва янги хоссаларнинг алмашинуви объектнинг бир бутунлиги хислатини ўзгартирган тақдиргагина унинг сифати ҳам ўзгара бошлайди.

Сифат жиҳатдан бир – биридан фарқ қилувчи қисмларнинг биронта объектда бирлашиши кўп сифатли хислатни юзага келтиради. Турли мавжудотда физикавий, кимёвий ва биологик сифатларнинг, инсонда булардан ташқари ижтимоий ва шахсиятли сифатларнинг мураккаб уюшмаси мавжуддир.

Сифат муайянлиги билан бирга объектларга миқдор муайянлиги ҳам хосдир. Бу хусусият маълум ўлчамни билдирадиган сон, ҳажм, даражасида намоён бўлади. Миқдорни ўзи пайдо бўлади. Яъни пайдо қиладиган асос айнан бир хил сифат, хосса ёки қисмга эга бўлган предметларнинг маълум туркум ва тизим доирасида бирлашишидир. Бир – бирига ўхшаш бўлган, яъни пайтда ўзаро боғланган нарса ва ҳодисалар туркуми миқдорли муносабатни ҳосил қилиб, бу муносабат ўлчам / оз – кўп, ката – кичик, кенг – тор, тез – секин ва ҳоказолар/ орқали белгиланади. **Миқдор - бу мазмунан фарқ қилмайдиган, ўхшаш /айнан/сифатга эга бўлган объектларнинг туркумланишидан чиққан ўлчамдир.** Мазмун жиҳатидан фарқ қиладиган, сифат ва хоссаси тафовутда бўлган объектлар миқдорни, миқдорий муносабатни ҳосил қилмайдилар. Масалан, алоҳида – алоҳида олинган электрон, атом ва молекула туркумни ташкил қилмайди, сифат жиҳатидан турли моддаларга мансуб бўлганлари учун уларни санаб бўлмайди.

Предметда мавжуд бўлган миқдордаги элементларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири ўзига хос хусусиятга эга бўлган сифатни ҳосил қилиши. Кислород атомининг сифати ундаги ўзаро алоқада бўлган элементар зарра унинг миқдорий муайялиги билан белгиланади. У ёки бу ижтимоий тузумнинг сифати ижтимоий – иқтисодий муносабатларнинг кўп хиллиги, иқтисодиётни потенциали / имконияти/, шахс, ижтимоий уюшма ва гуруҳлар, ҳамда жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорликни суръати, даражаси билан характерланади. Демак, маълум миқдор муайян сифатни келтириб иқаради.

Сифат билан миқдорнинг бир – бирига нисбатан қанчалик мустақил бўлиши ва, Айни пайтда узвий боғланиш чегараси «меъёр» категорияси орқали ифодаланади. Яъни, «меъёр» фақат миқдор билан сифатнинг бирлигини белгиламасдан, балки улар ўртасидаги чегарани ҳам билдиради. **Меъёр – бу объектдаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги хусусиятидан келиб чиқадиган сифат ва миқдор бирлигининг чегаранганлигини, шу бирлиكنинг муайянлигини сақлайдиган миқдорий ўзгаришлар интервалини/ оралигини/ ифодалайдиган категориядир.** Ҳоҳ объектив реалликдан нарса, ҳоҳ инсон яратган предмет бўлмасин, барчасини мери маълум миқдорга эга бўлган қисмларнинг мувозанатли боғланишини, гармоник мутаносиблигини билдиради.

2.2. Миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришига ўтиши.

Ҳаракат жараёнида предметларда маълум ўзгаришлар содир бўлади. Бирон – бир лаҳзагача миқдор ўзгаришлар кўпаяди, ички ва ташқи таъсирлар натижасида объектда юз берадиган жараёнларнинг миқёси кенгаяди. Кейинчалик «тўпланиб» қолган миқдор ўзгаришлар билан объектнинг сифати ўртасидаги тафовут ҳосил бўлади. Тафовутни ўткирлашиб бориши яги сифатнинг вужудга келиши билан яқунланади. Полимердан биополиметнинг ҳосил бўлиши, ҳар қандай янги объектларни /планетанинг геологик қатламлари, ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари илмий ёки бадиий рисола ва бошқаларни/ вужудга келиши сифат ўзгаришидан далолат беради.

Янги сифатнинг вужудга келиши олдин содир бўлган миқдор ўзгаришлар туркунликни сақлаб турган меъёрни бузилиши орқали юз беради. Ўз навбатида янги сифат ўзгарган миқдор билан бирликни ҳосил қилар экан, объектни ўзида янги меъёр пайдо бўлади.

Табиийки, янги сифат янги миқдорий ўлчамни /муносабатни/ келтириб чиқаради. Бу хислатни асосида ётган нарса – объектдаги элементларнинг ҳаракати ва мустақиллигининг миқёсини ошиши, муҳит билан масса, энергия ва структура воситаси орқали алмашунув жараёнининг тезланиши ёки кенгайиши, предметнинг мукамаллашишига қаратилган фаоллик қобилятини юксалишидадир. Бу янги сифат ва миқдор олиб келган жараёнлар мазмунан ривожланишдан дарак беради. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиши, ҳамда, янги сифат ўз навбатида янги миқдорий хислатларни келтириб чиқариши ривожланиши қ а н д а й юз беришини кўрсатади.

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиши, борликда бундай ўтишни доимий ва умумий усул тазрда намоён бўлиши бу жараёнга қонуният тусини беради. Бу хилдаги қонуниятнинг амал қилиши икки йўналишда содир бўлади: 1/Маълум тизим доирасида миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиши олдин мавжуд бўлмаган янги предметни юзага келтиради. Илмий билиш соҳасида олдин маълум бўлмаган фактларни таҳлил қилиш мавжуд концепциянинг чекланганлигини кўрсатиши ва нги мазмунга /сифатга/ эга бўлган назарияни ишлаб чиқишга олиб келиши мумкин. Дарвик асослаб берган органик олам эволюцияси ҳақидаги таълимот, Эйнштейн яратган махсус нисбият назарияси бунга мисол бўлади. 2/ Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиши бирон – бир олдиндан мавжуд бўлган тизимнинг йўқолиши эмас, балки унинг янгилаиш шаклида намоён бўлиши мумкин. Қонуниятнинг амал қилинишининг шундай йўли эркин тадбиркорликни асосланган, лекин ҳеч қандай раҳм – шафқат ва адолатликни тан олмайдиган капитализмдан / XVIII – XIX асрлар/ инсоннинг ижтимоий ҳукуки кенгайган, бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш даражаси анча ошган ҳозирги замон капитализмга ўтишда кўринади. Бу ҳар икала йўлни мазмуни бита: миқдор ўзгаришлар томонидан объект ёки тизимни ичида шундай ҳолат туғдирилдики, барқарорликни сақлаган меъёр синади, янги сифат, ва демакки янги объект / предмет, тизим/ пайдо бўлади.

2.3. Узлуксизлик узилиши. Сакрашнинг турлари.

Объектдаги сифат ва миқдор бирлигини ифода этган меъёрни мавжуд бўлиши узлуксизликни билдирса, унинг / меъёрнинг / ўзгариши узлуксизликнинг узуилишини намоён қилади. Меъёрнинг ўзгариши ҳам тараққиётга, ҳам таназзулга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, ривожланишнинг, тараққиётнинг биринчи шартини сифат ва миқдор ўртасидаги мутаносибликдан келиб чиққан меъёр ўзгариши ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, янги сифатнинг пайдо бўлиш асосида мавжуд бўлган меъёрнинг ўзгариши, узлуксизликни узилиши ётади.

У з л у к с и з л и к – маълум фазо ва вақт, муҳит доираси мавжуд бўлган объектдаги барча хосса ва элементлари ўртасидаги алоқалар ва боғланишнинг сақланишини, шу боғланишга асосланган муайян сифат ва миқдор бирлигини ифода этган меъёрнинг барқарорлигини, доимийлигини билдиради. Узлуксизлик оламга барқарорлик бағишлайдиган боғлиқнинг универсал / янги, ҳар томонлама, энг кенг хусусиятга эга бўлган/ хислатларидан биридир. Шу хислат борки, оламда мавжуд бўлган предмет ёки ҳодиса сақланади, жараёнларнинг кетма - кетлиги, алоқадорлиги содир бўлади.

Мутлоқ маънода борлиққа нисбатан янгилаиш жараёнининг ўзи ҳам узлуксиз рўй берадиган ўзгаришлар туркумига киради. Миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришига ўтар экан, чексиз узлуксизлик занжирини бир бўғинида узилиш ҳосил бўлиб эски ҳалқа ўрнида янги ҳалқа пайдо бўлади. Мана шу жараён фалсафада сакраш деб аталади.

Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига баҳо бераётиб сакраш ушунчасидан фойдаланиш туғилганда уни кўпинча кескин ўзгариш, ўта жадаллик маънодасида тушунадилар. Тўғри, жамиятни бир ижтимоий – иқтисодий тизимидан бошқасига ўтишда кескин ўзгаришлар кўринишида намоён бўладиган сакрашлар ҳам пайдо бўлиб туради. Лекин, фалсафада сакраш тушунчаси кенг ва чуқур маънога эга. Бунда сакраш ҳар қандай эски сифатдан янги

сифатга ўтишни, янги сифатга ўтишни, тизим ва ҳодисани «тўғилиш» жараёнини билдиради.

Сакрашни келтириб чиқарадиган сабаб предметнинг муайянлигини билдирган сифат билан «тўпланган» миқдор ўзгаришлар ўртасида зиддиятнинг вужудга ваши у зиддиятнинг ҳал этилиши жараёнида эски сифатнинг чеарасини мужассамлантирган меъёрни бузилишидир. Масалан, совет тоталитар тузуми доирасида шаклланган ижтимоий сифат белгилари /меҳнаткашларни ишлаб чиқариш воситалари, мулк, бошқариш ва қарор чиқариш ишловидан четлашиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини давлат тизимига бўйсундирилиши, сохта демократик, мафкуравий ақидапаратлик ва ҳоказолар/ билан излаб иқариш кучларининг тараққиёти даражаси, иқтисодий базис элементларининг кўпайиши, илмий-техник имкониятларнинг юксалиши ва бошқа миқдор ўзгаришлар ўртасида зиддият вужудга келди. Бу зиддиятларни ўтқирлашиб кетиши, уларни ижобий натижага олиб келмаган шаклда ҳал қилишга уриниш шундай сакрашга олиб келдики, оқибатда дунёда иккинчи буюк давлат ҳисобланган СССР барбод бўлиб, ўрнига истиқлол йўлидан бораётган мустақил давлатлар пайдо бўлди.

Объектнинг хусусияти ва шарт шароитига қараб сакраш турли кўринишда намоён бўлади. У тез ёки секин, тор ёки кенг кўламда, структуравий ёки функционал тарзда содир бўлиши мумкин. Организмнинг генетик аппаратида рўй берадиган мутация /ирсий ўзгариш/, киши онгида ҳал бўлмай келаётган масаланинг ечими ғайришуурий интуиция ёрдамида кўкқисдан топилиши ва сифат жиҳатидан янги тасаввурни ҳосил бўлиши тез сакрашдан, тирик жонзот эволюцияси, инсон ва жамиятни тараққиёти эса аста – секин содир бўладиган сифатли сакрашдан далолат беради. Ижтимоий ҳаётда бу хилдаги сакрашлар эволюцион ёки инқилобий ўзгаришлар, янгиланиш шаклида амалга ошади.

2.4. Жамиятда содир бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзига хос хусусиятлари.

Ижтимоий ҳаётда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у объектив ва субъектив омиллар, моддий ва маънавий жараёнларнинг амал қилиниши билан белгиланади. Объектив омилга иқтисодиётга тараққиётга ундайдиган механизм ва шакллантирувчи шарт – шароит, ишлаб чиқариш ресурслари, ишлаб чиқариш турлари ва муносабатларининг траққиёт даражаси киради. Ҳалқ оммаси, ижтимоий синфлар ва гуруҳлар, партиялар, айрим кишилар сирли равишда белгиланган мақсадлар, манфаатлар ва режалардан келиб чиққан ҳолда сиёсий, мафкуравий ва ташкилий фаолият кўрсатишиб ижтимоий тизим ва шарт – шароитларини ўзгартиришлари субъектив омилни ташкил қилади.

Конкрет тарихий шароитда объектив ва субъектив омиллар бир – бирига нисбатан гоҳ мутаносиб, гоҳ зиддиятли муносабатда бўладилар. Бу эса жамиятда янги сифатни қарор топтиришни мураккаб, нотекис бўлишини белгилайди.

Жамиятда содир бўладиган миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтишига нақадар объектив ва субъектив омилларнинг таъсир кўрсатишини, сифат жиҳатидан янгиланишнинг суръати ва миқёсини белгилаш учун «инқилоб», «эволюция» /тадрижий узлуксизлик/ ва «ислоҳат» тушунчаларини қўллашади.

Инқилоб деганда одатда қандайдир ижтимоий ёки давлат тўнтаришини тасаввур қиладилар. Бундай тасаввур учун маълум асос бор, албатта. Лекин, фалсафада инқилоб тушунчаси кенгроқ ва чуқурроқ маънога эга. **И н қ и л о б** – бу ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида янги сифатни қарор топтиришга қаратилган, мазмун ва йўналиш жиҳатидан туб ўзгаришга, кескин бурилишга олиб борадиган сакрашдир. Шу боис ижтимоий инқилоб, маданий инқилоб, фан – техника инқилобни фарқлайдилар.

Жамиятда янги сифатни туғдираётган туб ўзгаришни инқилоб деб баҳолаш учун содир бўлаётган кескин бурилиш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа ва қатламларини қамраб олиши керак. Тўғри, бундай жараённинг ҳарактери, йўналиши ва суръати объектив омилдан ташқари субъектив омилга ҳам боғлиқдир. Бу нрга субъектив омилнинг таъсири ва роли табиий ёки, ҳаётдан ажралиб қолган ғоялар ва дастурлардан келиб чиққан ҳолда, сунъий бўлиши мумкин. Агарда маълум ижтимоий гуруҳлар /уюшмалар, партиялар/

ўзларининг тор, жузъий манфаатларидан келиб чиқиб, мавжуд объектив шароит билан ҳисоблашмасдан сунъий равишда инқилобий жараёни юзага келтириб, уни жадаллаштиришга ҳаракат қилсалар, унда жамиятни ларзага соладиган «буюк сакрашлар» содир бўлади.

Хўш, ҳозирги даврда Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришларни қандай баҳоласа бўлади? Республикада моҳияти жиҳатидан жамиятни туб ўзгартиришга қаратилган янги сифатга ўтиш, сакраш юз бермоқда. Бундай сакрашни амалга ошириш воситаси сифатида сиёсий тўнтариш, синфий кураш эмас, балки тўпланиб қолган ижтимоий муамоларни собитқадамлик ва изчиллик билан – босқичма – босқич ҳаракат қилиш орқали ҳал этиш танланган. «... сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир»¹. Шу билан бирга мўлжалланган тараққиётга ўтиш йўли туб ўзгаришларни амалга оширишни кўзда тутди. Бунда катализатор/ жадаллаштирувчи элемент ёки жараён/ ролини мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ҳамда, бозор иқтисодиётини қуриш ўйнайди. «Бозорга ўтиш муқаррар. Бу давр амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги кадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир»². Содир бўлаётган жараёнлар, белгиланган режа ва чоралар аслида инқилобий / юқорида изоҳ қилинган маънода/ характерга эга. Фақат объектив шароит ва барқарорликни сақлаш зарурияти ҳисобга олиниб чуқур ислохотларни эволюцион йўл билан амалга ошириш вазифа қилиб белгиланган.

Инқилобни белгиси бўлган жараёнлар, яъни, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, шу боис кескин бурилишга олиб борадиган сакраш мамлакатимизда рўй бераётганлиги ҳақида И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари далолат беради: «собик Иттифокдаги республикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, **ж а м и я т н и т у б д а н ў з г а р т и р и ш в а я н г и л а ш**/ курсиз белгилаш бизни К.Ш./ йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди»³. И.А. Каримовнинг яна бир сўзлари диққатга сазовордир: «1994 йил 1 июлдан Ўзбекистон республикаси ҳудудида тўла қийматли миллий валюта – ягона қонуний тўлов воситаси бўлган сўмнинг муаммолага киритилиши ҳақиқатан ҳам **и н қ и л о б и й** қадам бўлди. Бу бутун иқтисодиёт ислоҳатида сифат жиҳатидан Янги босқич бошланганлигидан дарак беради»⁴. Хулоса шуки, Ўзбекистонда ислохотлар жорий қилиш орқали ўз моҳияти билан инқилобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Инқилобий сакраш заминида эволюцион тарзда юз берадиган ўзгаришлар ётади. Шу муносабат билан эволюциянинг ўзи нима деган савол туғилади. **Э в о л ю ц и я** – бу аста – секин ва узлуксиз содир бўладиган ўзгаришлар, ҳамда предмет ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсири, алоқадорлиги натижасида объектларни тараққиё қилишга ёки таназзулга олиб борадиган жараёндир. Эволюция тараққиётнинг шундай бир йўналишидирки, унда объектни ураққаблаштирадиган янги хоссалар ва томонлар аста – секин тўпланиб боради.

Жамият эволюцион тарзда ривожланишини белгилайдиган ижтимоий тадбир – ислохотдир. Объектив ва субъектив омилларнинг, ижтимоий уюшмаларнинг /ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар, партиялар/ чуқур ўзгаришларни жорий қилишга тайёр бўлишларидан келиб чиқадиган талабларни, эҳтиёжларни, ҳаракатлантиувчи кучларнинг миқёси ва даражасига қараб ислохотлар эволюцион /мавжуд ижтимоий тузумни аста – секин мустаҳкамлаш, такомиллаштириш/ ва инқилобий/ бир тизимдан иккинчисига туб ўзгаришлар орқали ўтиш/ характерга эга бўлиши мумкин. **И с л о х о т** – бу ижтимоий ҳаракат ва ўзгартириш қувватини маълум йўналишга ва тартибга соладиган тадбир – чоралар тизимдир. Ижтимоий ҳаёда жорий қилинадиган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар жамиятдаги уюшмалар ва структураларни кескин бузутилишидан сақлайди. Ислохотлар ўз

¹ К а р и м о в И.А. ЎЗБЕКИСТОНнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 10 – бет.

² К а р и м о в И.А. Кўрсатилган рисола. 44-бет.

³ Ўша асар. 3-бет.

⁴ К а р и м о в И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 217 – бет.

вақтида жорий қилинмаган тақдирда, инқироз бошланган пайтда тўпланган салбий ҳолаблар ижтимоий тангликни кучайтирадилар.

Шундай қилиб, эволюция, инқилоб ва ислохатлар жамиятда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришига ўтишининг жузъий, ўзларига хос хусусиятларни билдиради, улар ижтимоий тараққиётнинг миқёси, вақти ва қўллаш жиҳатидан ғоят нотекис жараён эканлигини кўрсатадилар.

3. Зиддиятларнинг вужудга келиши ва ҳал бўлиши қонуниятлари.

Олдинги фалсафага оид адабиётларда ривожланишнинг умумий қонуниятларидан бири – қарама – қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонуни деб белгиланган. Лекин қонуни номида ифодалаш учун ишлатилган «бирлик» ва «кураш» сўзларини бирлаштирилиши маълум жиҳатдан сунъий характерга эга. Диалектикада асосий диққат – этибор ривожланишнинг манбаи ва сабабини аниқлашга берилади. Биз диалектика қонуниятларига бурилган тушунтиришга таяниб зиддиятларнинг вужудга келиши ва ҳал бўлиш қонуниятини изоҳлашни унинг элементлари ва ўзларига хос жараёнларини таҳлил қилишдан бошлаймиз.

3.1. Айният, тафовут ва қарама – қаршилиқ тушунчалари.

Фалсафа объектларнинг турқунлиги ва ўзгарувчанлигини белгилайдиган ҳислатларга алоҳида этибор берилади.

Якка олинган предметнинг турқунлиги ва ўхшарувчанлиги айният ва тафовут ҳислатлари орқали намоён бўлади. **А й н и я т – предметнинг бир хиллигини ўз – ўзига тенглигини, нарсаларнинг ўхшаш ва баробар томонларини ифодалайдиган тушунчадир.** Бирон – бир предмет ўзининг турқунлигини, барқарорлигини сақлаш жараёнида айниятликни ҳосил қилади. Бундай хусусият, масалан, сув молекуласи, минерал, организм, ижтимоий структура ва бошқа чексиз объектларга хосдир. Ҳар бир предмет маълум лаҳзада ўзининг айниятлигини /ўз – ўзига ва бошқа предметга нисбатан тенглигини, ўхшашлигини/ сақлайди. Лекин ўхшашликни, тенгликни билдирган айниятлик қандайдир тафовут бўлгандагина мазмунга эга бўлиши мумкин. Агар тафовутни белгилайдиган фарқ бўлмаса, таққослашга имконият берадиган объектив асос бўлмаса, унда айниятнинг ўзини белгилаб ёки кўриб чиқиб бўлмайди.

Предметнинг чегараланганлиги, ўзгарувчанликка мойил бўлиши унда айниятлик билан бирга тафовутнинг бўлишини тақазо этади. Маълумки, чегараси, Бирон – бир белгиси, хусусияти бўлмаган нарса ҳақида фикр юритиш мушкул ишдир. **Т а ф о в у т – предметнинг хусусиятини, уни бошқа нарсадан ажратиб турадиган фарқни билдиради.** Масалан, электрон билан позитрон ўртасидаги тафовут уларда мавжуд бўлган электр заряди белгисининг фарқланишидан келиб чиқади. Тафовутлар турли даражада ва миқёсда намоён бўлиши мумкин: умумий ва жузъий, муҳим ва муҳим бўлмаган, зарурий ва тасодифий кабилар.

Шундай қилиб, айният ва тафовут ҳам якка предметга, ҳам предметлар гуруҳига бир вақтнинг ўзида хос бўлган, лекин қарама – қарши ҳислатни билдирадиган томонлардир.

Предметларга хос бўлган айният ва тафовут бир зайлда қолиб кетмайди. Вақт ўтиши билан, ички ва ташқи таъсирлар, ўзгариш жараёнлари айниятни тафовутга, тафовутни қарама – қаршилиқка айлантирадилар. Ҳар бир қарама – қаршилиқ ўз тарихига эга бўлиб, маълум тафовутдан ўсиб чиқади. Айтайлик, ибтидоий жамоа тузуми даврида ишлаб чиқариш билан тақсимот ўртасида маълум тафовут бўлган. Бу тафовутнинг қарама – қаршилиқка айланиши хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши, товар ва пул айрибошлашнинг вужудга келиши билан белгиланади. **Қарама – қаршилиқ тушунчаси объект ёки объектлар уюшмасида бир – бири билан истисно этувчи ҳислат, ҳолат ва томонни мавжудлигини ифодалайди.** Бирон – бир тизим доирасида мавжуд бўлган қарама – қарши хоссалар, кучлар / масалан, механик тизимда ҳаракат қилиш ва қарши ҳаркат, физик объектда тортилиш ва итарилиш кучлари, ҳужайрада ассимиляция ва диссимиляция жараёнлари/ бир – бирларига таъсир қилишлар натижасида «бирликни», ўзаро боғланишни ҳосил қиладилар. Бундай «бирлик» турли шаклда намоён бўлади: 1/

қарама – қаршиликларнинг мувозанатда, барабар ҳолатда бўлиши; 2/ бир турдаги қарама – қарши хислатни бошқасига айланиш имкониятига эга бўлиш; 3/ қарама – қарши хислатларни ўзаро таъсир орқали бир – бир билан боғланганлиги ва ҳоказолар.

Қарама – қаршиликларнинг муносабатини «бирлик» ва «кураш» сифатида белгилаш нисбий характерга эга. Айтайлик, бир шахсни ўзида гениаллик ва соддалик хислатлари бўлиши мумкин, лекин улар ўртасида кураш бўлмаса керак. Бошқа мисол. Организмда ассимиляция ва диссимиляция жараёнлари мавжуд. Аммо улар ўртасида бевосита кураш ҳолати мавжуд эмас. Булар қарма – қарши томонга йўналган жараёнлар ҳолос.


3.2. Зиддият – ҳаракат, ўзгариш ва ривожланиш манбаи

Бир – бирини истисно этувчи қарама – қарши хоссалар ва хислатлар ўртаида содир бўлдиған ўзаро таъсир зиддиятни вужудга келтиради. Лекин, ҳар қандай қарама – қаршилик / масалан, паст – баланд, оқ – қора, кун ва тун ва ҳоказолар/ зиддиятни ташкил қилавермайди. Шу нарса ҳисобга олиниб фалсафага диалектик зиддият тушунчаси киритилган. **Диалектик зиддият – предметларда мавжуд бўлган қарама – қарши хоссалар ва хислатлар ўзаро боғланганлигини ва бир – бирини бевосита истисно қилишини билдиради.**

Борликдаги ҳар бир предмет ва ҳодиса у ёки бу кўринишдаги қарама – қаршиликларга эга. Қарама – қарши хосса ва хислатларнинг ўзаро истисно этишлари асосида зиддият вужудга келади. Зиддият эса албатта бошқа ҳолатга, босқичга, сифатга ўтиш заруриятини туғдиради.

Бир бутун, мураккаб тизимларда /биосфера, популяция, инсон, ижтимоий структуралар/ зиддиятлар қарама – қаршиликлар ва тафовутлардан ўсиб чиқади, юксалади, оқибатда ўзаро истисно эти шва таъсир жараёнида ҳал бўлади. Натижада янги сифат ёки предмет ҳосил бўлади.

Предметлардаги зиддиятларнинг қандай босқичлардан ўтиб, янги нарсани ҳосил қилишини шартли тасвирда қуйидагича ифодалаш мумкин.



Тасвирда кўрсатилган кўп босқичли жараён /тафовутнинг ўткирлашишидан то янги предметни ҳосил бўлишигача/ ривожланишнинг умумий усулини, қонуниятларидан бирини ташкил қилади. Зиддиятни вужудга келиши ва ҳал қилиниши жараёни ҳар қандай ривожланиш ҳодисасида етакчи ролни ўйнашини кўзда тутиб, шу жараёни диалектиканинг умумий, универсал қонуниятларидан бири дейиш асосли бўлади.

3.3. Зиддиятларнинг турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги.

Зиддият барча предмет ва ҳодисаларга хос бўлган хислат, қандай ўзгариш ва ривожланишнинг манбаи бўлиши билан бирга, у борликда турли кўринишда намоён бўлади.

Зиддиятнинг маълум шаклда намоён бўлиши микёсига, қанчалик кенг тарқалганига қараб унинг умумий ва жузъий кўринишларини белгилаш мумкин. **У м у м и й** зиддиятга истисносиз барча соҳаларда, предмет ва ҳодисаларда вужудга келадиган ва мавжуд бўлган зиддиятлар киради. Масалан, шакл ва мазмун, айният ва тафовут, эскилик ва янгилик ўртасидаги зиддиятлар умумдиалектик зиддият турига мансубдирлар.

Ж у з ь и й зиддиятлар табиатда, жамиятда ва инсон фаолиятида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳолда мавжуддир. Табиатда – жисм ва майдон, тортилиш ва итарилиш, ассоциация /уюшиши/ ва диссоциация /ажралиш, тарқалиш/; жамиятда – зиддиятли мулкчилик муносабатлари, шахсий, гуруҳ ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги тафовут ва қарама – қаршиликлар; билиш соҳасида – амалиёт ва назария, ҳиссий ва мантикий билиш ўртасидаги зиддиятлар жузъий зиддиятлар қаторига киради.

Энди предметнинг мавжуд бўлиши ва тараққиётни белгилайдиган зиддиятларни кўриб чиқамиз.

Ички ва ташқи зиддиятлар. Ҳар қандай предметнинг ҳаракати ва ўзгаришида бирламчи ролни ички зиддиятлар ўйнайди. **И ч к и** зиддиятлар предметларнинг ўзларида вужудга келган қарама – қарши хоссаларнинг ўзаро таъсирини билдиради. Атомларда ядро билан электронлар, организмлардан ирсият билан ўзгарувчанлик, жамиятда бозор иқтисодиётининг ижобий ва салбий томонлари ўртасидаги қарама – қаршини ички зиддиятлар туркумига киради.

Ташқи муҳитнинг предметга кўрсатган таъсири ҳам маълум қарама – қаршиликларни юзага келтиради. **Т а ш қ и** зиддият предметнинг уни ўраб турган муҳит билан, муҳитдаги бошқа предметлар билан қарама – қарши муносабатда бўлишини билдиради. Бу ҳилдаги зиддият предметнинг ривожланиш учун янги имкониятлар яратиш ёки аксинча, юксалишига тўсқинлик қилиши мумкин. Буни ҳисобга олиш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Инсон ва ижтимоий уюшмаларга нисбатан ташқи зиддият ролини ўйнаган табиат билан жамият ўртасидаги қарама қаршиликларнинг таъсири баъзи ҳолларда экологик ҳалокатларда намоён бўлмоқда.

Мураккаб объектларда бир вақтнинг ўзида бир қанча зиддиятлар мавжуд бўлиши мумкин. Шу муносабат билан асосий ва асосий бўлмаган зиддиятларни фарқ қиладилар.

А с о с и й - зиддият объектнинг ҳаракати ва тараққиётида етакчи ролни ўйнайди, вужудга келишидан бошлаб бошқа объектга айлангунча амал қилади. Физик объектларда тўлқинли ва корпускуляр хоссалар ўртасидаги қарама – қаршиликлар асосий зиддият сифатида микроразрчаларнинг табиатни белгилайдилар. Ирсият билан ўзгарувчанлик ўртасидаги зиддият биологик популяциянинг тараққиётини белгилайдиган асосий зиддиятдир.

А с о с и й б ў л м а г а н зиддият ташқи ва ички омилларнинг ўзаро алоқадорлигидан, хилма – хил кучларнинг таъсиридан келиб чиққан ва иккинчи даражали ролни ўйнайдиган қарама – қаршилиқни билдиради. Экилган ўсимликка нисбатан об-хавонинг ноқулай келиши, демографик ўзгаришларнинг иқтисодий тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши асосий бўлмаган зиддиятлар қаторига киради.

Ижтимоий борлиқнинг кўп сифатли ва кўп тизимли бўлиши, моддийлик ва маънавийлик /руҳият/, иқтисодиёт, сиёсат ва турмуш тарзи ўртасидаги муносабатларнинг ғоят мураккаблиги жамиятда мавжуд бўлган зиддиятларнинг кўп хиллиги ва кўп томонламалигини белгилайди. Хусасан, жамиятда объектив ва субъектив, антагонистик ва ноантагонистик, жузъий, минтақавий /регионал/ ва ялпи зиддиятлар мавжуддир. Бу зиддиятларни кейинги параграфда кўриб чиқамиз.

Юқорида изоҳланган зиддиятлар алоҳида – алоҳида мавжуд бўлмай, балки улар бир – бирлари билан боғланган, бири иккинчисини кўринишида намоён бўлади. Айтайлик, ташқи зиддият характериға эға бўлган экологик зиддиятлар асосий бўлмаган зиддиятлардан инсоният цивилизацияси миқёсида асосий зиддиятлар қаторига кирмоқда. Ички зиддиятлар умумий ва жузъий зиддиятлар кўринишида намоён бўлиши мумкин.

3.4. Ижтимоий тараққиёт зиддиятлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ижтимоий ҳаётда ички ва ташқи зиддиятлар, ҳамда объектив ва субъектив омилларнинг бир – бириға таъсир кўрсатишлари, вақт ўтиши билан ижтимоий тизим ва структураларни ўзгариб бориши, ижтимоий – иқтисодий мутаносибликларни вужудга келиши ва кучайиши ижтимоий тараққиёт зиддиятларининг хилма – хил ва мураккаб

бўлишини белгилайди. Хусусан улар жамиятда объектив ва субъектив, антагонистик ва ноантагонистик, жузъий, регионал ва ялпи зиддиятлар кўринишида намоён бўладилар, ижтимоий тараққиёт ва ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амал қиладилар.

Жамиятда инсонларнинг хоҳиши ва иродасига боғлиқ бўлмасдан вужудга келган зиддиятларнинг мажмуи **объектив зиддиятларни** ташкил қилади. Бу асосан иқтисодиёт, ишлаб чиқариш муносабатлари, табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабати доирасида пайдо бўладиган зиддиятлардир. Ҳозирги даврда маълум бўлиб турибдики, бозор иқтисодиётига ўтиш муқаррар. «Бу – давркамри, объектив реалликдир»¹. Бу реаллик ўзига хос объектив зиддиятларни вужудга келтиради. «Бозорга, айниқса унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиш, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид ҳатти – ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир»².

Жамиятда мавжуд бўлган объектив зиддиятларни у ёки бу таълимотларда, режаларда ва дастурларда ифода этиш, шу асосда муаммоларни ҳал қилишга қаратилган услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш, воқеликни инсон онгида диалектик тарзда инъикос этиш субъектив зиддиятни келтириб чиқаради. **Субъектив зиддиятлар** – субъект, инсон томонидан борлиқни зиддиятли хислатларни диалектик билиш воситаси билан инъикос этишни, воқеликдаги қарама – қаршилиқлар келтириб чиқарган муаммоларни мураккаб ва босқичма – босқич ҳал этишни, билиш ва амалиётни ўзида зиддиятли муносабатларни пайдо бўлишини билдиради. Хусусан, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида иқтисодиёт соҳасида турли ижтимоий ва табақавий манфаатларни ифожалаган дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ қилишга ўриниш субъектив зиддиятни намоён бўлишидан дарак беради.

Республикамизда бозор иқтисодиётини қайси моделига ўтиш мақсадга мувофиқ бўлур эди? «Шок /французча – урилиш, зарба, туртиш/ терапияси» йўлими?». . . республикада бозорга ўтишнинг «шок терапияси» йўли номақбулдир. У амалда «терапияси шок» бўлиб қайтади, яъни таркиб топган барча тузилмалар, меъёрлар, алоқалар тезда барбод бўлади, бошқача айтганда, батамом емирилади»³. Шу билан бирга, бозор иқтисодиётисиз иқтисодиётни ўзини қутқариб ҳам бўлмайди. «Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбантиришни ва йўқотилган ҳужайинлик туйғусини қайта тиклайди»⁴. Шундай қилиб, пайдо бўлаётган муаммоларни киши онгида зиддиятли равишда акс этилиши /мантиқнинг қонунларни ва талаблари бузилмаган ҳолда, жонли зиддият маъносида/, бир неча альтернатив йўналишидан бирини танлаш ҳолати, инсонланг билиш фаолиятида мавжуд бўлган қарама – қарши /ақлий ва ҳиссий, назарий ва амалий, мантикий ва ғайришуурий/ восита ва услубларни ишлатилиши субъектив зиддиятни ташкил қилади.

Жузъий ва регионал зиддиятлар айрим мамлакатларда, давлатлараро уюшмаларда эски ижтимоий – иқтисодий структуралар, ҳаётдан орқада қолган мафкурага асосланган сиёсат билан янги ижтимоий манфаатлар ўртасида келиб чиққан қарама – қаршилиқлар ва номувофиқликлардан иборатдир. Бу қарама – қаршилиқлар иқтисодий, сиёсий ёки ҳудудий характерга эга бўлиши мумкин.

Глобал /ялпи/ зиддиятлар умумбашарий тараққиёт билан боғланган муаммолардан келиб чиқади. Ядровий уруш хавфини мавжудлиги, демографик силхилар, экологик номувофиқликнинг кескинлашиши, турли минтақаларда ижтимоий ва фан – техника тараққиётининг нотекис бориши глобал зиддиятларни туғдириб туради.

Антагонистик зиддиятлар манфаатлари келишмайдиган, мақсадлари турли йўналишга эга бўлган сиёсий ҳаракатлар, ижтимоий уюшмалар ўртасидаги

¹ Қаримов И.А. ЎЗБЕКИСТОНнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 44-бет.

² Ўша бет.

³ Ўша асар. 45 – бет.

⁴ Ўша асар. 43- бет.

муносабатларни ифодасидир. Шундай уюшмалар ёки муносабатлар борми? Йўқ деб бўлмаса керак. «Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади, тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кириш йўқ»¹.

Ноантагонистик зиддиятлар умумий ёки бир – бирига якин келган мақсад, орзу ва ҳаракат дастурига эга бўлган ижтимоий табақалар ва уюшмалар ўртасида тафовутни, пайдо бўлиб турадиган қарама – қаршилиқни билдиради. Бундай зиддиятларни антагонистик зиддият даражасига олиб бормасдан ўз вақтида оқилона ҳал этиш катта аҳамиятга эгадир. «... ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига ва уларни бир – бирига қарама – қарши қўйишга барҳам бериш билан янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига одамларнинг ўзини ишонтириш, ҳаракатга келтирувчи кучларни ва меҳнатнинг рағбалантирувчи омилларини ўзгартириш мумкин»².

Шундай қилиб, ижтимоий ҳаёт диалектик зиддиятларга ниҳоятда бой бўлган соҳани ташкил қилади. Вақти – вақти билан бир хил зиддиятлар тарих сахнасига чиқиб, тараққиётнинг у ёки бу йўналишини ҳаракатлантирувчи куч бўлади, бошқа хиллари эса куртак ҳолда мавжуд бўлади. Давр тақозоси билан иккинчи ёки учинчи даражали кўринган зиддиятлар биринчи ўринга чиқиб оладилар. Бундай жараёнларни асосида объектив ва субъектив омилларнинг мураккаб, зиддиятли муносабатлари ётади.

4. Инкор, синтез ва қайтарилишнинг ўзаро алоқадорлиги қонуният.

4.1. Инкор тушунчаси. Диалектик инкор.

Диалектика категориялари ва қонуниятларини таҳлил қилишда у ёки бу шаклда инкорга оид тасаввур ва ҳуққига дуч келамиз. Бунинг сабаби шуки ҳар қандай инкорнинг заминиди тафовут, қарама – қаршилиқ ва зиддият ётади. Фақат шаклан ва мазмунан бир хил бўлган объектлар, хоссалар ўртасида инкор муносабати бўлмаслиги мумкин.

Кундалик ҳаётда «инкор» тушунчасини «йўқ», «қарши чиқиш», «эътироз билдириш» сўзлари билан боғлаймиз. Фалсафада бу тушунча категория даражасига кўтаришган бўлиб, кенг ва чуқур мазмунга эгадир.

И н к о р – тафовут ва зиддият асосида нарса ва ҳодисалар ўртасида истисно этиш ҳолатини, шу ҳолатнинг вужудга келишини билдиради. Ўзаро истисно этиш лаҳзаси бир предметнинг бошқа предмет томонидан инкор қилиниши муносабатини келтириб чиқаради. Манфий зарядга эга бўлган электрон билан атом ядроси орасидаги масофа қисқарганда улар ўртасида бир – бирини истисно этиш, яъни инкор қилиш ҳолати юзага келади. Ижтимоий ҳаётда бундай ҳолат /инкорли муносабат/ қарама – қарши ёки номутаносиб бўлган мақсад ва манфаатларга эга бўлган кишилар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги, мулоқот, алоқалар доирасида вужудга келади.

Ҳар қандай ҳаракатда, ўзгаришда инкор лаҳзаси мавжуд. Бундай лаҳза ҳаракат ва ўзгариш жараёнида тафовут ва қарама – қарши ҳолат ёки хоссани пайдо бўлишидан келиб чиқади. Молекуляр ҳаракатнинг тезлигини ошиши, улар ўртасидаги тўқнашувни кўпайиши ва жадаллашиши жисмнинг иссиқлик даражасини кўтарилишига, оқибатда олдинги ҳолатини инкор қилишга олиб келади. Ўз навбатида бу ҳодиса кимёвий реакцияларни содир бўлишига, жисмни олдинги тузилишини инкор қилувчи мураккаб кимёвий бирикмани вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Демак, бир томондан ҳаракат, ўзгариш ўзларида инкор лаҳзасини /муносабатини/ сақлайдилар, иккинчидан, шу инкорни ўзи кейинги ўзгариш ва ривожланиш учун шарт-шароит яратади.

Инкор ривожланишнинг шarti ва лаҳзаси деб қараш «диалектик инкор» тушунчасини шаклланишга олиб келади. **Диалектик инкор** ички ва ташқи алоқадорлик ва боғланиш таъсирида у ёки бу предметнинг сифатини ўзгарган ҳолатга, шароитга жавоб бермай эскириб йўқола бориши ва, айти пайтда, истисно этилаётган

¹ Ўша асар. 26 – бет.

² Ўша асар. 10 – бет.

предметнинг кучини, аҳамиятини йўқотмаган хислатларини сақланишини ва янги сифатга ўтишини ифода қиладиган тушунчадир. Диалектик инкор икки хусусиятга эга: 1/ инкор ривожланишнинг шартини ва лаҳзасидир; 2/ инкор орқали ривожланиб пайдо бўлаётган янги предметда олдинги предметнинг айрим /эски/ элементлари ва функциялари сақланади ва, шунинг натижасида, эскини янги билан боғловчи бўгин ҳосил бўлади.

Метафизик тарзда фикрловчи кишилар инкорни суриб ташлаш, улоктириш, йўқ қилиш маъносида тушунадилар. Бундай ҳолат фан ва амалиётда кўплаб учраб туради. Албатта бундай фикрлашни асосида ижтимоий – сиёсий ва мафкуравий манфаатлар ётишини кўзда тутиш керак. Айтайлик, айрим жамоатчилик доиралари /олимлар, сиёсий арбоблар, руҳонийлар/ томонидан дарвинизм таълимотига, Эйнштейннинг нисбийлик назариясига, СССРда биологияда генделизм ва морганизм таълимотига, «реакцион маданият» га қарши кураш шиори остида Наврўз байрамига билдирилган кескин салбий муносабат шундан далолат беради.

4.2. Инкорнинг турлари.

Диалектик инкорнинг моҳиятини тушунишда инкорнинг хилларини, турларини аниқлаш муҳим назарий ва услубий аҳамиятга эгадир. Тўғри, баъзи - бир дарсликларда инкорни турлари ҳақидаги концепция инобатга олинмасдан, асосан диалектик инкор лаҳзаларига кўпроқ эътибор берилмоқда. Шунга кўра, диалектик инкор деструкция, кумуляция ва конструкциядан иборат бўлган бир – бутун жараёндир деган ғоя таъкидланмоқда¹. Бу ерда белгиланган иккинчи ва учинчи лаҳзалар, аниқроғи, уларга берилган изоҳ эътироз туғдиради. Хусусан, кумуляция /лат. кўпайиш, йиғилиш/ мазмунан микдор ўзгаришни, яъни, кўпайиш, ўсиш ва орттиришни билдиради. Манна шуни ҳисобга олиб кумуляцияни сақланиш ва ворисликни намоён этадиган жараён деб белгилаш тўғри бўлмаса керак. Конструкция эса муаллифлар ўйлаганларидек фақат янгиланишни, янги қурилмани ифода этмасдан, балки ҳар қандай предметни шаклланишини, қурилишини билдиради. Ўз ҳаракатини ўзи ташкил қилувчи тизимларда конструкция албатта янги қурилмани ҳосил қилмасдан, эски тузилмани қайта тиклашга олиб келиши мумкин.

Юқорида келтирилган мулоҳазани назарда тутиб, инкор жараёнининг турлари мавжудлиги, уларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятга эга эканлиги ҳақидаги тасаввурларни ишлаб чиқиш афзалроқ кўринади.

Инкор ўзгаришга олиб борадиган жараёндир. Ўзгариш сингари инкор турли шакл ва йўналишлар орқали ўзини намоён қилади. Инкорни таснифлаш ҳали дуруст таҳлил қилинмаган муаммодир. Айрим муаллифлар тараққиётнинг ҳар хил босқичида намоён бўладиган диалектик инкор учта турга бўлинади деган фикрга келишмоқда. Ю.А.Хариннинг айтишига қараганда, булар деструкция, олиб ташлаш орқали янгиланиш ва трансформациядир.

Д е с т р у к ц и я /лат. бузилиш, емирилиш/ - маълум даражада такомиллашган объектнинг соддаланиши, структурасининг бузилиши, тараққиёти тўхтаб таназзулга учрашиши шаклида намоён бўлади. Бу хилдари инкор «бузилиш», «парчаланиш», «портлаш», «емирилиш», «йўқ бўлиш», «таназзул», «инқироз» атамаларида ўз ифодасини топган. Деструкция инкор борлиқдаги моддий ва маънавий тизимларни ривожланишининг қонуний босқичини ташкил қиладилар. Тўғри, деструкциянинг маълум конкрет кўриниши, ходисаси тасодифий жараён сифатида пайдо бўлиши мумкин. Кўплаб ҳалокатлар, фожиалар, емирилишлар табиатда ва жамиятда шу тарзда содир бўлади. Айни пайтда, ҳар қандай деструкция ижобийлик, яъни кейинги тараққиёт учун замин тайёрлаши мумкин. Биз, масалан, донни янчиб, уни унга айлантиришимиз мумкин. Бундай деструктив инкордан кейин дон биологик хусусиятини йўқотади, ривожланиш имкониятидан маҳрум бўлади. Лекин, дон изсиз йўқолиб кетмайди. Ҳосил бўлган ун кишиларнинг ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлиб қолади. Космология фанида аниқлашча, коинотнинг эволюцияси давомида турли ҳол ностационар объектларда юз берадиган портлаш,

¹ Қаранг: Введение в философию. Часть 2. М., 1989. С. 168-169.

парчаланиш каби ҳодисалар оламдаги жараёнларнинг тараққиётга қаратилган қонуни босқичини ташкил қиладилар. Деструктив ҳодисалар «умрини тугатган» объектларнинг емирилиши, йўқолиши, парчаланиши каби жараёнлар орқали яна ҳам юқорироқ даражада турган тизимларнинг пайдо бўлиши учун замин яратадилар.

Олиб ташлаш орқали янгиланишда деструкциядан фарқлироқ, инкор қилиш жараёнида у ёки бу тизимнинг баъзи хоссалари, элементлари сақланади, баошқари алмаштирилади, бекор қилинади, йўқолади. Тараққиётга мойил элементлари ва қисмлари эса янгиланади. Шу йўл билан тизим ўзини бир – бутунлигини сақлаган ҳолда тараққий қилиб бораверади. Демак, бундай инкор тараққиёт жараёнини тўхтамасдан давом эттираётган табиат ва жамиятдаги тизимларга хосдир. Бунда турли хил моддий ва маънавий, ижтимоий ва иқтисодий структуралар ва тизимлар инкор орқали янгиланиш туфайли тараққиётнинг қуйи босқичидан юқори босқичига кўтарилади.

Трансформация /лат. қайта ўзгариш, ўзгартириб юбориш, айлантириш/ - ривожланишга олиб борадиган шундай инкорки, унда объект, тизим ўз асосларини сақлаган ҳолда сифат жиҳатдан ўзгарадилар, бир хил тизимдан иккинчи тизимга ўтиш содир бўлади. Бу типдаги инкор тараққиёт эмас, балки сакраш йўли билан туб ўзгаришга, ривожланишга олиб келадиган жараёндир. Агар олиб ташлаш орқали янгиланишда тизим тузатилса, «таъмирланса», трансформацияли инкорда объект олдинги ҳолати, сифатига тафовутда, ҳатто, қарама – қарши сифатга эга бўлган янги айланади. Собиқ СССРда қайта кўриш даврида олдин мавжуд бўлган тоталитар тузумни «таъмирлаб» демократик социализмга айлантириш режаси қабул қилинган эди. Лекин, юз берган инқироз шу қадар чуқур бўлганки, деструктив жараёнлар жуда кенг миқёсда тарқалган эканки, натижада, қўйилган мақсад амалга ошмади, собиқ СССР ҳудудида тизими сифат жиҳатдан туб фарқ қиладиган мустақил давлатлар вужудга келди.

4.3. Инкорни инкор ва синтез

Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш рўй бераётган сон – саноксиз ўзгаришларнинг бита лаҳзасини ташкил қилади, алоқалар занжирининг бир бўғинини ифода қилади. Ҳолатнинг ўзгариши эса истисно этиш лаҳзасини /предметнинг олдинги ҳолати ёки хоссасидан фарқ қилувчи ва ўзида тафовутни сақлаган белгини/, биринчи инкорни юзага келтиради. Мураккаб, кўп тизимли объектларда истисно лаҳзасида ўз ифодасини топган зиддиятнинг ҳал бўлиши шундай ҳолатни келтириб чиқарадики, у предметнинг дастлабки ҳолатидан ҳам, биринчи инкорда намоён бўлган хислатдан ҳам фарқ қилади. Яъни, биринчи инкорда вужудга келган зиддиятнинг ҳал қилиш иккинчи инкорда юзага келган бошқа зиддиятнинг келтириб чиқаради. Иккинчи инкор лаҳзасида пайдо бўлган зиддиятнинг ҳал қилиниши, олдинги лаҳзада тўпланган ўзгаришларнинг якуни кўринишида, янги сифатнинг шаклланишига олиб келади. Айни пайтда биринчи инкор учун замин бўлган асосни баъзи бир хислатлари /қучини ёки аҳамиятини йўқотмаган хоссалар, функциялар/ қайтарилади, тикланади.

Инкорнинг кўп лаҳзали жараён эканлигини англаган Гегель тараққиётнинг бир неча босқичли занжирга ўхшатди ва бу босқичларни «триада» шаклида ифодалаб берди. Гегельни фикрича, мутлақ ғоя триада /учлик/ шаклида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиб ривожланади. Тезис ва антитезис ўртасидаги зиддиятнинг ҳал қўйилиниши синтезга олиб келади. Синтез /учинчи босқич/ иккинчи босқичнинг инкори, биринчи босқичга нисбатан эса инкорни инкор сифатида намоён бўлади. Гегель триада шаклида намоён бўладиган, кўп босқичли инкорни инкор жараёнини мутлақ руҳнинг ривожланиш қонуни деб билди.

Борлиқда инкор қилиш жараёнлари ва лаҳзалари сон – саноксиз ўзгаришлар ва истисно этишлар орқали юзага келади. Чегараланган доирада ҳаракат ва тараққиёт қилаётган бир – бутун объектларда инкор лаҳзалари тафовут, қарама – қаршилиқ ва зиддиятларнинг томни /оқибати, натижаси/ сифатида маълум кетма – кетлик, босқичма – босқич кўринишида содир бўлади. Қуёш системаси, пленетелар, жонли табиотдаги популяциялар /ўсимликлар, микроорганизмлар, ҳайвонлар, уюшмаси/, инсон, жамият,

маънавият оламни шундай объектлар қаторига киради. Бу объектларда инкор муносабати бир онда пайдо бўлиб йўқолиб кетадиган лаҳза эмас, балки «умрини тугатаётган» ва Янги вужудга келаётган қарама – қарши хоссалар ўртасидаги истисно этиш муносабати ва жараёнларни, бир – бирига айланиш ва синтезни /бирикишни, уюштишни/ ўз ичига олади. «Инкорни инкор» ибораси анна шу мураккаб кўп босқичли муносабат ва жараёнларни кетма – кетлигини, бир – бири билан ўрин алмаштиришларини, бир – бирлари билан бирикишларини ифода этади.

Фазо ва вақтнинг маълум оралиғидатариккий қилаётган объектларга пайдо бўладиган тафовутлар, хусусан, тирик мавжудотларда ирсият, ўзгарувчанлик а ташки муҳит, жамиятда мулкчилик ва ижтимоий – сиёсий муносабатларнинг хусусиятидан келиб чиқадиган гуруҳ, табақа ва давлат манфаатлари, маънавиятда турли ғоялар ўртасида вужудга келадиган қарама – қаршиликлар ўзаро истисно этиш ҳаракатини, биринчи инкорни юзага келтирадилар. Қарама – қарши омиллар, кучлар ва томонларнинг ўзаро таъсиридан ҳосил бўлган зиддиятларни ҳал қилиниши иккинчи инкор босқичинини мазмунини ташкил қилади. Вужудга келган янги предмет биринчи инкор учун асос бўлиб хизмат қилган эски предметдан туб фарқ қилиши билан бирга, унинг айрим хислатларини ўзига ўтказди, яъни синтез ва қайтарилиш /ворислик/ жараёнлари содир бўлади. Айтайлик, тоталитар тузумни ўзида мужассамлантирган собиқ СССР инқилобдан олдин Марказий Осиёда мавжуд бўлган ижтимоий – иқтисодий тизимни инкори сифатида бунёдга келди. Мустақилликка эришган Ўзбекистан тоталитар тузумнинг ижтимоий – иқтисодий негизи инкор қилинаётган экан, айтилган вақтда, Совет ҳокимияти тузуми даврида қўлга кикритилган тажрибани сақлаб, янги шароитга ўтказилмоқда /синтез/, туб ўзгаришлар жорий қилинмоқда /ривожланиш/ ва инқилобдан олдин Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган айрим ижтимоий – иқтисодий хислатлар /кўп хил мулкчилик, бозор иқтисодиёти, шарқона маънавият ва удумларни тикланиши ва жоелаштирилиши, бошқаришда ҳокимлик тамойилини татбиқ қилиш ва ҳоказолар/ юқори поҳонада қайтарилмоқда /ворислик содир бўлмоқда/. Демак, «иккинчи инкор» босқичининг хусусияти – бу синтез ва қайтарилиш /ворислик/ экан.

Синтезсиз инкор объектни таназзулга олиб келади. Ўз навбатида инкор ўз ичига олмаган синтез ривожланишни юзага келтирилмайди, у шунчаки содда бирикмани, йиғиндини ҳосил қилади. Шундай қилиб, янги предметнинг пайдо бўлишини инкор билан синтезнинг боғланиши белгилайди.

Инкор, синтез ва қайтарилиш /ворислик/, улар ўртасидаги алоқадорлик табиат, жамият ва маънавият соҳаларида кенг ва зарурият тарзида намоён бўлгани учун қонуният кучига эгадир. Бу ерда яна шуни таъкидлаш жоизки инкор, синтез ва қайтарилиш /ворислик/ ўртасидаги алоқадорлик қонунияти ҳар қандай нарса ва ҳодисага нисбатан эмас, балки ўз ҳаракати ва мавжудлигини ўзи ташкил қиладиган бутун ривожланаётган ва тараққий қилаётган мураккаб, кўп сифатли ва тизимли объектларга ҳосдир.

4.4. Ривожланишнинг спиралсимон хусусияти. Тараққиётда ворислик.

Инкор, синтез ва ворислик /қайтарилиш/ ўртасидаги алоқадорлик туафйли содир бўладиган ўзгариш ривожланишнинг маълум томонга йўналтирилганлигини белгилайди. Бу йўналиш мураккаб жараёнларни мажмуидан ҳосил бўлиб, улар юксалишни, нотекис ҳаракат қилишни, тисланишни /тисарилишни/ ўз ичига олади.

Қуйидан юқорига, кам такомиллашган тизимдан кўп томонлама такомиллашган янги тизимга ўтиш жараёнларини тасвирлаш учун айрим файласуфлар «спиралсимон ривожланиш» моделини /умумлаштирилган образли тасвирни/ ишлатадилар.

Қонуниятнинг амал қилиши тўғри юксалиб боровчи чизик эмас балки айлана чизик шаклида ифодаланиб, унда охириги нуқта бошланғич нуқтага дуч келади. Нуқталарнинг дуч келиши тепа поҳонада содир бўлгани учун ривожланиш спирал «кўринишга» эгадир.

Бундай моделша ҳар бир доира ва ўрам ривожланишнинг юқорироқ даражасини билдиради.

Инкорни инкор жараёнларининг занжирини ташкил қилган доиралар ва ўрамларнинг кетма – кетлигини ифода қилган спирал чизма образ эканлигини кўзда тутиш керак. Лекин бу образда қонуниятнинг юксалиш ва қайтарилиш хусусияти маълум аниқлик даражаси билан ифодаланган.

«Спиралсимон» ривожланишга юксалиш чизиги докрани чизиги билан бирлашади. Бунда юксалиш кетма – кет инкор орқали янги нарсанинг вужудга келишини билдирса, айланиб келиш /қайтарилиш/инкор қилинаётган предмет билан Янги нарса ўртасида изчил боғлиқни (ворисликни) мавжудлигини ифодалайди. Моддий ва маънавий объектлар тараққиётида намоён бўладиган ворислик маълум лаҳзада вужудга келган янги предмет, унинг у ёки бу хислатини «умри тугаб» инкор қилингандан кейин ҳам изсиз йўқолиб кетмаслигини кўрсатади.

Изчил боғлиқлик, ворислик диалектик инкорнинг муҳим хислатидир. Бунда олдинги босқичдан, сифатдан айрим элементлар, хоссалар янги шаклланаётган предмет таркибига кўпроқ ёки камроқ ўзгартирилган ҳолда ўтади.

Мураккаб тизимли объектларда эски ва янги хислатлар, томонлар ўртасидаги ворислик маълум структуралар ва механизмлар воситаси билан таъминланади. Ўсимликлар, микроорганизмлар ва ҳашаротларда ирсият механизм, ҳайвонларда нерв ва психик тизимлар, жамиятда турли ижтимоий – иқтисодий тузилмалар ва уюшмалар шулар жумласига киради. Уларнинг узлуксиз ҳаракати ва ўзгариши лаҳзаларида инкор ва ворисликни узвий алоқадорлиги намоён бўлади, функцияси ва кучини йўқотган хосса ва хислатлар бартараф этилиб, янги сифатга эга бўлган предмет, объект шаклланади, трансформация жараёни содир бўлади.

Ижтимоий тараққиётда инкор билан ворислик ўртасидаги боғланиш ўзига хос шаклда намоён бўлади. Бу ҳол жамиятда мавжуд бўлган объектив ва субъектив омилларнинг, маънавий, қадриятлар ва анъаналарнинг таъсиридан келиб чиқади.

Шундай қилиб, инкор, синтез ва ворислик, улар ўртасидаги алоқадорлик ва боғланиш мураккаб тизимларда, моддий ва маънавий соҳаларда содир бўладиган, ўз ичига юксалиш ва қайтарилиш жараёнларини оладиган ривожланиш қонуниятини амал қилишини намоён этадилар, ривожланиш ва тараққиётнинг маълум йўналишга эга эканлигини кўрсатадилар. Янгиликни ҳосил қиладиган юксалиш ва қайтарилишнинг баъзи ўрамларида фақат ижобий эмас, балки салбий ходиса, орқага тисарилиш юз бериши мумкин. Инкорларнинг кетма – кет ва босқичма – босқич намоён бўлишининг умумий натижаси эса ривожланиш, янги сифатда эга бўлган предметлар, объектлар ва тизимларни вужудга келиши билан яқунланади, кейинги тараққиётга ва истисно этиш жараёнларига асос солинади.

V- БОБ. БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

I. Билиш ва илмий билиш.

1. Билиш тушунчаси.

Билиш инсонга хос бўлган хусусиятлардан бири. Яъни энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Билиш кишининг борлиққа бўлган муносабатини билдиради. Инсон билиш хусусияти орқали воқеликни ўзлаштиради, маълумки воқелик икки хилда мавжуд бири моддий иккинчиси маънавий дир. Шунга кўра инсоннинг билиш хусусияти иккига бўлинади. Моддий ва маънавий ўзлаштириш.

Билиш жараёни инсоннинг воқеликка бўлган муносабати орқали амалга ошади, бу муносабот воиз, сабаб туфайли унинг маълум фаолияти амалга ошади яъни илмий эстетик фаолият ва шу кабилар. Билиш воқеликнинг инсон онгида иникос этиши дир шу асосда объектларнинг хоссалари белгилари ва моҳиятини ифода этадигантасоввурлар, тушунчалар, ғоялар ва назарияларни ишлаб чиқариш жараёнидир.

Билиш инсон фаолиятининг кўринишларидан бири сифатида бу фаолият натижасида билимлар ҳосил бўлади демак, билиш воқеликни англаш жараёни билим эса шу жараённинг оқибати.

Жамиятнинг иқтисодий ижтимоий, ва маънавий маъданий тараққиёти жараёнида билиш ихтисослашган фаолият турига айланади. У кўп тур ва макилларга бўлиниб кетади. Масалан бадий, ахлоқий, касбий, табиий ва бошқа билиш турларига бўлиниб кетади.

2. Илмий билиш.

Илмий билиш ихтисослашган маънавий назарий фаолиятдир. У ижтимоий институт бўлган фаннинг асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Фаннинг энг муҳим функцияларидан бири ўзини муассасаларидан илмий билишни тўхтовсиз ишлаб чиқариш ва ривожлантиришдир. Илмий билиш ўзи нима? Илмий билиш табиат, жамият ва инсон ҳақида чуқур моҳиятли баларида тасдиқланган билимлар ишлаб чиқариш фаолиятидир.

Билимни илмий қиладиган унга илмийлик хусусиятини берадиган жиҳат бу тадқиқотда илмий рационаллик стандартларига риоя қилиш. Бу эса олим фаолиятини маълум талаблар доирасига солади илмий жамоатчилик томонидан тасдиқланган талаб ва меъёрларга таяниб иш кўришга мажбур этади.

Ихтисослашган фаолият тури сифатида илмий билиш бир қанча хусусиятларга эга: илмий билишнинг қуйидаги вазифалари табиий ижтимоий, рухий маънавий хоссалари моҳияти ва қонуниятларини очиб бериш. Бу вазифани бажариш учун олим бир қанча махсус тушунчалар тамойиллар, ва тадқиқот усуллари ишлаб чиқиш керак.

Табиат ва жамият риоя қиладиган алоқадорликлар ва қонуниятларини амал қилишни тадқиқотчи башорат қилиш имкониятларини берадиган назарияларни яратади.

Илмий билиш ҳам тизимли характерга эга илмий билишга хос бўлган хусусиятлардан яна бири методологик рефлексиялардир. Яъни тадқиқот соҳасида қўлланаётган тамойиллар ва усуллар вақти – вақти билан танқидий таҳлилдан ўтказилади.

Илмий билишнинг асосий мақсади объектив ҳақиқатга эришишдир бунинг учун бир қатор тадқиқот усуллари воситалари бир қатор риционал ва норационал билиш масалалари ишга солинади. Илмий билиш учун исботлаш тасдиқлаш тадқиқот натижаларининг асосланганлиги ҳулосаларининг ишончли бўлиши аҳамиятлидир. Илмий билиш доимо янги ғоялар, тасоввурлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган фаолиятдир. Илмий билиш фаолияти фан тизимли доирасида амалга оширилади. Фан билиш фаолиятининг махсус ихтисослашган соҳси бўлиб цивилизациянинг маълум босқичида вужудга келди. Бунинг биринчи омили жисмоний меҳнатдан ақлий меҳнатнинг ажралиб чиқишдир. Энди билиш

фаолияти махсус тайёргарлик кўрган гуруҳ кишилар томонидан амалга ошириладиган бўлди. Фанда билишнинг турли воситалари усуллари ишлаб чиқиладиган бўлади.

Фан доирасида илмий иш олиб бориб олимлар борлиқдаги турли хоссалар воқеа – ҳодисалар белгилайдиган қонунлар ва қонуниятларни кашф қила бошлайди.

Билиш фаолиятимизнинг муҳим унсурларидан бири жон билиш инсон ва борлиқ воқеалар ў ўртасидаги ўзаро муносабат ва таъсир жараёни билиш инсонга хос хусусиятнинг бир тури сифатида. Инсон ўз меҳнати билан муҳим ўзгартиришга билимга тампинади. Илк замонлардан бери табиат инсонга воқеалар муаммолар ўзгаришлар беради.

Билиш фаолияти ривожланиб боровчи жараён ҳисобланади билиш фаолияти самарадорлиги оширишдиган қуроллар ўзгариб боради. Маълум босқичида фан ёки илмий билиш вужудга келган.

Билиш инсоннинг воқеалар ҳақидаги тасаввурлар, ғоялар, концепциялар ишлаб чиқишга қаратилган фаолиятдир. Илмий билишнинг тури. Билиш илмий билиш бу гносеологик тушунчалар гносеологик воқеалар билиш ўрганиш фаолияти, илмий тадқиқот тушунчаси билим тушунчасига билиш илмий билиш, илмий тадқиқот билим кенгрок илмий билиш ҳам кенгрок бўлиб илмий тадқиқот аралашмайди.

Илмий тадқиқот янги билимларни ишлаб чиқишга қаратилган билиш фаолиятининг туридир. Илмий тадқиқот ўзгарувчан жамият потенциалига боғлиқ, илмий тадқиқот фаннинг ўзогидир. Илмий тадқиқот тобора яқиллашиб боровчи илмий фаолиятди.

Илмий тадқиқот структураси. Бу тушунча бўйича икки хил ёндашув бор. Кўра структуравий ёндашув структуравий гносеологик бу ёндашувга кўра ИТС си объект ва субъект оралиғида қойилган илмий тадқиқот структурасидан иборат бўлган структура.

Билиш воситалар: эксперимент ва олиб боришга имконият берадиган асбоблар, қуроллар ва мосламалар. Иккинчи ёндашувда тадқиқот фаолиятининг унсурлари ва бошлик босқичлари назарда тутилади.

II. Билишнинг даражалари ва шакллари.

1. Билишнинг даражалари

Эмпирик ёки ҳиссий – тажрибавий даражада жонли мушоҳада, ҳиссий билиш бирламчи роль уйнайди.

Фактларни йиғиш, уларни тафсилотни бери шва бирламчи умумлаштириш. Кузатиш ва эксперимент материалларни тартибга солиш, таснифлаш ва тавсифлаш эмпирик билишнинг асосий белгилари ҳисобланади.

Мазкур даражада тадқиқ қилинаётган объектнинг ташки белгилари ўзгарувчан хоссалари, жонли мушоҳада қилса бўладиган томонлари ва алоқалари интикос этилади.

Объект бевосита, оралиқ бугинларсиз тадқиқ қилинади. Бунда билиш таққослаш, улчаш, кузатиш, эксперимент, фактларни туплаш, тартиблаш ва таснифлаш каби усуллар ва воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Назарий билиш даражасида ақл, тушунчалар, тамоиллар, назариялар каби тафаккур шакиллари билан ишлаш устувор тадқиқот фаолиятига айланади. Ҳиссий билиш баргараф этилмайди, лекин у ақлий тафаккур учун эмпирик, ҳиссий – тажрибавий замин бўлиб қолади.

Назарий билишда объектнинг ички хоссалари ва қонуниятлари ўрганилади, бевосита ҳиссий идрок қилиб бўлмайдиган томонлар, қонунлар, алоқадорликлар кашф этилади, тушунтирилади. Бунда эмпирик даражада олинган фактлар, маълумотлар ва билимлар тафаккур, унинг шакиллари бўлган тушунчалар ва тамоиллар орқали таҳлил қилинади, умумлаштирилади, объектдаги хоссалар тушунтирилади, қонунлар ва қонуниятлар кашф этилади. Шу йўсинда Архимед қонуни, бей – люссак қонуни Кулон қонуни очилган, уларнинг моҳияти тушунтирилади. Назарий билим тафаккур орқали амалга оширилади.

Тафаккурни ўзи нима? Тафаккур – бу ўрганилаётган объектнинг хоссалари ва қонуниятларини тушунчалар, тамоиллар ва аксиомалар бўлган абстракциялар орқали умумлаштирилган ва билвосита интиқос этиш жараёнидир.

Бу жараёни мазмуни нимадан иборат?

Тафаккурда биз объектнинг белгилари ва хоссаларини идрок қиламиз, ҳосил бўлган образларни ёки илмий фактларни таҳлил қиламиз, бир – бирлари билан таққослаймиз, улар ўртасидаги ухшашлик ёки муносабатни умумлаштираемиз, кейинчалик объектларга ҳос бўлган алоқадорлик, боғланиш, қонун ёки қонуниятларни очамиз, кашф этамиз.

Тадқиқот жараёнида тафаккур икки хил амални – тушуниш ва тушунтиришни бажаради.

Тушуниш бирон – бир нарсани маъносига етиш, нарса ва ҳодисани ифодалаган ҳоссага, белгига маъно бериш ёки аксинча, маъно олишдир. Бунда кўп оралиқ мантиқий буғинлар қисқарилади, объект ёки унинг хоссалари бир бутунлигича маъно қуринишида қабул қилинади.

Тушунишда объектнинг характер бир хоссаси, томони таҳлил қилинмайди, балки бир – бутун идрок қилиниб, муаммони қуйиш, бир хоссани кўриб чиқишдан иккинчисига ўтиш, бирон – бир ғояни янги тасаввур сифатида исботсиз олға сўриш каби операциялар амалга оширилади.

Мулоҳаза маънодан – маънога сакраш орқали содир бўлиб, унда ҳар бир гап, ҳукм асосланмайди, исботланмайди.

Қачонки олға сўрилган ғоя ёки тасаввур, фикр исботга муҳтож бўлса, унда тушунтириш амалга оширилади. Тушунтириш илмий билишни механизм ёки қуриниши сифатида нарса ва ҳодисалардаги хоссалар ва қонуниятларни очиқ беради, уларнинг сабаблари қурсатилади, мантиқан асосланади. Бундан мантиқ қонунлари тўла амал қилинади.

Тушунтириш – мулоҳаза юритишдир. Мулоҳаза юритиш жараёнида мантиқ қонунларига риоя қилинади, олға сурилган ғоя, фикр исботланади.

2. Билишнинг шакллари.

Тушуниш ва тушунтириш механизмлари орқали назарий билишнинг шакллари муаммо, ғоя, гипотеза ва назария ишлаб чиқилади.

Илмий тадқиқотнинг ижодий томони олимнинг муаммо, ундан келиб чиқадиган масалалар ва саволларни қуйиш қобилиятида намоён бўлади.

Айтиш мумкин – ки, илмий тадқиқот муаммони қуйишдан бошланади.

Кенг маънода муаммо ҳал қилиниши керак бўлган мураккаб назарий ёки амалий масаладир.

Муаммони куя билиш керак, яъни биз ҳозирча билмаган нарса ҳақида билим ишлаб чиқишимиз лозим.

Илмий тадқиқот ижодиёт яъни нарсани яратиш сифатида муаммони қуйиш ва ҳил қилиш билан боғлангандир.

Ҳар қандай муаммони ҳал қилиш бу билимларда номуаянликни камайтиришга олиб келадиган бир қатор изчил, ўзаро боғланган кадамлар сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Муаммони вужудга келиши, унинг хусусиятлари (долзарблиги, янгилиги, кенг қамровлиги, чуқурлиги ва ҳоказолар) олдинги билимлар, одмалардаги ижтимоий ва ғносеологик (билиш) эҳтиёжлари билан белгиланади.

Лекин, ҳар қандай илмий деб ҳисобланган муаммолар долзарб, моҳиятли ва муҳим бўлавермайди. Сохта, аслида ноилмий бўлган муаммоларни ҳам қуйишади, ишлабчиқишади. Масалан, Киме фанида бўлган флогистонни тадқиқ қилиш муаммосидир. Лавуазье табиатда ҳеч қандай флогистонни йўқлигини аниқлаб беради. Ҳуди шундай энергия олмасдан мангу ишлайдиган двигателни яратиш муаммоси ечимини топмайдиган масала эканлиги аён бўлди.

Илмий ижодиёт жараёнида ҳақиқий муаммолар сохта муаммолардан ажратиб олинади. Бунда шакл ёки мазмунга қараб миёрий курсатқичлар икки гуруҳга бўлинадилар.

Шаклий меёрлар – тил қоидалари ва талаблари, муаммони баён қилиш, белгилаш тарзи (стили):

- 1) қайтаришлар ва тавтологияларга йўл қуймаслик, матинни умумий сўзлар ва рақамлар билан тулдириб юбормаслик;
- 2) шартли белгилар бирлигини сақлаш;
- 3) ностандарт белгилар ва бирликларни ишлатмаслик;

Мазмунга оид меёрлар;

- 1) ҳукм ва мулоҳазаларни чин бўлиши;
- 2) фикр ва муаммони аниқ, равшан ифодалаш;
- 3) татбиқ қилинаётган воситалар ва усулларни тадқиқотнинг мақсади ва натижасига зид келмаслиги;
- 4) муаммони масала ва вазифаларга айлантиришда изчиллик талаби қондирилиш лозим;
- 5) натижани текшириб қўришни ишончли усулини мавжуд бўлиши.

Мазкур қоида ва талабалардан қўриниб турибдики, тадқиқотни бошланиши сифат жихатидан қандай бўлса, унинг натижаси ҳам шундай бўлади.

Илмий билишнинг яна бир муҳим шакли ғоядир. Ғоя нима? Ғоя интуитив (ногахон) равишда ҳосил бўладиган, ақлан англаниладиган, илмий фараз ва назарияларнинг асосини ташкил қиладиган билиш шакли бўлиб, у масалани қуйиш, тажрибавий маълумотларни умумлаштириш, мураккаб муаммоли вазиятни тушуниш ва тушунтириш имкониятини беради.

Ғояни асосий вазифаси ўрганилаётган нарсанинг хоссаларини тушунтириб бериш, тушунишга ёрдам беришдир. Ғоя руҳиятда янги фикр тарзида туғилади.

Пайдо бўлиш жихатдан ғоя ижодий тафаккурни ҳосиласидир. Ҳар қандай янги фикр, фараз, муаммони қуйилиши ва ечимини ғоя шаклида вужудга келади.

Илмий муаммо устида ишлашни боғланиш босқичида ғоя гипотеза – илмий фараз шаклида вужудга келиши мумкин. Гипотезани ўзи нима?

Гипотеза исботлаш керак бўлган, ўрганилаётган предмет хусусида чекланган фактлар асосида қилинган фараз, тахминий фикрдир. Ҳақиқий илмий гипотеза бир қатор талабларга жавоб бериши лозим. Булар қуйидагилардан иборатдир:

- 1) фанда олдин кашф этилган қонунларга зид келмаслиги лозим;
- 2) гипотеза чекланган доирада бўлса ҳам фактик материалларга мос келиши керак;
- 3) гипотеза шаклий – мантиқий зиддиятлардан холи бўлиши лозим;
- 4) гипотеза тасдиқлаш ёки рад этилиши имкониятига эга бўлиши керак.

Кейинги тадқиқотда янги фактлар йиғилади, умумлаштирилади. Натижада гипотеза тасдиқланади ёки тасдиқланмаслиги ҳам мумкин. Тасдиқланган ҳолда гипотеза объектни тушунтириб берадиган, назарияни қисмига фан қонунига ёки назарий тамоилга айланади. Мазкур жараёни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Ғоя → гипотеза → <гипотеза гипотеза + фактлар> + қонунлар (аксиома, тамоиллар) назария. Илмий тадқиқотнинг энг муҳим натижаси назариядир. Моҳиятан назария объектларининг сабабий қонуниятлари, хоссалари ва функцияларини тушунтириб берадиган ғоялар, қонунлар, тамоиллар ва тушунчалар (тасаввурлар) тизимидир.

Назарияни кенг ва тор талқини мавжуд. Кенг маънода назария бирон – бир ходиса ёки воқеликни тасвирлаб берадиган, тушунтирадиган ғоялар ва тасаввулар тизимини билдиради. Бундай турдаги назария нафақат фанда, балки ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида, масалан, ҳуқуқий ва сиёсий онгда, илоҳиётда, мафкурада яратилиши мумкин.

Тор маънода назария нарса ва ходисалар моҳиятини очиб берадиган, уларнинг сабабий қонуниятлари ва хоссаларини тушунтириб берадиган. Факт ва тажрибага таянадиган тушунчалар, қонунлар ва тамоиллар тизимини билдиради.

Назариянинг етуқлиги унинг тажриба билан боғланганлиги, фактларни тушунтириб бериш қобилияти, билиш олдида қуйилган вазифаларни бажара олиш билан белгиланади.

Охирги талаб (гносеологик вазифаларни бажарилиши) назария томонидан амалга ошириладиган функцияларда намоён бўлади.

Илмий назария 3 – та асосий функциялари бажаради.

1. Тавсивлаш функцияси;
 2. Тушунтириш функцияси;
 3. Башорат қилиш функцияси.
-

Манашу функцияларни амалга ошириш жараёнида назария амалиёт билан боғланади, кишиларга турли ижтимоий, маънавий технологик қадриятлар яратиш имконини беради.

Назария орқали кишилар оламни ўрганадилар билиб оладилар, табиат ва жамиятни ўзлаштирадилар, сунъий маданий муҳитни яратадилар.

ХУЛОСА

Диалектика таълимотини ўрганиш воқеаликни, борлиқда мавжуд бўлган турли объект ва тизимларнинг ўзгариши ва ривожланишининг мазмунини англаш, назарий ва Амалий фаолиятимизнинг йўналишини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги пайтда тез суръат билан содир бўлаётган туб ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниш, фаолиятимизнинг кўлами ва самарадорлигини ошириш вазифасини ҳал қилиш тафаккур маданиятини юксалтиришни талаб қилади. Бунга эришишни йўлларида бири диалектика таълимотининг асосий тушунчалари, тамойиллари ва қонуниятларини, уларнинг мазмуни ва методологик аҳамиятини чуқур тушуниб олишдир.

Диалектика таълимоти мураккаб, кўп қатламли ва, Айни пайтда, очиқ назарий ва услубий ҳосила бўлиб, у диалектик тафаккурга оид тасаввурлар, умумий алоқадорлик ғояси, ривожланиш концепцияси, ривожланишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги билимлардан иборатдир.

Умумий алоқадорлик ғояси ҳозирги замон Фани ва амалиёти таъсирида ўз мазмунини бойитмоқда, дунёқарашни шакллантиришда, теварак – атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва тартиботини англашда ката роль ўйнамоқда.

Диалектика таълимотида марказий ўринни эгаллаган ривожланиш концепцияси табиат, жамият ва маънавият соҳаларида юз бердиган ҳаракат ва ўзгаришларнинг хислатларнинг, улардаги такрорланиш, юксалиш, туб ўзгариш, тисарилиш жараёнларнинг моҳиятини тушунтириб беради. Бу аёниқса ўзгариш, тараққиёт, таназзул ва ривожланиш ўртасидаги боғланиш, ўхшашлик ва фарқни англаш учун зарурдир.

Диалектиканинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги тасаввурларни шаклланиши ҳали тадқиқ қилишга муҳтож бўлган муаммодир. Бу муаммо устида мулоҳаза юритиш шуни кўрсатадики, кўп томонлама ва босқичли хислатга эга бўлган ривожланиш жараёни табиат, жамият ва инсон фаолияти соҳаларида амал қиладиган кўплаб жузъий ва умумий алоқадорлик, қонун ва қонуниятлар орқали намоён бўладилар. Диалектика тадқиқ қиладиган қонуниятлар ривожланишнинг маълум томонини /манбаини, амал қилиш усулини, йўналишини /кўрсатадилар. Бу эса борлиқда содир бўлаётган ўзгариш ва ривожланишнинг хусусиятларини аниқлаш, фан – техника ютуқларини фалсафий жиҳатдан умумлаштириш, назарий ва амалий фаолиятнинг мазмуни ва йўналишини оқилона белгилаш муаммосига доимо эътибор беришни тақазо этади.

Билиш инсон фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида ўзининг қонуниятлари, даражалари ва шаклларида эга. Билиш фалсафаси бу қонуниятларни урганар экан замонавий гносеологик концепциялар ишлаб чиқади. Ҳозирги пайтда муҳим гносеологик масалаларни илмий тадқиқот назарияси ва тажрибаси олға сурмоқда. Бу ерда билиш фалсафаси фан методологияси билан ўзвий боғланишда бўлиб долзарб гносеологик ва эпистемологик муаммоларни ўрганмоқда.

АДАБИЁТЛАР

- Каримов И. А. ЎЗБЕКИСТОНнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.
- Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 1992. 3 -1 4, 26, 43 – 46 бетлар.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида.
Т.: «Ўзбекистон» нашриёти. 1995. 9 – 12, 152 – 269 бетлар.
- Введение в философию. М.: Политизмдат, 1989. Часть 2. Гл. VII.
- Жалолов А. Ижтимоий тараққиёт ва ҳозирги замоннинг ялпи муаммолари.
Методик тавсиялар. – Т.: ТошДУ нашриёти, 1989. 9 -11 бетлар.
- Критика немарксистских концепций диалектики XX века. Диалектика и проблема рационального. М.: Изд. МГУ, 1988.С.49 – 395.
- Материалистическая диалектика в пяти томах. Т.5. – М.: Мысль, 1981.Гл. XVII.
- Нematов И. Тараққиётнинг системалилиги муаммосига оид рефлексияли мулоҳазалар // Фан ва фалсафада рефлексия муаммоси. Самарканд: СамДУ нашриёти, 1995. 25 – 34 юетлар.
- Спиркин А. Г. Основы философии. М.: 2004г. С.154 – 255.
- Степанянц, М. Т. Мусульманские концепции в философии и политике /XIX – XX вв./. М.: Наука, 1982. С. 46 – 79.
- Тулёнов Ж., Фафуров З. Фалсафа. – Тошкент, 1997. 88 – 175 бетлар.
- Философия курсидан маърузалар. II қисм. С.: СамДУ нашриёти, 1992. 48 – 75, 137 – 139 бетлар.
- Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси.Т.«Ўзбекистон» нашриёти, 1993-109 бет.
- Қўшоқов Ш.С. мустақиллик ва фалсафанинг янги сиймоси // мустақи Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари Т.: «Фан» нашриёти,1994. 12-14 бетлар.
- Қўшоқов Ш.С. Диалектика. Ривожланиш концепцияси. Самарканд: СамДУ, 1996й.
- Фалсафа.Қомусий луғат.Тошкент, 2004й.
- Назаров Қ. ва бошқалар. Билиш фалсафаси. Тошкент: «Университет», 2005.
-

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.

2

I – боб. Диалектика – умумий алоқадорлик ва ривожланиш тўғрисидаги таълимот

3

Далектик тафаккур. Борлик ва билишга диалектик қарашнинг қарор топиши -3. Диалектика тушунчаси. Диалектикани фалсафий таълимот ва тадқиқ қилиш усули сифатида шаклланиш тарихинидан-5. XX асрдаги диалектика таълимотларининг Асосий йўналишлари -6. Диалектика ва унинг муқобиллари – 9.

II – боб. Диалектика умумий алоқадорлик тўғрисида

11

Муносабат, алоқадорлик, боғланиш ва ўзаро таъсир тушунчалари – 11. Диалектика категориялари -13. Яккалик ва умумийлик -14. Ҳодиса ва моҳият -16. Қисм ва бутун -18. Мазмун ва шакл -19. Элемент, структура ва система -20. Сабаб ва тасодифият – 22. Имконият ва воқеалик – 25.

III – боб. Диалектика – ривожланиш тўғрисидаги таълимот. Ривожланиш концепцияси

27

Ривожланишнинг диалектик концепцияси – 27. Ривожланиш тушунчаси, унинг ҳаракат ва ўзгариш тушунчаси билан ўзаро нисбати – 30. Ривожланиш тараққиёт ва таназзул -31.

IV – боб. Диалектика ривожланишнинг универсал қонунлари тўғрисида

35

Қонун ва қонуният тушунчалари – 35. миқдор ва сифат ўзгаришлари диалектикаси. Хосса, сифат, миқдор ва меъёр категориялари – 36. Миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришига ўтиши – 37. Узлуксизликнинг узилиши. Сакрашнинг турлари – 38. жамиятда содир бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзига хос хусусиятлари-39.Зиддиятларнинг вужудга келиши ва ҳал бўлиш қонунияти. Айният, тафовут ва қарама – қаршилиқ тушунчалари – 40. Зиддият – ҳаракат, ўзгариш ва ривожланиш манбаи- 41. Ижтимоий тараққиёт зиддиятлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари -42. Инкор, синтез ва қайтарилишнинг ўзаро алоқадорлиги қонунияти. Инкор тушунчаси. Диалектик инкор -43. Инкорнинг турлари -45.Инкорни инкор ва синтез-46. Ривожланишнинг спиралсимон – 48.

V – боб. Билиш назарияси

Билиш ва илмий билиш. Билиш тушунчаси. Илмий билиш – 50. Билишнинг даражалари ва шакллари. Билишнинг даражалари – 51. Билишнинг шакллари – 52.

Хулоса 54

Адабиётлар 55

